

447

Үттіз сақкынчы үйл чиқиши  
Робиуссоний 1445х  
Ноябр 2023м



# Ал-Ваъи

Кеңг күламлы,  
фикарий, сақоғий журнал

Ал-Ваъи сұзы

هَذَا بَلَغُ لِلنَّاسِ وَلَيُنَذَّرُوا بِهِ

«Бу – одамлар огоҳлантирилишлари учун бир баёнотдир»

«Исроиллик»  
журналист:  
Давлатимиз заволга  
юз тутмоқда

84

Муносабатларни нормаллаштириш  
келишувлари (Иброҳим келишувлари) ҳамда Яқин Шарқдаги  
Стратегик Иттифоқ... Халқа-  
қаро рақобат

Уламолар ҳал қилувчи ролни  
ўйнайдиларми? (3)

35

Исроил миңтақадаги  
асосий ўйинчи (3)

Мусулмонлар аламли ҳозир  
билин умидли келажак ўртасида  
(Пайғамбарлик минҳожи  
асосидаги Халифалик)

8

17



447

Ўттиз саккизинчи  
йил чиқиши  
Робиуссоний 1445ҳ  
Ноябр 2023м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

## Үйиду сонга

- **Ал-Ваъй сўзи:** «Бу – одамлар огоҳлантирилишлари учун бир баёнотдир» ..... 3
- Мусулмонлар аламли ҳозир билан умидли келажак ўртасида... (Пайғамбарлик минхожи асосидаги Халифалик) ..... 8
- Муносабатларни нормаллаштириш келишувлари (Иброҳим келишувлари) ҳамда Яқин Шарқдаги стратегик иттифоқ... Халқаро рақобат ..... 17
- Истроил миңтақадаги асосий ўйинчи (3).. 10
- Ислом ҳазорати хусусиятлари ва унинг асослари мўъжизадир! Қандай қилиб мусулмонлар уни бошқа нарсага алмаштиридилар! ..... 24
- Уламолар ҳал қилувчи ролни ўйнайдиларми? (3) ..... 35
- **Олам мусулмонлари хабарлари** ..... 48
- **Қуръони Карим сұхбатида** ..... 52
- **Жаннам боғлари:** Қуръоннинг фазилатлари хақида (1)..... 67
- Халифа Умар ибн Абдулазиз ҳаётидан лавҳалар ..... 72
- **Сўнгги сўз:** «Истроиллик» экстремистларнинг Куддусдаги насронийлар ва черковларига қарши хужумлари кучаймоқда... Черковга тупуриш ва уни таҳқирлаш ..... 83
- «Истроиллик» журналист: Давлатимиз заволга юз тутмоқда ..... 84



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

﴿هَذَا بَلَغٌ لِلنَّاسِ وَلَيُنَذَّرُوا بِهِ﴾

## «Бу – одамлар огоҳлантирилишлари учун бир баёнотдир»

Бугун, 2023 йил 18 октябр чоршанба куни Оқ уй жиноятчиси Байден Ғазода яна ёқилмаган нима қолганини, ёкиш ишларини охирига етказишда Америка тарафидан яхудийларга яна қандай куроллар етказиб берилиши кераклигини ўрганиш учун яхудий жиноятчиси Нетанияху билан учрашиди. («Исройл» халқи ва бутун дунё АҚШнинг ким тарафида турганини билиши учун ўзининг ушбу ташрифини амалга оширганини ифода этган Байден, «Исройл»нинг Ҳамас хужумларига жавоб бериш учун керакли нарсаларга эга эканига Вашингтоннинг ишонч ҳосил қилмоқчилигига ургу берди. У Ҳамаснинг «Исройл»га қарши амалга оширган хужумларини ваҳшийлик дея таъкидлади... Ал-Жазира, 2023 йил 18 октябр). Байденнинг айни сафари яхудийлар Ғазодаги баптистлар шифохонасини бомбалаши натижасида юзлаб одамлар, асосан болалар ва аёллар шаҳид бўлган қирғиндан кейин амалга ошди.

Байден бугун чоршанба куни Тель-Авивдан Аммонга бориши, у ерда Иордания қироли, Миср президенти ва Фаластиин маъмурияти раҳбари билан учрашиб, 1967 йилда босиб олинган ҳудудларнинг бир қисмида тикланадиган қуролсизлантирилган давлат орқали Фаластиин масаласини қандай якунига етказиши мухокама қилиши керак эди. Миср президенти ушбу Фаластиин давлати ҳақида Германия канцлери билан бўлган учрашувда бундай деди: «Куролсизлантирилган Фаластиин давлатини барпо этиш бўйича БМТ ва халқаро ташкилотларнинг ташаббусларига, улар томонидан чиқарилган қонунларга, шунингдек, араб давлатларининг бу борадаги ташаббусларига қарамай, ишларнинг бундай нуқтага етиб келишига нима сабаб бўлди? Сўнгги ўттиз йил ичida биз яратишга муваффак бўлган уфқ ёки Фаластиин давлати борми?». Лекин бу учрашув яхудийларнинг баптистлар шифохонасида содир этган жиноятидан кейин бекор қилинди ёки (кейинга

қолдирилди). Бу хақда Оқ уй расмийси («Президент Байден «Исроил» ташрифидан кейин Иорданияга белгиланган ташрифини бекор қилди», деб билдириб, «АҚШ президенти қирол Абдуллоҳ иккинчи билан маслаҳатлашганидан сўнг ҳамда Фаластин раҳбари эълон қилган мотам кунларини ҳисобга олган ҳолда Иорданияга сафарини кейинга суради», деди.

Газо соғлиқни сақлаш вазирлиги «Исроил»нинг баптистлар шифохонасини бомбардимон қилиши натижасида қурбон бўлганлар сони 500 нафарга етганини, шаҳидларнинг аксарияти аёллар ва болалар эканини маълум қилди... Ал-Жазира, 2023 йил 18 октябр).

Шундай қилиб, Америка Фаластинни босиб олган яхудий вужудини ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. У Нетаняхуга (««Исроил» ўз халқини ҳимоя қилишга харакат қилар экан, Қўшма Штатлар «Исроил»ни қўллаб-қувватлашда давом этади», дея уни очиқдан-очиқ қўллаб-қувватлашини билдири). У, шунингдек, «Сиз ёлғиз эмассиз, биз сиз билан биргамиз ва сизнинг орқангизда турамиз», дея Нетаняхуни хотиржам қилиб, Исроилнинг ёлғиз эмаслигини ва АҚШ «Исроил»ни қўллаб-қувватлашда давом этишини таъкидлади. Байден «Биз «Исроил» озодлигини ҳимоя қилишда бугун, эртага ва абадий сиз билан бирга бўламиз», дея кўшимча қилди. Дубай Арабия нет, 2023 йил 18 октябр). Буларнинг барчасига қарамай, мусулмон мамлакатларидағи ҳукмдорлар Америкага мурожаат қилиб, Газодаги мазлумларга дори-дармон ва озиқ-овқат ёрдамини етказиш учун Рафаҳ назорат-ўтказиш пунктини очиб беришини илтимос қилишмоқда... Бу ошкор қилинганлари бўлиб, яширганглари янада каттароқдир! Яхудийлар уйларни портлатишмоқда, касалхоналарни бомбардимон қилиб, юзлаб bemor ва уларнинг оиласарини ўлдиришмоқда. Бу ҳукмдорлар эса мана шу яхудийларни кечаю кундуз қўллаб-қувватлашини яширмасдан очиқ-ойдин айтиётган Байдендан умид қилишмоқда. Дарҳақиқат, Байден яхудийларнинг барча жиноят ва зулмларини оқлаб турган бир пайтда, баптистлар шифохонаси уларнинг тажовузкорлигини яққол кўрсатиб қўйди.

Байден келишидан олдин АҚШ давлат котиби Блинкен Иордания, Фаластин маъмурияти, Миср, Саудия, Қатар, Араб Амирликлари каби араб давлатлари раҳбарлари билан учрашди... Улардан аввал яхудийлар билан учрашиб, АҚШ

вазири сифатида келишдан олдин, уларга яхудий сифатида келганини билдири! Учрашувда назорат-ўтказиш пунктининг очилиши, дори-дармон ва озиқ-овқат юборилиши муҳокама қилинди. Араб давлатлари раҳбарлари Блинкендан Рафаҳ назорат-ўтказиш пунктини очишга яхудийларни кўндириб беришни сўрашди! Бу уят ва шармандалик эмасми?! Фаластин атрофидаги армияларимиз Рафаҳ назорат-ўтказиш пунктини очишдан ожизми?! Ҳатто армияларимизнинг энг кичиги бўлган Иордания армияси ҳам яхудийлар қалъасини вайрон қилишга қодир. Шундай экан, Миср армияси хақида нима дейиш мумкин?! Фаластин атрофидаги мусулмон армиялар Фаластинни озод этишга ожизлик қиласдими?! Улар Рафаҳ назорат-ўтказиш пунктини очиб беришни Байдендан илтимос қилишлари керакми?!

Мусулмонларнинг мусибати уларнинг ҳукмдорлариdir. Чунки ҳукмдорлар армияларнинг Ғазодаги биродарлариiga ёрдам кўрсатишларига тўскинлик қилишди. Улар фақатгина бўлаётган воқеаларни кузатиб туришибди. Шахидларни санаб, уларни ўлганлар деб аташ ҳамда ярадорларни қайд этиш билан қаноатланишмоқда... Уларнинг энг кўзга кўринган ишлари ўликларни дағн этишга ва ярадорларни дори-дармон билан таъминлашга ёрдам кўрсатиш учун Байдендан Рафаҳ назорат-ўтказиш пунктини очиб беришни илтимос қилиш бўлди... Улар шу билан кифояланиб, Аллоҳ Таолонинг қуйидаги каломида айтилган кимсалардек бўлиб қолишли.

﴿صُمْبُكْمُ عَمِّيْ فَهُمْ لَا يَرْجِعُونَ﴾

«(Улар) кар, соқов, кўрдурлар, демак (йўлларидан) қайтмайдилар» [Бақара 18]

Фаластин ахли дори-дармон ва озиқ-овқатга муҳтоҷ эмас, аксинча, уларга ёрдам кўрсатиб душманни яксон қилувчи ва уларнинг азизлигини қайта тикловчи мард кишиларга муҳтоҷ. Улар Иордания армиясига ҳамда Ибн Валид ва Абу Убайда каби Шом заминидан румликларни қувиб чиқарган саркардаларга муҳтоҷ... Миср армиясига ва салибчиларни мағлуб қилган Салоҳиддин каби саркардага муҳтоҷ... Айн Жолутда мўғул татарларни мағлуб қилган Қутуз ва Бейбарс каби саркардаларга муҳтоҷ... Ўзининг «Фаластин сотилмайди ва сотиб олинмайди, аксинча, у мусулмонларники бўлиб, у ерда яхудийлар ҳукмронлик қилолмайди», деган машхур сўзини айтган Абдулҳамид каби халифага муҳтоҷ...

Шунингдек, яхудийларга қарши жанг қиладиган ҳамда Росууллоҳ ғининг Муслим Ибн Умардан ривоят қилган ҳадисда

«لَقَاتَنَ الْيَهُودَ فَلَقْتُهُمْ...»

«Сизлар яхудийларга қарши жанг қилиб, уларни ўлдирасизлар...», деб айтган башоратларини рӯёбга чиқарадиган холис ҳукмдорга муҳтоҷ. Ана шунда Фаластин Аллоҳ, Унинг Росули ва мўминлар ҳузурида муборакли Ислом диёри бўлганидек, яна азиз ва енгилмас ҳолига қайтади.

Эй, мусулмон юртларидағи армиялар:

Душман Ғазо секторини кулга айлантириш учун қуруқликдан, денгиздан ва ҳаводан бомбардимон қилаётганини эшитиб, кўриб турибсиз. Нега биродарларингизга ёрдам бермаяпсиз ёки жанг қилмаяпсиз?!

﴿فَتَلُوْهُمْ بِعَدَبِهِمُ اللَّهُ بِأَيْدِيهِمْ وَيُخِزِهِمْ وَيَنْصُرُكُمْ عَلَيْهِمْ وَيَسْفِ صُدُورَ قَوْمٍ مُّؤْمِنِينَ﴾

«Улар билан жанг қилинглар, (шунда) Аллоҳ уларни сизларнинг қўлингиз билан азоблайди, расво қиласи ва сизларни уларнинг устига голиб қиласи ҳамда мўмин қавм дилларини қондиради» [Тавба 14]

Исро ва Меъроҳ заминини босиб олган, унинг ахлини у ердан чиқариб юборган, динларингиз борасида сизлар билан урушган ва ҳамон урушаётган яхудийларга қарши жанг қилишдан ҳукмдорларингиз сизларни қандай қайтараётганини эшитиб, кўриб турибсиз... Ҳолбуки, Аллоҳ сизларни яхудийларга қарши жанг қилишга буюради, уларга қарши жанг қилишдан қайтармайди.

﴿إِنَّمَا يَنْهَاكُمُ اللَّهُ عَنِ الَّذِينَ قَتَلُوكُمْ فِي الْأَدِينِ وَأَخْرَجُوكُمْ مِّن دِيْرِكُمْ وَظَاهَرُوا عَلَىٰ إِحْرَاجِكُمْ أَن تَوَلُّهُمْ وَمَن يَتَوَلَّهُمْ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

«Аллоҳ сизларни фақат динларингиз тўғрисида сизлар билан урушган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқарган ҳамда сизларни ҳайдаб чиқаришида бир-бирларига ёрдамлашган кимсалардан – улар билан дўстлашишларингиздан қайтарур. Кимки улар билан дўстлашса, бас, ана ўшалар золим кимсаларнинг ўзидир» [Мумтаҳана 9]

Эй, мусулмон юртларидағи армиялар:

Исро ва Меъроҳ замини сизларни чакирмоқда, нидога жавоб қилинг... Ғазо аҳли сиздан ёрдам сўрамоқда, келинг, уларга ёрдам беринг... Аллоҳ Таоло қуидаги оятида айтган кимсалардан бўлманг:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا مَا لَكُمْ إِذَا قِيلَ لَكُمْ أَنفِرُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَثَاقْلُتُمْ إِلَى الْأَرْضِ  
أَرْضِيْتُم بِالْحَيَاةِ الدُّنْيَا مِنَ الْآخِرَةِ فَمَا مَنَعَ الْحَيَاةُ الدُّنْيَا فِي الْآخِرَةِ إِلَّا قَلِيلٌ ﴾ إِلَّا تَنفِرُوا  
يُعَذِّبُكُمْ عَذَابًا أَلِيمًا وَيَسْبِدُلُ قَوْمًا عَيْرَكُمْ وَلَا تَصْرُوهُ شَجَاعًا وَاللَّهُ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾  
 «Эй мўминлар, сизларга нима бўлдики, Аллоҳ йўлида (жиходга) чиқинглар, дейилса, ўз ерингизга (яъни, юртингизга) ёпишиб олдингиз?! Охират (неъматлари)дан юз ўғириб, ҳаёти дунё (лаззатлари)га рози бўлурмисиз?! Охират олдида бу дунё матоси жуда оз нарса-ку?! Агар (жиходга) чиқмасангизлар, (Аллоҳ) сизларни аламли азоб билан азоблар ва ўрнингизга бошқа бир қавмни келтирур. Сизлар эса У зотга бирон зиён етказа олмайсиз. Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдор»

[Тавба 38-39]

Хизб ут-Тахрир

З робиуссоний 1445ҳ  
18 октябр 2023м □

**МУСУЛМОНЛАР АЛАМЛИ ҲОЗИР БИЛАН УМИДЛИ  
КЕЛАЖАК ЎРТАСИДА  
(ПАЙҒАМБАРЛИК МИНҲОЖИ АСОСИДАГИ  
ХАЛИФАЛИК)**

**Омир Солим Абу Убайда**

Ҳозирги воқелигимиз ҳамда мусулмонларнинг тарқоқлик ва парчаланиш даражасига етган аҳволи ҳақида фикр юритган киши Умматнинг олдинги ҳолатидан, яъни давлатимиз ва ортида туриб жанг қилинадиган ва у билан ҳимояланиладиган имом-халифамиз бор бўлган пайтдаги куч-қудратидан фахрланади. Зоро, Исломий Умматдаги асосий тамойил унинг ягона уммат эканлигидир:

﴿إِنَّ هَذِهِ أُمَّةٌ وَاحِدَةٌ وَأَنَا رَبُّكُمْ فَاعْبُدُونِ﴾

«(Эй инсонлар), сизларнинг ушбу Умматингиз ҳақиқатда бир умматdir. Мен эса (барчаларингизнинг) Парвардигорингиздирман. Бас, Менгагина ибодат қилинглар!» [Анбиё 92]

Бу Уммат бир тана каби бир-бирига раҳмдил ва меҳрибондир:

«مَثْلُ الْمُؤْمِنِينَ فِي تَوَادِهِمْ وَتَرَاحِمِهِمْ وَتَعَاطُفِهِمْ مَثْلُ الْجَسَدِ...»

«Мўминлар ўзаро меҳрибонлик, раҳмдиллик ва ҳамдардликда мисоли битта танага ўхшайдилар...». Бироқ бу тана фақат бош бўлсагина, яъни тадбир қилувчи ақл ва етакловчи раҳбар бўлсагина ишлари текис ва силлиқ кетадиган ҳамда ҳолати барқарор бўладиган инсон танасига ўхшайди. Бизнинг давлатимиз ва халифамиз бор замонларда худди шундай эди, биз бутун халқларнинг саййиди ва етакчиси эдик. Бироқ Ғарб бизга қарши Шарқ билан тил бириктириб, давлатимизни йиқитди ва ўлжани ўзаро бўлишиб олишди. Бугун биз ўз уйимизда асиirlарга айландик ва ичимиздаги озод кишилар «навбат кимники» деб сўрайдиган бўлиб қолди. Биз пасткашлар дастурхони олдидаги етимларга айландик, барча фалокат ва кулфатлар бошимизга ёғиладиган бўлди! Инсонлар учун чиқарилган энг яхши Уммат учун бу табиий ҳол эмас. Азоб-уқубат ва фалокатлар бизга кетма-кет келиб, охир оқибат шу аҳволга тушдик. Бироқ, вазият шундай давом этавермайди, бошимизга тушган бу қора кунлар ортидан хурсандчилик келиши лозим.

Биз мозийимиздан илҳом олиб ҳамда Аллоҳ Субҳанаҳунинг ваъдаси ва Росули ﷺ нинг башорати бўлмиш Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик билан азизлик юлдузимиз

порлашига яқин қолғанлиги ҳақида хушхабар берган ҳолда мусулмонларнинг Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик даврида ўтказган воқелиги билан бугунги воқелигини бир катор сатрлар орқали солиштироқчимиз. Зеро, биз Аллоҳ Субҳанаҳунинг ваъдаси ва Росули ﷺ нинг башорати бўлмиш ушбу қудрат-азизликни Росууллоҳ Ислом давлатини барпо этиб, Аллоҳнинг китоби билан ҳукм қилганда илк бор гувоҳи бўлганмиз. Ўзининг муҳкам Китобида қудрати улуғ Роббимиз бундай марҳамат қилган:

﴿يَهْدِي بِهِ اللَّهُ مَنِ اتَّبَعَ رِضَوَةَ وَسُبْلَ السَّلَامِ وَيُخْرِجُهُمْ مِنَ الظُّلْمَتِ إِلَى النُّورِ يَأْذِنُهُ وَيَهْدِيهِمْ إِلَى صِرَاطِ مُسْتَقِيمٍ﴾

«Аллоҳ у сабабли ўзининг ризолигига эргашган зотларни најсом йўлларига ҳидоят қилур ва Ўз изну иродаси билан уларни зулматлардан нурга чиқарур ва уларни тўгри йўлга ҳидоят қилур» [Моида 16]

Ажаб эмаски, бу сўзлар ғофилни хушига келтирса, унутганга эслатма бўлса, ухлаётганни уйғотса ва чўғни алангалаатса...

**Биринчи навбатда мусулмонларнинг бугунги воқелиигига сиёсий жиҳатдан назар ташлаймиз:** Бугунги кунда мусулмонлар рувайбиза ҳукмдорлар тарафидан зулм ва зўравонлик остидалар. Ҳукмдорлар мусулмонлар юртларини тақсимлаб, ўзларини темиру олов ёрдамида бошқариши, бошларига не-не азоблар ёғдириши. Мусулмонлар ичидаги энг шарафли кишиларни таъқиб қилиши, динга ёрдам бериш учун фаолият қилаётган холисларини камашди, юртларини кофир давлатларнинг кураш майдонига айлантириши. Мусулмонлардан қанчаси қирғин килинганини ва қанчаси кочқинга айлантирилганини санаш-ҳисоблаш билан банд бўлиши... Мусулмонларнинг юртлари учинчи олам давлатларига, уларнинг ўзлари эса Халқаро Валюта Фонди билан АҚШ етакчилигидаги тоғут БМТнинг маҳкумларига айлантирилди. Мусулмонларнинг халқлар ва давлатлар орасида ҳеч ўрни қолмади, ваҳоланки, уларнинг давлати ўн икки асрдан зиёд вақт мобайнода дунёning биринчи давлати бўлиб турганди. Бугун эса давлат айтган ва хоҳлаган нарса қонун ва қарорга айланди... Мусулмонлар турли чегаралар орқали бўлинди ва парчаланди. Юртлари эса уруш, нафрат ва фитна ўчогига айланди. Шунингдек, манфур миллатчилик ва тубан ватанпарварлик низолари авж олди.

Қачон Аллоҳ Таоло ушбу давлатни қайтиб келишига изн берса, мусулмонларнинг ҳайбати, куч-кудрати ва хукмронлиги ҳам қайтади, яна биринчи рақамли давлатга айланади, қайта Укоб байроқлари юртлар узра ҳилпирайди, қайта мусулмонлару ғайримусулмонлар Ислом неъматидан баҳраманд бўладилар. Ҳатто ўз раҳбарлари зўравонлигидан азоб чекаётган кофирлар ҳам Ислом давлати ҳимояси остида бўладилар. Давлат уларнинг золим раҳбарларини тийиб қўйиш учун уруш очиши ҳам мумкин, чунки Ислом бутун инсоният учун раҳмат динидир. Мусулмонлар давлатида фақат халифанинг шартлари остидагина коалиция ва келишувлар бўлади... Шунингдек, на доимий шартномалар бўлади ва на давлатлар қўйган тузоқлар...

**Иқтисодий жиҳатга келсак**, бугун аксар мусулмонлар ғоят муҳтоҷликда, ғоят қашшоқликда яшамоқдалар, улардан кўпчилиги бир бурда нон учун кунларини тунларга уламоқдалар. Аксари ўзининг камолий эҳтиёжи у ёқда турсин, ҳатто асосий эҳтиёжини ҳам қондира олмаяпти. Зиммаларига солиқлар юкланияпти, савдогарлардан адолатсиз макс-солиқлар ундириляпти, улар буни одамлар чўнтагидан қоқиб олишяпти... Нархлар осмонга чиқиб кетган, улкан коррупция ўрнашиб олган, ҳатто исломий юртларда йирик миқдорда бойликлар мавжудлигига қарамай, баъзи юртлар очликни бошдан кечирмоқда. Агар ишларни ғамхўрлик билан бошқарувчи мусулмонларнинг халифаси бўлганда эди, бойлик кўплигидан уни ҳовучлаб олганларига гувоҳ бўлардингиз. Чунки закот, фай, ўлжа, рикоз, садақалар ва омма мулклари, буларнинг барчасида уларнинг ўз насибалари бор. Росууллоҳ ﷺ

«النَّاسُ شُرَكَاءُ فِي ثَلَاثٍ : الْمَاءُ وَالْكَلَأُ وَالنَّارُ»

**«Инсонлар уч нарсада шерикдирлар: сув, ўт-ўлан ва олов»,** дея марҳамат қилганлар. Дарҳақиқат, Ислом ҳатто якка тартибда бўлса ҳам ҳар қандай ёриқни даволашда ҳисса қўшадиган тушунчаларни яратган. Бунга бойлар камбағалларга бериши билан уларни бир тузилма ва бир танага айлантирадиган тушунчалар мисол бўлади. Росууллоҳ ﷺ бундай деганлар:

«مَنْ كَانَ مَعَهُ فَضْلٌ ظَهَرٌ فَلَيُعْدُ بِهِ عَلَىٰ مَنْ لَا ظَهَرَ لَهُ، وَمَنْ كَانَ لَهُ فَضْلٌ مِنْ زَادٍ فَلَيُعْدُ بِهِ عَلَىٰ مَنْ لَا زَادَ لَهُ»

**«Кимда ортиқча маркаби бўлса, уни маркаби йўқ кишига берсин, кимда ортиқча емиши бўлса, уни емиши йўқ кишига берсин».** Яна бундай марҳамат қилганлар:

«مَا آمَنَ يِي مِنْ بَاتَ شَبَّعَانَ وَجَاهَهُ جَائِعٌ إِلَى جَبَّيْهِ وَهُوَ يَعْلَمُ بِهِ»

**«Кимки қўшнисининг очлигини била туриб, ўзи тўқ ҳолда тонг оттиrsa, менга иймон келтирмабди».** Ишни иймонга боғлаш амалга шошилишни кучайтиради.

Эртанги кунга келсак, Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик Аллоҳнинг изни ила барпо бўлса, У зотнинг

﴿وَلَوْ أَكَّدَ أَهْلُ الْقُرْبَى عَامِنُوا وَأَتَقْوَأُ لَفْتَحَنَا عَلَيْهِمْ بَرَكَتٍ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ﴾

**«Агар қишлоқларнинг (жойнинг) аҳли имон келтириб, (Аллоҳдан) қўрққанларида эди, албатта Биз уларга осмону ердан баракот (дарвозаларини) очиб қўйган бўлур эдик»**

[Аъроф 96]

деган каломи рўёбга чиққанда Халифалик ўттиз миллион квадрат километрга яқин кенг майдонни битта юрт ва битта давлатга айлантиради. Ўшанда одамлар миллион-миллонлаб баррел нефть қазиб оладиган ҳамда фосфат, темир, пўлат ва бошқа металлар, олтин ва кумуш каби қимматбаҳо конларга бой бўлган юртларимизда Қуёш ва шамол энергиясидан, ядро реакторларидан ва бошқа беҳисоб бойликларидан фойдаланадилар, шу орқали ажиб фаровон ҳаёт билан таъминланадилар... Қишлоқ хўжалик механизацияси, йирик техника ва мелиорация яратилиб, кўрик ерлар ободонлаштирилди, дехқончиликлар, мева-сабзавотлар, хирожу ушрлари йўлга қўйилади ва Ер ўзининг бутун неъматларини чиқариб беради:

﴿وَبَرَكَ فِيهَا وَفَدَرَ فِيهَا آفُوتَهَا فِي أَرْبَعَةِ أَيَّامٍ سَوَاءَ لِلْسَّابِلِينَ﴾

**«У зот (Ерни) баракотли қилди ҳамда ўша (ер)да унинг емишларини (яъни ер аҳлининг ризқу рўзларини) тўла тўрт кунда белгилаб-тақсимлади, (бу тафсилот) сўрагувчилар учундир»**

[Фуссилат 10]

Шунингдек, тоғларга, ҳатто саҳроларга дехқончилик қилинади ва барчасининг ўз мавсумлари бўлади, мусулмон юртларда қушлар оч қолибди дейилмаслиги учун тоғларгача дон сепилади...

**Тиббиёт соҳасига келсак,** касалхоналар ва тиббий марказлар очилади, бепул даволаниш ва дори-дармон таъминланади, фармацевтика саноати маҳаллийлаштирилади,

имкониятлар етиб бормаган жой қолмайды. Бу имкониятлардан фавқулодда вазиятлар, зилзила ва оғатлар, шу жумладан, қутқарув ва мудофаа учун фойдаланилади, қутқарув гурухларининг бири маълум вазифа билан шуғулланса, иккинчиси бошқа бир вазифа билан шуғулланади ва ҳоказо... Энг малакали шифокорлар – агар юртларимизда мавжуд бўлмасалар – хориждан олиб келинади. Биз бугунги кунда Гарбдаги мавжуд энг талантли шифокорларнинг аксари мусулмон юртлардан эканига гувоҳ бўляпмиз. Чунки улар юртларимиздаги мавжуд жинояткор режимларнинг зулми, адолатсизлиги ва ҳалқни оч қўйишганидан хорижга кетишга мажбур бўлишган, Гарб уларни жозибадор маошлар билан ўзига жалб қилган.

Биз, шунингдек, эртага Халифалик давлатининг тиббий ғамхўрликни таъминлаб, энг ривожланган тиббий ускуналарни сотиб олишини, ҳатто сотиб олмоқчи бўлган шахсларга ёрдам беришини гувоҳи бўламиз. Бу давлатимизда, коронавирус пандемияси пайтида кўрганимиздек, тиббий никоблар монополиясини ва давлатларнинг бир-бирига қарши тил бириқтириб, курашишларини асло кўрмаймиз. Жанглардаги ярадор аскарларни ёрдамсиз қолдирилишини, тиббий хизматлар ёмонлигидан шикоят қилишларини ҳаргиз гувоҳи бўлмаймиз... Бунга Шомдаги заиф тоғут режимини мудофаа қилиб, ярадор бўлган, аммо ундан ҳеч қандай ёрдам олмаган аскарларнинг аҳволи мисол бўлади. Шу билан бирга, Мисрға ҳужум қилиб, сўнг ўзининг ярадор аскарларини ташлаб кетган Наполеон ҳам мисол бўлади. Ўшанда унинг аскарлари оғриқ сабабли ўлимни орзу қилишган эди.

Давлатимиз бор бўлган пайтдаги куч-қудратимиз саҳифаларини варақлайдиган бўлсак, бутун исломий минтаقا шифохоналар билан таъминланганини, дунёда тиббий ўйғонишга тамал тошини қўйган Ибн Сино ва бошқа жуда қўп табиблар каби маҳоратли шифокорлар мавжуд бўлганини ўқиймиз. Биз бепул ёки жуда-жуда арzon даволанишни, тиббий тадқиқотларни, қашфиётларни, дори-дармонларни, энг янги технологияга эга илгор жарроҳлик жиҳозларини гувоҳи бўламиз. Буни яқин вақт ичida, Аллоҳ Таолонинг изн-иродаси или ҳатто жуда яқин кунда кўражакмиз.

**Илм-фан соҳасига келсак,** Росулуллоҳ  энг биринчи



«Ўқи»

[Қалам 1]

ояти нозил бўлган. Бу ўқиш, илм олиш ва илм беришнинг не чоғли муҳимлигига далолат қиласди. Аллоҳ Азза ва Жалла бундай деган:

﴿قُلْ هُلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Айтинг – биладиган (илми) зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?!» [Зумар 9]

Яна бундай деган:

﴿فَسَأَلُوا أَهْلَ الْدِّكْرِ إِنْ كُنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ﴾

«Билмайдиган бўлсангизлар, аҳли илмлардан сўранглар»

[Наҳъл 43]

Ҳар соҳанинг эгаси бор. Бу оятлар ким билимсиз бўлса, биладиган кишидан сўраши фарз эканлигига далолат қилмоқда. Росулуллоҳ ﷺ ҳам

«لَيْسَ مِنِّي إِلَّا عَلَمٌ أَوْ مُنْتَهٰى»

«Ким олим ёки ўрганувчи бўлмаса мендан эмас», деганлар. Шунингдек,

«مَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يَأْتِمُسْ فِيهِ عِلْمًا سَهَّلَ اللَّهُ لَهُ بِهِ طَرِيقًا إِلَى الْجَنَّةِ»

«Ким илм излаш йўлидан юрса, Аллоҳ унга илм орқали жаннатга элтувчи йўлни қулайлаштириб қўяди», дея марҳамат қилганлар. Бугунги кунда мусулмонлар устидан систематик равишда саводсизлаштириш сиёсати олиб бориляпти, ким билимли бўлишни истаса, унинг тақдири эътиборсизлик ёки хорижга кетиш ёхуд муваффакиятсизлик бўляпти.

Шунинг учун ҳам, Халифалик соясида илм олиш ва илм беришга алоҳида эътибор қаратилишини, таълим дастурларининг Ислом ақидасига асосланиб, исломий сақофат берилишини кўрамиз. Олимлар болаликдан саноат билан шуғулланишини, кимёғарлар, физиклар ва атом олимлари етишиб чиқишини, университетларимиз келажак авлод учун илм-фан маёғига айланиб, у ерларга Ғарб ҳам, Шарқ ҳам илм излаб келишини гувоҳи бўламиз. Ўтмишда худди шундай бўлган ҳам. Дарҳақиқат, немис қироли андалуслик халифага дўстлик ва миннатдорчиликка тўла мактуб ёзиб, Қуртуба ва Андалусиядаги бошқа исломий пойтахтлар университетларида таълим олишлари учун немис қизларидан бир гурух

юборишини, уларнинг бошлиғи қиролнинг қизи бўлишини айтган.

Бугунги кунда масалан, олимлар назарий жиҳатга боғланиб қолишган, камдан-кам ҳолларда татбиқий жиҳатга эътибор беришяпти. Улардан илм-фанда омади чопгани бўлса, ё тўхтатиб қўйиляпти ёки узоққа кўчиб кетиши учун унга тазийқ қилинняпти, ҳатто баъзи ҳолларда ўлдириб юбориляпти. Йўқ, Халифалик давлатида буларни кўрмаймиз, билъакс, юқори технология ва рақамлар олами Аллоҳнинг бандалари устидан жосуслик қилиш ёки бузуқлик ва фаҳш ёйиш мақсадига эмас, балки Аллоҳга итоат қилишга хизмат қилишини кўрамиз.

**Энди ижтимоий соҳа.** Биз эртага номуслар сақланишини, насл-насаблар ҳимоя қилинишини кўрамиз. Бугун Фарбда ва унга эргашган баъзи мусулмонларда кўраётганимиз уйсизлар, отасизлар, фамилиясизлар ва валади зиноларни ҳаргиз кўрмаймиз. Балки аёлнинг «уй бекаси ва сақланиши керак бўлган номус» эканини, уларнинг иффат, поклик ва ҳаё либосига бурканганини кўрамиз, эркак-аёл аралаш ҳолатларни, фуқаролик никоҳларини ва эркак-хотин шаръий эр хотинликдан ташқари яшашларини ва алоқа қилишларини асло гувоҳи бўлмаймиз.

Биз эртага, шунингдек, мусулмонлар сарҳадларини мудофаа қиласиган ва «эй Мўътасим!» дея нола қилган аёлга нусрат бериш учун қўшин тортиб бориб, тўқсон минг душманни қириб ташлаб, Амурияни фатҳ қиласиган зотларни топамиз. Кўзини тиядиган ва фаржини сақладиган инсонларни, Исломнинг ҳатто меҳмон кутиш даражасида ҳам энг кичик ишларга диққат қилишини кўрамиз. Масалан, айтишларича, Усмонийлар замонида кўча эшиги олдига иккита бири катта, бири кичик болғачаларни қўйиб қўйишган, агар катта болғача тақилласа, хонадон аҳли эркак киши чақираётганини билар ва эшикни хонадон эркаги очар, агар кичик болғача тақилласа, чақираётган аёл эканлиги билиниб, эшикни хонадон аёлларидан бири очар эди.

Усмонийлар замонида, шунингдек, мусулмонлар хонадон олдидан ўтиб кетаётиб, эшиги олдида қизил атиргул дастасини кўришса, демак ичкарида бемор борлигини билишар ва уни безовта қилмаслик учун кўчада шовқин қилишмас эди. Ислом давлатида «CEDAW» конвенцияси ҳам, хотин-қизлар эркинлиги ёки болалар ҳукуки ташкилотлари ҳам бўлмайди. Оғиз кўпиртириб мақтанишаётган бундай ташкилотлардан

мақсадлари бузғунчилик ва фаҳш тарқатиш, оилаларни пароканда қилиш, шахсий эркинлик ниқоби остида зинони кенг ёйиш, гомосексуализмга ва ҳайвонлар билан никоҳ қилишга чақириш каби разолатлардан бошқа нарса эмас.

**Ҳарбий соҳа ҳақида гапирадиган бўлсак**, ҳарбий сафарбарликка эҳтиёж туғилган пайтда миллионлаб, ҳатто ўн миллионлаб ва ундан зиёд аскарлар оёққа турғизилади. Сарҳадларни мудофаа қилиш, юрт ва фуқарони сақлаш учун энг сўнгги русумдаги курол-аслаҳалар шай туради. «Ўзингни тиймасанг, сенга карши шундай қўшин юбораманки, қўшиннинг боши менинг олдимда, охири сенинг олдингача чўзилади, менга каллангни олиб келишади, уни Алига тақдим этаман», деган ибораларни эшитамиз. Унинг амири «устларинга сенлар ҳаётни яхши қўрганингдек, ўлимни яхши қўрадиган қавм билан келдик» дейди. Эртага зўравонлик билан изғиб юрадиган ва қирғинлар содир этадиган яхудий қўшинлари ҳам, ҳатто улар билан ҳамкорлик қиласидиган исломий юртлар рувайбизаларини ҳам кўрмаймиз. Чунки биз унинг асосини ва рувайбизаларни топмаймиз. Фаластин эса Халифалик бағрига қайтади, яхудийларнинг думи кирқилади, жиноятчи хукмдорлар тарих ахлатхонасига улоқтирилади:

﴿فَقُطْعَ دَابِرُ الْقَوْمِ الَّذِينَ ظَلَمُوا وَالْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾

**«Бутун оламлар Робби Аллоҳга ҳамд бўлсинки, золим қавмнинг думлари қирқилди (ҳалок қилиндилар)»** [Анъом 45]

Двизиялар, танклар, ракеталар, замбарак ва ҳарбий техникалар бўлади... Халифалик давлатида заводлар, ҳатто озиқ-овқат ёки дори-дармон ва бошқаларга ихтисослашган завод бўлса ҳам, асоси ҳарбий шаклда курилади. Осмонимиздан душман самолётлари учиб ўтолмайди, бизни бомбардимон қилишга ва қўрқитишига журъат қилолмайди. Ҳурматимизни оёқ ости қилганлардан албатта ўч оламиз. Кемаларимиз ўтганда худди Усмоний давлат кемалари Босфордан ўтётганида улардан қўрққанидан Фарб черковлари қўнғироқлари овозини чиқармай тургани каби овозини чиқармайдиган бўлади.

Сув ости кемаларимиз ва танкерларимизни денгизларни кезиб юрганини, душманнинг минтақавий сув, дейилаётган ерларга ҳатто яқинлашишга журъат қилолмаётганини қўрамиз. Ўнлаб йиллардан бери талон-торож қилинган ва ўғирланган бойликлар мусулмонларга тегишли очиқ денгизларда қайта

мусулмонларга ташиб келинаётганига гувоҳ бўламиз. Денгиз суви тузсизлантирилиб, ичиш ва суғориш учун тозаланганини кўрамиз. Буларнинг барчаси денгиздан томчилар холос. Қисқача айтадиган бўлсак, қачон Аллоҳнинг шариатига амал қилиб, буйруқларини маҳкам тутсак, Роббимизнинг бизни сийлайдиган неъматлари беҳисоб бўлади.

Аллоҳга дуо қилиб, бизга динимизни ғолиб қилишини, хавф-хатарли ҳолатимизни тинчлик-хотиржамликка ўзгартиришини ва Халифалик барпо этишимизга ёрдам беришини сўрайлик, чунки биз Халифаликни жуда соғиндик. Аллоҳим, бизни раҳбар қилгин, бизни алмаштиргагин. Бандаларинг орасидан бошқасини эмас, бизни танлагагин. Бизни ҳидоят қилгин ва биз орқали бошқаларни ҳам ҳидоят қилгин. Бизни ҳидоятланганларга раҳбар қилгин.

Ўзинг бундай дединг:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا أُسْتَخَلَفَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِيَنَهُمُ الَّذِي أَرْتَضَى لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُمْ مِنْ بَعْدِ حَوْفِهِمْ أَمَّا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَنْ كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва солиҳ амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган зотларни (ер юзига) халифа қилганидек уларни ҳам ер юзида халифа қилишини ва улар учун йўзи рози бўлган (Ислом) динини ғолиб-мустаҳкам қилишини ҳамда уларнинг (аҳволини) хавфу хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишини ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қиласа, бас улар фосиқлардир» [Нур 55] □

# **МУНОСАБАТЛАРНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ КЕЛИШУВЛАРИ (ИБРОҲИМ КЕЛИШУВЛАРИ) ҲАМДА ЯҚИН ШАРҚДАГИ СТРАТЕГИК ИТТИФОҚ... ҲАЛҚАРО РАҶОБАТ**

## **ИСРОИЛ МИНТАҚАДАГИ АСОСИЙ ЎЙИНЧИ (3)**

**Наср Фаёз – Муборак Фаластин замини**

### **3 – Энергия (Нефть ва газ) қувурлари**

Кўрфаз ва Ироқ нефти ва газини Сувайш каналини четлаб ўтиб (Исроил) дарвозаси орқали Европага экспорт қилиш учун бир нечта газ ва нефть қувурларини қайта тиклаш ҳамда янги қувурларни барпо қилиш устида иш олиб борилмоқда. Булар Американинг газ соҳасида Россия билан рақобатлашиш ҳамда Европанинг энергияга бўлган эҳтиёжини қондиришида Россияга қарамлигини камайтириш стратегияси доирасида амалга оширилмоқда.

### **(Эйлат-Аскalon) қувури**

Бу Эрон шоҳ ҳукмронлиги даврида (Исроил) билан ҳамкорликда барпо қилган қувурдир. Бу қувур Мисрга қарши уч томонлама агрессиядан ҳамда Жамол Абдунносир Сувайш канали орқали юк ташишга чеклов жорий қилганидан кейин ишга туширилган. 1968 йилда яхудий вужуди ва Эрон Европага хом нефть етказиб бериш мақсадида (Эйлат-Аскalon) қувур линиясини 50 % - 50 % қўшма лойиха сифатида рўйхатдан ўтказган. 1969 йилда якунига етказилган ушбу лойиҳанинг диаметри 42 дюм, узунлиги 255 километрни ташкил қиласди. Яъни Аскalon портидаги махсус кема тўхташ жойидан бошлаб Қизил денгиздаги Эйлат портигача чўзилган бўлиб, бир кунда 1,2 миллион баррел, қарама-қарши йўналишда 400 минг баррел нефть ўтказиш қувватига эга. Ҳозирда қувур (Исроил)нинг Озарбайжон ва Қозоғистондан импорт қиласиган газини ташишга хизмат қилмоқда ва аксар вазифаси қарама-қарши йўналишда олиб борилмоқда. У Аскalonдан туширилган нефтни Эйлатдаги танкерларга ишлаб чиқарувчилар томонидан жўнатилган кемаларга қўймоқда. Эйлатдан нефть танкерлари флоти уни Хитой, Жанубий Корея ёки Осиёнинг исталган жойига олиб боради. Қувурга параллел равишда бензин ва дизел каби нефть махсулотларини олиб ўтадиган яна бир қувур бор. (Исроил) ҳукумати Эйлат-Аскalon қувурини кенгайтириш ва ривожлантириш ҳамда Форс кўрфази давлатларидаги нефть ва газ қувурларини унга улашга умид қилмоқда. Арабий

Жадидга кўра, қувурларни улаш Форс кўрфази сармоялари орқали амалга оширилади.

«Маарив» газетаси берган хабарга кўра, агар (Исройл) орзуси амалга ошса, қувур хозирги вақтда Сувайш канали орқали ўтаётган газ ва ёқилғи ҳажмининг 12-17 фоизини ташкил қиласиди. Бу эса, Миср учун катта йўқотишларни келтириб чиқаради. Чунки Миср асосан канал даромадларига таянади.

Американинг «Foreign Policy» журнали Бирлашган Араб Амирликлари ва (Исройл) ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш келишувидан энг кўп зиён кўрувчи Мисрнинг Сувайш канали бўлишини маълум қилди. Бу Тель-Авивга чўлдаги нефть қувурларини фаоллаштиришида ёрдам беради. Бу қувурлар Ақаба кўрфазидаги Эйлат портини Қизил денгиз билан, Асқалондаги нефть танкерлари бекатини Ўрта Ер денгизи билан боғлайди.

Яхудийларнинг «Макор Ришон» газетаси томонидан маълум қилинишича, ташқи ишлар ва мудофаа вазирликлари Тель-Авивда Форс кўрфази нефтини ташиб имкониятларини муҳокама қилиш учун бир қатор учрашувлар ўтказган. Учрашувда «Катча» нефть компаниясининг юқори мартабали вакиллари ҳам иштирок этган. Яхудий оммавий ахборот воситаларида 2020 йил октябр ойида Америка, (Исройл) ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида «энергетика соҳасида қўшма стратегияни ишлаб чиқиши» бўйича уч томонлама келишув имзолангани ҳақида хабар берилди. Бу хабарларга кўра, келишув Осиё ва Яқин Шарқдан Европага нефть ва газни ташиб инфратузилмасини, шу жумладан «Эйлат-Асқалон» қувур линиясини барпо қилиш инфратузилмасини ривожлантиришни ўз ичига олади. Ушбу линияни бошқарувчи Эйлат-Асқалон берган маълумотларга кўра, лойиҳанинг биринчи босқичи нефтни Бирлашган Араб Амирликларидан Эйлатдаги қувур линияси компанияси терминалига, Эйлатдан Асқалондаги компания терминалига ва у ундан бутун Ўрта Ер денгизи бўйлаб мижозларга ташишни ўз ичига олади.

Порт компанияси раҳбари Султон Аҳмад Салим: «(Исройл) фоят муҳим минтақавий ва стратегик боғловчи бўғинга айланади», дейди. «Бирлашган Араб Амирликлари ва (Исройл) ўртасидаги муносабатлар икки томон ўртасида беш миллиард долларлик товар айирбошланишига олиб келади», деб қўшимча қиласиди у.

Американинг «Foreign Policy» журнали берган хабарда келишича, (Исроил) ва Эрон ўртасида яширин курилган қувур линияси бўйича Бирлашган Араб Амирликлари у билан келишувни мустаҳкамлаганидан сўнг (Исроил) минтақадаги энергия савдоси ва нефть сиёсатида анча катта рол ўйнаш арафасида турибди.

Ушбу линияни бошқарадиган «Asia Pipeline Company» менежерининг айтишича, Қизил денгиздан Ўрта ер денгизигача бўлган 254 км. узунликдаги канал Мисрнинг Сувайш каналидан яхшироқ ва арzonроқ алътернативани тақдим этиш билан нефть ва газни нафақат минтақага, балки дунёни таъминлайдиган денгиз портларига ташийдиган араб қувурлари тармоғига уланади.

Хабарда айтилишича, бу линиянинг Сувайш каналидан устунлиги Аскalon ва Эйлатдаги станцияларнинг бугунги кунда нефть ташишда хукмронлик қилаётган йирик танкерларни сифдира олишидир. Аммо бу танкерлар канал уларни сифдира олмайдиган даражада катта. Компаниянинг иши доимо (Исроил)нинг кучли қўриқланадиган сирларидан бири бўлиб келган.

«Foreign Policy» журналида таъкидланишича, Бирлашган Араб Амирликлари-(Исроил) келишуви атрофидаги шовшувларнинг аксарияти технология, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм каби бошқа соҳаларга қаратилган бўлсада, ушбу «Эйлат-Аскalon» қувур линияси нефть оламидаги айни келишув билан Форс кўрфази иқтисодининг нозик жойидан ушлаган.

Журналда қўшимча қилинишича, айни пайтда энергетика бўйича Араб-(Исроил) келишувларининг (Исроил) қувур линиясига сармоя киритишдан тортиб, уни табиий газни ташишга мослаштириш ёки Саудия Арабистони ва Яқин Шарқ бўйлаб қувур линияларига улашгacha бўлган имкониятлари кенгдир.

### **Қувурни Саудия Арабистонигача узайтириш таклифи**

(Исроил)нинг «Globes» журнали берган хабарга кўра, (Исроил) Бирлашган Араб Амирликларидан Саудия Арабистонини Транс-(Исроил) қувур линияси компаниясига нефть ва нефть маҳсулотларини ташиш учун қувурларни ё қуруқлик (Иордания) ёки денгиз бўйлаб Эйлатдан Янбуъ нефтни қайта ишлаш заводигача узайтиришга рухсат беришга қўндиришни сўрамоқчи эканлигини маълум қилган. (Исроил)

бу таклиф тафсилотларини мұхокама қилиш учун компания президенти Эрез Калфон ва унинг бош директори Итзик Ливилар билан ташқи ишлар ва мудофаа вазирлигининг юқори мартабали вакиллари ўртасида бир нечта юқори даражадаги учрашувларни ўтказди. Бу таклиф нефтни ташиш муддатини, шунингдек, унинг нархи ҳамда (молиявий ва ҳарбий) таъминотлари талабларини қисқартиришни илгари сурishi билан алоҳида ажралиб туради. Чунки у Хурмуз бўғози, Бобул Мандаб ва Сувайш канали орқали юк ташишдан қочади. (Википедиядан олинган иқтибос тугади).

(Истроил)да чиқадиган Глобус газетасига кўра, гап «Эйлат-Асқалон» қувур линияси компаниясининг Саудия Арабистонидан араб нефти ва нефть маҳсулотларини ташиш тизимиға қўшилиши бўйича узоқ йиллик лойиҳаси ҳақида кетмоқда. Лойиҳа марказида компаниянинг Эйлатдаги нефть платформасини Саудия тармоғига улаш имконияти ётади. У бугунги кунда Эйлатдан 700 км. жанубда жойлашган Янбуъ нефтни қайта ишлаш станциясигача етиб боради. Матбуот хабарларига кўра, Саудия нефти Саудия Арабистонининг узоқ шарқидаги Абқайд минтақасидан Европа ва Шимолий Америкага экспорт қилиш учун Эйлат портига ташилади.

Саудия Арабистони (Истроил) билан муносабатларни нормаллаштиргандан кейин у билан лойиҳаларни эълон қилишни кутмоқда. Бирлашган Араб Амирликлари ва (Истроил) муносабатларни нормаллаштириш келишувларини эълон қилганидан бир кун ўтиб, АҚШ президенти бош маслаҳатчиси (Истроил) ва Саудия Арабистони ўртасида муносабатларнинг нормаллашиши муқаррар эканлигини айтди. У буни Саудия Арабистонининг муносабатларни нормаллаштираётган давлатларни Иброҳим келишувини имзолашга рағбатлантиришда мухим рол ўйнашига ишонч ҳосил қилгани учун айтди.

Саудия Арабистони валиаҳд шаҳзодаси Мұхаммад ибн Салмон The Atlantic журналига берган аввалги интервюсида (исроиллик)ларнинг фаластинликлар билан ёнма-ён яшашига ҳеч қандай диний эътиroz йўқлигини ва унинг мамлакати (Истроил) билан манфаатларни баҳам кўришини таъкидлаганди. Шунингдек, «Минтақада тинчликка эришилса, (Истроил) билан Кўрфаз Ҳамкорлик Кенгаши давлатлари ўртасида кўплаб манфаатлар қўлга киритилади. Бу эса, Саудия Арабистонини

минтақада таклиф этилаётган лойиҳаларга қўшилишга ундайди», деб қўшимча қилганди у.

### **Қувурларни Бирлашган Араб Амирликларигача узайтириш**

(Исроил) ҳукуматига қарашли «Эйлат-Ашкелон» қувур линияси компанияси (EAPC) Қизил денгизни, яъни Эйлат шаҳрини Асқалон билан, яъни Ўрта ер денгизи билан боғловчи қувур линиясини Бирлашган Араб Амирликларига қадар узайтириш бўйича келишувга эришилганини маълум қилди.

Компания «Mid-Red Land Bridge» компанияси билан ўзаро англашув меморандумини имзолаганини таъкидлади. (Mid-Red Land Bridge компанияси (Исроил)-Бирлашган Араб Амирликлари қўшма компанияси бўлиб, қароргоҳи Абу Дабида жойлашган). Компания, шунингдек, «AF Entrepreneurship» компанияси, «Loopliner» халқаро инфратузилма ва энергия компанияси билан ҳам англашув меморандумини имзолаган. Меморандум қазиб олинадиган ёқилғини тўғридан-тўғри Европага ташишда Абу Даби учун кўприк таъминлаб берди. У шунингдек, Бирлашган Араб Амирликлари ва (Исроил) ўртасида алоқалар ўрнатилгани эълон қилинганидан бери томонлар ўртасида пайдо бўлган ҳамкорликнинг энг муҳим шаклларидан бири хисобланади. (Исроил) компаниясининг таъкидлашича, келишув имзоланиши Абу Дабида АҚШ молия вазири Стивен Mnuchin ҳамда Америка ва Бирлашган Араб Амирликларининг бошқа расмийлари иштироқида бўлиб ўтган. Унинг қиймати бир неча йил давомида 700 ва 800 миллион долларга етади. Етказиб бериш ишлари 2021 йил бошларида бошланиши мумкин. (Википедия).

### **Киркук-Хадиса-Аммон-Ҳайфа ёки Мосул-Ҳайфа қувур линияси**

Википедия маълумотларига кўра, Мосул-Ҳайфа нефть қувури Ироқ шимолидаги Киркук конларидан қазиб олинган хом нефтни Иордания орқали ўтиб, Фаластиннинг Ҳайфа шаҳрига (ҳозирги (Исроил) худудида жойлашган шаҳар) ташиш учун мўлжалланган собиқ қувур линиясидир. Бу қувурнинг диаметри 305 мм ва масофаси Ҳайфа портигача 942 километрни ташкил этади. У Ҳайфадан дунёнинг қолган жойларига нефть экспорт қилиш учун мўлжалланган. Бу қувур линияси 1932 йилда ушбу мамлакатлар Британия мандати остида бўлган даврда Iraq Petroleum компанияси томонидан қурилган. Ироқ 1948 йилги уруш туфайли у орқали нефть

қүйишни тұхтатганидан кейин, бу қувур ўз ишини түлик тұхтатган.

2003 йилда Ироқ босиб олинганидан сүнг, баъзи (Исроил) расмийлари 55 йил давомида тұхтаб қолған бу линияни қайта ишга тушириш ҳақида гапира бошлашды. Бунинг учун тайёргарлик ишлари ҳам кетмоқда. Шунингдек, Америка ва Британия қүшинлари Ирокқа кириши билан араб ҳукумат доиралари ва (Исроил) бош вазири Ариэл Шарон идораси Ҳайфадаги нефть қувуруни қайта тиклаш мақсадида алоқа ўрнатгани (Исроил) сиёсий манбалари томонидан тасдиқланды. (Исроил) инфратузилма вазири Паретский ҳам Мосул ва Ҳайфа ўртасидаги нефть қувуруни ишлатиш ёқилғи нархини тахминан 25 фоизга тушириши мумкинлигини айтди. (Исроил) инфратузилма вазирлигидаги манба 2005 йил апрел ойида (Исроил) Иордания расмийлари билан қувурни қайта ишга тушириш бўйича музокаралар олиб бораётганини эълон қилди, бироқ ўша пайтда Иордания ҳукумати буни рад этди.

Афтидан, Ироқдаги бекарорлик, лойиханинг хужумга учраши ёки бекор қилинишини олдини олиш учун, уни жонлантириш ишлари ҳамда унинг атрофидаги сармояларни каттиқ сир сақлашга мажбур қилган кўринади. Франциянинг GSS ахборот веб-сайти нашр қилган америкалик журналист Стивен Ширнинг мақоласида келишича, Америка кучлари Ироқ нефтининг катта транзит тұловлари эвазига Иордания ҳудуди орқали (Исроил)га оқиб ўтишини ҳимоя қилиш мақсадида 942 км. узунликдаги (Киркук-Ҳадиса-Аммон-Ҳайфа) қувурига яқин жойлашган «Ҳайфа 1, Ҳайфа 2, Ҳайфа 3» номли учта ҳарбий базада эллик мингга яқин америкалик аскар хизмат қилмоқда.

Франциянинг «GSS» ахборот веб-сайти (Исроил)нинг «Idan Ofer» корпорацияси раҳбарияти пойтахт Бағдоддан 240 км. шимолда жойлашган Киркук шаҳрида нефтни қайта ишлаш заводини қуриш бўйича маҳфий лойиҳа шартномасини имзолаш мақсадида 2010 йил май ойида Ироқ ҳудудига ташриф буюрганини маълум қилди. Веб-сайтда билдирилишича, маҳфий лойиҳани имзолаш мақсадида (исроиллик) бизнесмен Идан Офер билан Курдистон Миллий Иттифоқи котибининг биринчи ўринбосари Косрят Расул Али, шунингдек, Ироқ нефтининг 40 фоизини ўз ичига олган бой Киркук шаҳридаги қарор эгаларига яқин бўлган баъзи ироқлик раҳбарлар ўртасида учрашув бўлиб ўтган. (Дунё Ватан, 2013 йил 5 феврал).

Вашингтон Яқин Шарқ сиёсати институти ташаббуси билан ташкил этилган «фикрлар форуми» 2020 йил 24 ноябрда «Ҳадиса-Хайфа қувур линияси Ироққа қандай фойда келтириши мумкин» номли мақолани нашр килди. Бу мақолада транспорт харажатларини камайтириш ҳамда Европадан Ироққа юк ташиш вақтини қисқартириш учун қувур линиясини қайта тиклаш ва (Истроил) билан темир йўл ва автомобил йўлларини қуриш илгари сурилган. Ушбу лойиҳа ташаббускорларига кўра, шунингдек, лойиҳанинг роли кескинликни юмшатиш ва тинчлик ўрнатишга қаратилган.

Айни шу йўналишда, Ироқ Иордания билан нефть қувурини Басрадан Ақабагача узайтириш бўйича келишув имзолади. Келишувда таъкидланишича, лойиҳанинг Ироқ жанубидан бошлаб Ҳадиса шаҳригача бўлган биринчи босқичи Ироқ ҳукумати томонидан тўлиқ амалга оширилади. Иорданиянинг Ақаба портига етиб борадиган иккинчи босқич эса сармояга таклиф қилиш билан якунига етказилади.

Келишувда кўшимча қилинишича, ҳозирда лойиҳанинг иккинчи босқичида иштирок этиш учун инвестицион компанияларни таклиф қилиш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. (Sky News, 2013 йил 10 апрел).

Ушбу лойиҳа тақдимотининг ҳайратланарли томони унинг «Ҳадиса-Хайфа» қувур линияси қайта тикланиши билан яқинлашишидир. Ироқнинг молиялаштириши Ҳадиса нефть қувурида тугайди. Иордания-Ироқ келишувига мувофиқ Ҳадисадан Ақабага бўлган қувур линияси чет эл сармоясига таклиф қилинади. Унинг харажати 16 миллиард долларга етади, бу эса Иордания имкониятида мавжуд эмас. Бу нарса лойиҳани Иорданияга алоқаси бўлмаган халқаро миқёсга олиб чиқади. Иордания бу лойиҳадан унинг чўқинтирган отаси сифатида оладиган фойдадан бошқа фойда ололмайди. □

**ИСЛОМ ҲАЗОРАТИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ  
АСОСЛАРИ МЎҶИЗАДИР!  
ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МУСУЛМОНЛАР УНИ БОШҚА НАРСАГА  
АЛМАШТИРДИЛАР!**

**Соир Салома Абу Молик**

Агар Ислом ҳазоратини ва унинг бошқалардан ажратиб турган хусусиятларини синчилаб кўриб чиқсак, унинг коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги юксак тасаввuri билан ажралиб туришини кўрамиз. Бу тасаввур коинот ва ҳаётни ёритиб берадиган кенг қамровли, юксак, фоявий, ақидавий минҳож доирасида намоён бўлишига гувоҳ бўламиз. Бу ақидавий манҳаж инсоннинг буюк коинот ҳақиқатларига<sup>1</sup> бўлган алоқасини ҳамда бу коинотнинг инсонга бўлган алоқаларини энг тўғри суратда белгилаб беради. Инсонга мавжудлигидан мақсадини тушунтиради. Дунё ҳаётидан олдинги ва дунё ҳаётидан кейинги нарсаларга боғлаган ҳолда инсонга ҳаётдаги ўз ўрнини, мавқеини ва масъулиятларини баён қиласи.

«Ислом ўзининг умумий табиатига кўра, мана бу кенг қамровли ақидавий манҳажни мустақил қолипга солиб қўйди. Ислом табиати шундайки, у бутун башариятга унинг барча асос ва тоқатларини ҳисобга олган ҳолда ёппасига хитоб қиласи. Зеҳндаги мантиқ қолипига қуйилган совуқ хитоб шаклида фақат башарий фикргагина хитоб қилиб қолмайди».<sup>2</sup> Шундай қилиб, Ислом имон билан солиҳ амални бир-бирига қориштириди. Чунки у мазмунсиз, қуруқ фалсафа эмас, тирик ақида ва турмуш учун зарур бўлган тушунчалардир. Бу тушунчалар қалбни ҳаяжонга келтириб, унда хотиржамликни пайдо қиласи. Хиссиётни ўйғотиб, унга таъсир ўтказади. Фикрлашга, мулоҳаза билан иш тутишга ва Ислом рисолатини кўтариб чиқишга ундейди. Шунингдек, у мутлақ ҳақиқатга етиш, унга эга бўлиш ва унга мувофиқ амал қилишга бўлган мутлақ ишончни пайдо қиласи.

Ислом мана шу ақидавий тасаввур билан яшаш тарзида кўриниб турган тузумни бир-бирига қориштириди. Бу фоятда мухим иш. Шунинг учун Ислом инсон учун масъулиятларни, вожиботларни ва ижтимоий алоқаларни ҳамда мана шу эътиқодий тасаввурдан келиб чиқсан ва унга таянадиган, мукаммал асосли фалсафани-ақидани қабул қиласи. Бу фалсафа

<sup>(1)</sup> Аллоҳга, улуҳиятга, рубубиятга, эгаликка, салтанатга, хокимиётга, яратишига, тартибга солиштиришига ва тадбирга.

<sup>(2)</sup> Шаҳид Саййид Кутуб роҳимаҳуллоҳнинг «Хасонсу тасаввурул исламий асаридан.

инсоннинг ўзига, оиласига, акраболарига, жамиятига, давлатига, балки бутун башариятга ва атроф муҳитга-тегишили бўлади. У адолат, инсоф, шахсий ҳуқуқлар билан жамоат манфаатлари, жамоат ҳуқуқлари орасидаги мутаносибликни рўёбга чиқаради ва «аҳкомларни чиқаришда ниҳоятда аниқлик билан ажралиб туради. Ҳатто исломий фикҳ масалаларини, фикҳшуносларнинг раъйларини ва уларнинг қарашларини ўрганувчи киши ўзини олмос тошлар ўлчанадиган ўта ҳассос тарози қархисида тургандек ҳис қилади. Бу тарози қархисида қанчалик нозик ва мубҳам бўлишига қарамай, муташобиҳ (бир-бирига ўхшаш) масалалар орасидаги фарқлар ёришиб кетади».

Дарҳақиқат, Ислом қонунчилиги-исломий ташреъ кенгайди ва у инсон муаммоларини Эшмат ёки Тошматга алоқадор муаммо деб эмас, балки инсон жинсига алоқадор деган эътибор билан тубдан муолажа қилди. Бу муолажада муолажанинг феълларга алоқадорлиги жиҳатига эътибор қаратди. (Айни чоғда Фарб ҳазоратида муолажага эркинлик ва моддий манфаатни рўёбга чиқариш нуқтаи назаридан ёндашилган). Ислом аҳкомларни воқеликлар устида нозил қилди. «Ислом қонунчилиги ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда жамият манфаатларини тартибга солиш бўйича ҳуқуқий назарияларга бойлиги билан ажралиб туради. Бунда шахснинг оиласи билан бўлган муносабатларидан тортиб никоҳ қоидаларигача ва шу кунгача маълум бўлган барча ҳуқуқ соҳаларини қамраб олади. Меросга ва уларнинг орасидаги ҳамма нарсага ва Ислом давлатининг тинчлик ва урушда бошқа халқлар ва давлатлар билан муносабатларини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ қоидаларигача ўз ичига олади. Ислом шариатидаги қонунчилик низоми буларнинг барчасини энг одил қоидалар, энг мустаҳкам аҳкомлар билан инсоний олий ғояларга каттиқ риоя қилган, қонуний жиҳатни ахлоқий жиҳат билан уйғунлаштирган ҳолда энг юксак асослар билан тартибга солган».<sup>2</sup>

Шунингдек, Ислом қонунчилиги юксак қийматлар ва гўзал ахлоқлар мажмуасини, ҳақ-ҳуқуқлар ва ташрий мақсадларнинг асосий миқёсларини ўрнатиш билан ажралиб туради.<sup>3</sup>

(1) Доктор Мустафо Зарқонинг «Хасоисут ташриул исламий» асаридан.

(2) Доктор Мустафо Зарқонинг «Хасоисут ташриул исламий» асаридан.

(3) Мисол учун, савдогарчиликни танлаган ва ҳалол ва ҳаром тизими ва доирасига мувофиқ судхўрликдан тийилган ҳамда вахийда рухсат берилган ва тақиқланган нарсаларга амал қилган савдогар маст қилувчи ичимлик сотишдан бош тортади, гарчи дунёвий йирик даромад келтирса ҳам. Чунки у моддийлик ва пул топиш доирасига эмас ҳалол ва ҳаром доирасига кириб олган-ундан чиқмайди.

Ахлоқ доираси ва тизимиға мувоғиқ у ростгўйликни маҳкам ушламоги керак бўлиб, алдаш унга ман қилинган бўлади. У монополия қилишдан ҳам ман қилинган. (Монополия пул ишлаш мақсадида одамлар эҳтиёжини эксплуатация қилиш кўриниб туради). (Исломдаги бу тақиқ жамият муаммоларини ечишини ҳамда бойликни тақсимлаб, одамларга ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятини таъминлашни назарда тутган иқтисодий тизимга асосланади). Савдогар, шунингдек, ҳар қандай ҳолатда ва ҳар бир амалда тақволи бўлишга буюрилган. (У Аллоҳнинг назоратида бўлади). Бу барча масалаларда исломий тузумга умумий тарзда амал қилинши таъминлаш билан боғлик кўплаб мақсадларга эришишини таъминлайдиган ҳар бир харакатда зарур бўлган умумий асосдир. Савдогар чиройли амал қилишга буюрилган. (Бу яна умумий доира бўлиб, у қилидиган ҳар бир амални диккат билан чиройли йўсунда бажаришини кафолатлади). Савдогар ҳалолдан ризқ топиш дегани бу ажр олинадиган ибодат деган эътиборда харакат қилади, чунки унга ҳаром аралашса гуноҳкор бўлади, шунинг учун факат ҳалолдан ейди. (Бу эътиқодни ибодат билан бирлаштирувчи асосдир. У ақидавий асос бўлиб, унинг моддий ишлари натижаси моҳиятини идрок этишини тартибга солади. Чунки бу уни эътиқод билан боғлайди ва у ҳеч қандай тарзда фойда олиш истаги билангина чекланиб қолмайди). Чунки бу уни эътиқодга боғлайди ва у ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам фойда олишга ҳаракат қилмайди). Савдогар, шунингдек, сабабларни ушлашга буюрилган. (Бу диний ва дунёвий мақсадларни амалга ошириш учун ҳар бир амалда риоя қилиш талаб қилинган доирадир. Бунда савдогар муайян товарни танлар экан, унинг тижоратда ўзи учун ёки жамиятнинг эҳтиёжи ва бошқа учун даромад оқиб келадиган товар бўлишини хисобга олади. Бу инсон ва жамият гояларига элтuvчи энг афзал амалларни чиройли суратда танлашга ундайдиган доирадир. Чунки Ислом ушбу савдогарнинг манфаати ва даромадини ҳам, жамиятнинг эҳтиёжини ҳам унугтан эмас). Аллоҳга таваккал қилиш. (Бу кўп нарсани ўз ичига олган ва мустаҳкам ақидавий доира бўлиб, исталган мақсадга эришиш учун баъзи сабабларга кўра муваффақиятсизликка учраш муаммосини бартараф қилади ва савдогарнинг амалини Аллоҳга суюнишга боғлайди, шу орқали у ўзининг чекланган инсоний маълумотлари орқали аниқлаган сабаблар билан қила олмаган ишларни тафаккур қиласди). Амални ризқ Аллоҳдан деган тушунчага боғлаш ва Аллоҳдан ўзгадан асло кўрқмаслик. Бу доира савдогарнинг бошқа амалларга содиқлиги савдогар сифатидаги ишларга таъсири қилмаслигини кафолатлади. Масалан, қаерда бўлмасин ҳакни гапиради, Аллоҳдан ўзгадан кўркмайди. Аллоҳнинг молни закот ва садака билан поклаш ҳақидаги буйргуғига итоат қиласди. (Бу ижтимоий мақсадларга эришишга қаратилган доира бўлиб, унда ижтимоий бирдамлик рӯёбга чиқади ҳамда бази бир эҳтиёжларини қондира олмаётганларнинг эҳтиёжларини таъминлаш учун иқтисодий ва ижтимоий низомлар бирлаштирилади. Бу доира савдогарнинг айни закот ва садакаларни факат камбагалга эҳсон қилиш керак деган эътибордагина эмас, балки жамият олдидаги ўзининг Ислом буюрган жавобгарлиги ҳамда мўминларнинг бир-бирлари ўртасида умумий дўстлиги деган эътиборда адо этишини ҳам таъминлайди. Яъни бу муҳим буюк гояларни амалга оширадиган катта доирадир). Бозорларга муҳтасибларни кўйиш. Савдогарлар ўз муомалаларида ҳалол ва ҳаромни ажратиш учун динни тафаккух қилиш-билишга буюрилганлар. Шу тарзда сиз амаллар билан ахлоқ ва кийматлар ўртаси қориширилганини, бу кийматлар айни амаллар орқали эришиш талаб қилинган ва жамиятда хукмрон бўлиши керак бўлган кийматлар эканини гувоҳи бўласиз, амал билан савоб ва жазо ўртаси бирлаштирилиб, дунё ва охират жазосидан кўркитилганини, ақидавий тушунчалар мавжудлигини ҳам кўрасис! Бу эса, ўз навбатида, жамият ва охират билан боғлик мақсадларга эришиш учун турли тизимларни такомиллаштиришни таъминлайди, буларнинг барчаси битта амалда жамланади!)

Шундай қилиб, савдогар факат тижорат билан шуғулланмайди, балки тижорат билан шуғулланётган пайтда унда кийматлар, ахлоқлар, ўлчовлар, мақсадлар, ақидавий тушунчалар, Исломнинг турли тизимлари гавдаланади!

Булар эса, ўз ўрнида ҳаёт майдонида амалга оширилиши ва жамиятдаги алоқаларни бошқариши кўзланадиган қийматларга айланади. Натижада уларнинг асари жамиятда бир-бирини кўллайдиган самарали, мукаммал ва яхлит бир низом сифатида кўринади. Ушбу низом татбиқ этилганда инсон ва жамият тақво, қадрият ва ахлоқ туйғуларини топади. Бунинг натижасида эса, инсон ҳам, жамият ҳам баҳт ва барқарорликка эришади. Парламентда қонун чиқарувчилар бу нарсаларнинг бирортасини идрок эта олмайдилар ва бу нарсалар уларнинг хаёлларига ҳам келмайди.

Ислом шариати қонунлар учун уларнинг ортидан кўзланган мақсадларни, уларга ундовчи ҳикматларни, сабабларни<sup>1</sup> ва

---

Бу, шубҳасиз, Ислом тузумининг татбиқ этиш самарадорлигини ҳамда унинг қонунчилигига тезкор жавоб беришини таъминлади. Хўш, илмоний Фарб ҳазоратида савдогарнинг амалини тартибга солувчи қонунлар нима? Шубҳасиз бу соликлардир! Пул ювиш таъқиқланган, (бу давлат ўзидағи соликларни билсин учун). Ҳалол рақобат, «*promotion of competition and fair trading*», Ҳалол рақобатни йирик компаниялар ўзларининг қудрат ва ҳукмронларни остида бозорни монополаштириш орқали йўқ қилишади, кичик савдогарлар эса уларга мурожаат қилишга мажбур бўлишади, акс ҳолда, савдолар муваффакият козонмайди. Аслида, бу ҳалол рақобат деган нарса куруқ шиор, холос, воқеелида амалга ошмайди. Истеъмолчини химоя қилиш номли нарсага келсак, бу йирик компаниялар ушбу истеъмолчи устидан жосуслик қилиш билан ўз платформалари орқали унинг истаги ва эҳтиёжларини бошқа савдогарларга сотиб, шу тариқа даромад олишдир.. Вояга етмаганларга тамаки, алкогол ва марихуана сотиш ман этилган ва зарар бўлишига қарамай уни катталарга сотишга руҳсат берилган. Чунки энг муҳими пул топиш ва уни кўпайтиришдир. Бундан бошқа нарса йўқ. Истасангиз капиталистик мамлакатлардаги «*Trade Legislation Acts and Regulations*» деган нарсага мурожаат қилишингиз мумкин. Бу қонунлар, табиийки, илмоний мабдадан келиб чиқмайди, аксинча, улар худди илмоний мамлакатлардаги ҳар қандай қонундан фарқсиз ўлароқ қонунчилик хайъатлари томонидан тузилади. Уларга коғир давлатлар ўз манфаатларига ва ишларига мувофиқ равишда кўрсатма беради, ўша кўрсатма асосида булар қонунлар ишлаб чиқишиди. Бу Ислом қонунчилигини воқеъликда татбиқ этишининг самарадорлигини рўёбга чиқарувчи кафолатларни кўрсатиб берадиган мисодидир. Ислом қонунчилиги инсон томонидан белгиланган қонунчилик муваффакиятсизлиги билан солиширганда, самаралидир. Чунки инсон томонидан белгиланган қонунчилик, қонун татбиқ этишида қонун таёқчасидан фойдаланади. Шунингдек, инсон томонидан белгиланган қонунчилик унинг самарадорлигини кафолатлайдиган бирор нарса билан ўралмаган.

(<sup>1</sup>) Ислом шариатига келсак, биз бу ерда мақсад ва сабаблар деганда шариатдан келиб чиқадиган натижани назарда тутамиз. Яъни қонунчилик мотивини эмас, балки унинг татбиқ этилишидан келиб чиқувчи ҳикматни, шунингдек, усулий тушунчадаги (усули фикҳдаги) иллатни эмас, балки шариатни қонун сифатида белгилашдан Шореъ кўзлаган мақсадни назарда тутамиз. Зоро, қонунчиликка боис бўлған иллат ва ҳикматни факат Шореъ ўзи зикр қилган бўлсагина олинади.. Дарҳакикат, шариат татбиқ қилишда келиб чиқувчи умумий гоя ва ҳикматларни, масалан, раҳмат ва одамларга адолат кабиларни баён қилувчи оятлар келган. Усул китобларида келганидек, фуқаҳолар шариатнинг маълум бир мақсадларини истинбот қилишган. Бу ердаги баҳсимиз ҳам ҳар бир шаръий ҳукмдаги мақсад эмас, балки шариатдаги умумий сифатда мақсадлар ва уларнинг

уларга туртки бўлган мақсадларни<sup>1</sup> белгилаш билан ҳам ажралиб туради. **Яъни Ислом қонунлар ва қонунчиликлар учун миқёслар белгилайди** ҳамда ҳаётнинг турли соҳаларидаги барча қонунлар унинг орбитаси атрофида ҳаракатланадиган доирани ташкил этади<sup>2</sup>. Аслида қонунлар мукаммал бўлиши керак ва улар бир-бирларини мустаҳкамлаб туриши лозим. Масалан, жазолар низоми – жиноят ва жазо кодекси иқтисодий низомни яхши ишлашига, ижтимоий ҳамжиҳатлик ва давлатнинг ҳалқ олдидаги масъулияти асосига қурилади ва ҳоказо<sup>3</sup>. Демак, қонунлар – хоҳ шаръий, хоҳ вазъий (инсон томонидан қўйилган) бўлсин – инсонларнинг ҳаётига хукмронлик қилиши кўзланадиган қийматларга хизмат қилиши учун чиқарилади<sup>4</sup>.

---

жамиятдаги муносабатларни тартибга солиштирувчи қонунларга бўлган таъсири ҳақидадир.

(<sup>1</sup>) Исломий шариат мақсадлари ҳақидаги фанга параллел бўлган хуқуқий фанлардан бири хуқуқ фалсафаси ёки хукукшуслик (фикх) фанидир.. Бу фан Ғарб қонунчилигига «Philosophy of law» деган ном остида етакчи ўринни эгаллайди. Бунда асосан ҳокимият бериш ва унга бўйсуниш қоидаларини, хуқуқий тизимлар замирада ётган мақсад ва ҳикматларни ўрганишга, жамият ва хуқуқ ўртасидаги муносабатларни очиб беришга қаратилган моҳиятга эътибор берилган. Умуман олганда, бу «инсон хуқуқлари»ни ҳимоя қилишга, адолат ва омма манфаатларини амалга оширишга ҳамда хуқукий барқарорлик, хуқукий хавфсизлик ва ҳар бир асос бўладиган мақсадни ва рёёбга чиқаришга олиб борадиган воситаларни таъминлашга қаратилган. Бу фан, шунингдек, қонун табиатини, айниқса, унинг инсоний кадриятлар, фаолиятлар ва жамиятларга муносабатини, унинг айрим ахлоқий омиллар билан алоқасини табиий хуқуқга мувофик ўрганиди. Ёки аксинча табиий хуқуқни айни қонундан узиши мумкин, худд инсон ўйлаб топган қонун табиий хуқуқдан узилгани каби, чунки ушбу қонун таркибида ахлоқий омиллар йўқ. Бу (маълум вактда ҳам, маълум мамлакат қонуни ҳам эмас балки) ҳар доим барча қонунлар учун амал қиласиган қонунчиликни ўрнатишга уринувчи фалсафадир. («Муслимул мусоир» журналининг 150 сонида нашр қилинган доктор Алён Бузён қаламига мансуб «Мақосидил вазъий қонун фи вазъи макосиди шариатил исламий» мақолосига каранг. «Британия энциклопедиясидан «Наба» ахборот тармоғи нашр этган ва доктор Захир Хувайлидий таржима қиласиган «Мабади фалсафатил қонун» мақолосига каранг. «Маншурот Ҳалабий хуқукия 9 саҳифасида нашр этилган ва доктор Комил Фарид Солик таржима қиласиган, профессор Роберт Алексейнинг «Хуқуқ фалсафаси, унинг тушунчаси ва кўлланиши» мақолосига каранг).

(<sup>2</sup>) Исломий фикр китобидаги Халифалик ва раҳбарлик мавзусига каранг.

(<sup>3</sup>) Бунга мисол, Исломдаги иқтисод низоми, ижтимоий кафолат ва давлатнинг фуқаро олдидаги масъулиятлари шахснинг эҳтиёжларини қондиришга етарли. Аммо шуларга қарамай, шахс ўғриликка қўл урса бузгунчилик қиласиган ва жазога ҳакли саналади. Аммо очарчилик кунидаги оч колган шахс ўғрилик қиласиган бўлса, қўли кесилмайди. Чунки жазо-ҳадлар шубҳалар билан кўлланилмайди. Шу тариқа низомлар такомиллашади ва жамиятдаги умумий вазифаларни адо этиш учун бири иккинчисига ёрдамлашади.

(<sup>4</sup>) Исломий қийматларнинг энг муҳими ва энг улуғи ёлғиз Аллоҳга куллик қилишни амалга оширишdir. Бу куллик ўзининг кенг камровли тушунчаси ҳамда қонунчилик мавзусига хос тушунчаси билан бўлади ҳамда қонунчиликни Китобу суннат мисолида ёлғиз Аллоҳнинг ҳакки деб хисоблаш, одамларнинг қонунчиликда

Бунга адолат қиймати мисол бўлади. (Адолат мулкнинг асоси дейилади). Мана шу қийматлар ҳам жамиятлар сифинадиган эътиқодларга караб турлича бўлади. Асосий нуқта мана шу. Гоҳида, жамиятларни бошқарадиган мафкуралар мезони билан ўлчасангиз бу қийматлар асоси йўқ, қуруқ шиордан иборат чалғитувчи бўлиб чиқади. Гоҳида бу қийматларни ҳаётда ҳеч қандай асорати йўқ, саробдан иборат адаштирувчи қиймат эканини кўрасиз. Масалан, демократия жар солаётган «Кўп партияййлик» қийматини олайлик. Демократия жар солаверади, бироқ, воқеда ҳукмронликка олиб чиқадиган сиёсий партиялар тузишни фақат илмоний-секуляр партияларгагина чеклаб қўяди. Бошқа мафкуравий партияларга сиёсий партия тузишга рухсат берилмайди. Сақофий кўп жиҳатликни давлат қонунчилигига эмас, балки жамиятдаги шахсий томонларга чеклаб қўяди.

Аслида давлатлар қонунчилик ва қонунлари тўғрилиги борасида ўйлаб кўришларидан аввал тўғри ақидага асосланишлари лозим. Шунинг учун давлатни илмонийлик<sup>1</sup> каби фикрий жиҳатдан заиф ақида асосига қурилиши ёки демократия<sup>2</sup> каби мавжудлиги амри маҳол бўлган асосга қурилиши ўша мамлакатлардаги қонун чиқарувчиларни енгиб бўлмас тўсиқ олдига қўяди. Бу тўсиқ давлат амалга оширишни даъво қилаётган қиймат (қадрият)ларни амалга оширишнинг мумкин эмаслигидир. Шунинг учун жамиятда қийматларни амалга оширишга, қадриятларни кўтаришга хизмат қилмайдиган ва уларни ҳимоя қилишга ёрдам бермайдиган қонун самарасиз ва бефойда бўлади.

---

бир-бирларига эргашишларини Аллохнинг ўрнига робб килиб олиш деб тушуниш билан бўлади!

(<sup>1</sup>) Биз қўидаги китобимизда илмонийлик тушунчасини шу даражада кенг ёритганмизки, унинг мафкуравий асоси ботилга чиқкан: «الصدق والأسد للذكر العربي: الإسلام والديمقراطية والعلمانية والليبرالية مقارنة للأسماء الفكرية».

(<sup>2</sup>) Демократияга асос бўлган ҳамда демократиянинг мавжудлиги унга боғлик бўлган бир неча қийматлар бор. Улардан биринчиси жамиятда кўпчиликнинг фикри ҳукмрон бўлиши, иккинчиси ҳокимиятнинг фақат озчилик қўлида тўпланиб қолиши ёки монополия қилинишига йўл қўймаслик, учинчиси ҳокимият ҳалқ фикрини ифодалashi. Аммо бу уч қийматни воқеликда амалга ошиши амри маҳол. Бутун Фарб тузуми ҳокимиятдагиларнинг аралашуви, бир-бирига қарши чиқishi ва ҳокимиятнинг ҳукмрон партиялар қўлига тўпланиб қолишига асосланган. Конунчилик ҳам бир сиким ҳуқуқшунос ва юристлар қўлида, ҳалқка мурожаат қилинмайди, фақат бармок билан санарли даражада мурожаат қилиш мумкин. Бу мавзу жуда кўп тафсилотларга эга бўлиб, биз «Фарб тафаккурининг қора кутиси: Ислом, демократия, илмонийлик, либерализм, фикрий асосларни таққослаш» номли китобимизда алоҳида батафсил тўхтадиганмиз, шунга мурожаат қилишингиз мумкин. Бироқ демократия фантастик адаштирувчи фалсафа, ҳаётда мавжуд бўлиши амри маҳол!

Агар қийматларнинг ўзи хато ва амалга ошириш амри маҳол бўлса, хато асосга қурилгани учун бундай қонунларнинг ўзи хам хато бўлади. Шу боисдан ижтимоий турмуш тарзини тартибга солиш, хар бир шахснинг қонуний хуқуқларини муҳофаза қилиш ва мақсадлар орасидаги тўқнашувларни бартараф этиш учун жамият мурожаат қиласиган қийматларни ҳамда бу қийматларни рўёбга чиқаришни таъминлайдиган меъёрларни вужудга келтириш лозим. (Масалан, қонун бир мақсадни бошқа бир мақсадни ҳисобидан амалга оширишга ишлайди. Хусусий мулк ва хавфсизлик масаласи каби икки мақсад тўқнаш келиб қолганда Гарб давлатлари шахслар устидан жосуслик қилиб, хавфсизлик баҳонасида шахсларнинг хусусий мулк ва эркинликларни поймол қиласиган.

Ёки айрим қонунлар муайян қийматларни рўёбга чиқаради ва бу қонунларга шу қийматларни парчалайдиган бошқа қонунлар карши чикади. Масалан, сўз эркинлигидан фойдаланиш ва одил маҳкамада ўз хуқуқларини ҳимоя қилиш Америкада маҳфий далиллар тўғрисидаги қонун билан тўқнаш келади. Бу айбланувчини ўз жиноятини билишидан ва ўзини ҳимоя қилишидан маҳрум қиласиган. Сабаби, унинг жиноят далилларини тақдим этиш миллий хавфсизликка таҳдид солади. Шунинг учун бу жиноят далилларини на ўзи ва на қози билади. Унга ўзини ҳимоя қилиш хуқуки берилмайди. Шундай қилиб, Гарб қонунлари мақсадларга қарама-қарши чиқади, бу қонунлар бир-бiriга ҳам қарама-қарши келади. Бу муаммоси ҳал этиладиган тасодифий зиддият эмас, балки фундаментал<sup>1</sup> бошланиши охирига путур етказадиган<sup>2</sup> зиддиятдир).

(<sup>1</sup>) Канадада Консерватив партия маҳфий далиллар тўғрисидаги қонун қабул килмоқчи бўлганида, қонун шакли даҳшатли бўлгани учун парламентнинг каттиқ каршилигига учрайди... Ана шунда айни партия мусулмон ёшлар орасига жосус киритади ва бир террористик амалиёт ўтказиш кераклигига ишонтиришга уринади. Кейин мусулмон ёшлар ҳакида парламент биносини ва давлат идораларини портлатишни режалаштиришти деган террористик айблов ўйлаб топади. Бу оммавий ахборот воситаларида катта шов-шувга айланади... Мазкур қонунга овоз бериш вақти келганда эса, унга қарши чиқишга бирорта ҳам мухолафатчи топилмайди. Шундай қилиб қонун қабул қилинади. Кунлар ўтаверади, айбланганларга кўйилган айблар исботланмайди ва ҳеч ким бу воқеалар оқимини тексириб чиқмайди, қонун кучга киради!

(<sup>2</sup>) Давлат «хавфсизликка таҳдид киляпти» деган иддио билан озчилик устидан жосуслик олиб боради. Сўнг бу ишнинг жиловини қўлга олгач, жосусликни тўхтатади, хар бир одамни электрон жосуслик остига киритади... Бу жосуслик одамларнинг қадамларини, фикрларини, истак ва характерларини, ҳатто нафасларини ҳам назорат қиласиган. Буларнинг барчаси сиёсий партияларга, товар сотувчиларга, сармоядорларга ва хавфсизлик хизматларига маълумот сотишига

Ислом бу тузум ва ақидавий тасаввурни ижтимоий урф-одатлар шаклида ифодаланишини жуда хоҳлади. Шореъ томонидан қўйилган қийматларга, ахлоқ, меъёр, тушунча ва каноатларга қарши чиқиш жиноят, деб саналди. Бу жиноятни ҳажми ва таъсирига мос бир неча даражада Шореънинг ўзи уни ҳал қиласди. Шунинг учун панд-насиҳат, иршод, таълим-тарбия, амри маъруф ва наҳи мункар, муҳосаба (қўл билан, тил билан ёки қалбан) ўзгартириш ва инкор қилиш, бунда шахснинг, сиёсий партияларнинг ва давлатнинг ўрнини аниқлаштириш, ҳаққа бутунлай бўйсундириш, мункарни ўзгартуниш учун қурол кўтариш, куч ишлатиш ижтимоий масъулиятлар сифатида белгиланди.

Қози доктор Вафик Зайнулобидин айтади: Ислом қонунчилиги ахлоқий ва инсоний қийматларни вазъий қонунларга қараганда анча кучли ва самарали нусуслар билан ҳимоя қиласди. Мисол учун, қонун чиқаришда ахлоқ доирасидан ажралган доира бўлмайди. Бу исломий қонунчилик сифатларидан факат биргинаси, холос. Ислом шариатида фазилатли ахлоқларга таъсир кўрсатадиган ҳар қандай жиноятга жазо берилади. Жабрланувчининг розилиги ёки жиноятдан зарар етмаганлигига қараб ўтирилмайди. Чунки ахлоқни ҳимоя қилишдан кўзланган мақсад жабрланувчини ҳимоя қилишдан кўзланган мақсаддан устун туради. Чунки бу аввалги мақсад муштарак манфаатларга ва жамиятнинг умумий низомига алоқадордир. Жиноятчи билан жабрланувчи орасидаги ўзаро келишиш фосид нарсани солиҳ қилиб қўймайди, Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилмайди. Шунинг учун Ислом шариати жиноятнинг икки тарафида турганлар ўзаро розиликка келишларига қарамай ароқ ичиш, муртадлик қилиш, фоҳишабозлик ва зино қилиш ҳамда фиску фужур учун жазо қўллайди. Бундай жиноятларни афв этиш учун ҳукумат устидаги одамга ҳеч қандай ҳуқуқ берилмайди. Чунки бундай ишларга енгил-елпи қараш ахлоқнинг бузилишига, шаръий аҳкомларга риоя қилмасликка олиб келади. Жамиятнинг бузулишига, жамият хавфсизлиги ва унинг низоми емирилишига сабаб бўлади<sup>1</sup>.

---

қаратилади... Натижада махсуслик абадий йўқ бўлади ва янги қонун эски қонунни шафқатсиз равишда йўқ қиласди!

<sup>(1)</sup> Мухаммад Вафик Зайнулобидиннинг «Исломий жиноий сиёсат афзалликлари» асаридан.

Ислом қонунчилигининг энг муҳим хусусияти тузумнинг сунъий эмас, табиий равишда эътиқоддан келиб чиқишидадир. Шунинг учун бу тузумнинг илдизлари чуқур ҳамда ўзи қурилган ақидага мужассам боғлиқдир. Зиддият ва қарама-қаршиликлардан, камчилик ва нуқсонлардан ҳамда беҳудаликdan холидир. Унинг сиёсий низомлари ўзига хос шаклга ва кўркам хусусиятларга эга бўлиб,adolat, ҳавфсизлик, ҳуқуқларни амалга ошириш, низоларни ҳал қилишни таъминлайди. Соғлиқни сақлаш ва таълимни, даъватни ёйиш ва давлат асосларини муҳофаза қилишни кафолатлади. У бу ишларни ўзининг иқтисодий-ижтимоий фалсафасига кўра таъминлайди. Фалсафанинг асосий мақсади эса, жамиятни асосий эҳтиёжларини кафолатлашни таъминлайдиган низомга мос равишда қуришдан иборатдир. Бундай жамиятда эр ва аёл ҳуқуқлари, шахс ва жамоат ҳуқуқлари, жамиятларнинг ҳуқуқлари бир-бирига мутаносиб, бир хил бўлади. Шахс жамоат номидан эзилиб қолмайди. Жамоатнинг манфаати ҳам битта шахс, битта партия ёки бир гуруҳ фойдасига исроф этилмайди. Шахслар орасида ҳам мутаносиблик бўлади. Ҳар бир эркак ва аёл учун аниқ белгиланган ўрин бўлиб, улар бир-бирларини тўлдириб турадилар. Одамларнинг умумий ҳаёти уруш жанжалга эмас, бир-бирига ёрдам беришга асосланади. Уларнинг ҳаёти мусулмон шахс ўзига нимани яхши кўрса, шу нарсани биродари учун ҳам яхши кўриш асосига қурилади. Шунда улар бир-бирини қувватлаб турадиган бинога, битта жасадга ўхшайдилар. Бойлар ва камбағалларнинг ҳаёти бугун капитализм жамиятларида кўриниб турган ҳасадгўйлик, бир-бирига бўлган нафрат ва синфий курашга эмас, балки бирдамлик, садоқат, дўстлик ва жавобгарлик асосига қурилади. Бир-бирларини кўллаб-куватлаб турадиган инсоний ишлардаги ўзаро ёрдам асосига қурилади. Чунки шахс ўзининг барча эҳтиёжларини ёлғиз ўзи қондира олмайди. Лекин Исломдаги жамоатда ҳаётда бир-бирига ёрдам бериш маънолари, дунё ва охират манфаатларига эриштирадиган ҳамжиҳатлик маънолари тўлалигича ўз аксини топади. Бойликларни тенг тақсимлаш, қурайлик ва хизматлардан биргаликда фойдаланиш Ислом жамоатида кўриниб турадиган юксак фазилатлардандир.

Ушбу ҳамжиҳатлик, интеграция исломий низомларнинг самарадорлигини таъминлайди. Ислом низомлари инсон фитратига, унинг инсоний табиатига мос келганлиги учун бу низомлар инсоний фитрат асосларига, инсоннинг қонига

аралашшиб кетади. Бу низомлар ғариза ва узвий эҳтиёжларда кўринадиган инсоннинг ҳаётий-тирик энергиясидан келиб чиқсан ҳақиқий асосий эҳтиёжларини қондиради. Қондирганда ҳам мувозанатли ва мақсадли қондиради. Бу билан инсонни ғариза ва узвий эҳтиёжларни қондиришда ҳайвон даражасига тушиб кетишидан юкори кўтаради. Унинг руҳият оламида тўқнашув содир этмайди. Айни пайтда инсоннинг ижтимоий, моддий воқелигига мос келади. Бугун оламда хукмронлик қилаётган айрим башарий қонунчиликда кўриниб турганидек, Ислом низомлари ҳавоий ҳоҳиш ва ўткинчи тор манфаатларга асосланмайди.

Ҳа, ушбу раббоний қонунчилик инсоннинг инсонлигига, ақлига ва нафсиға риоя қилди ҳамда унинг муаммо ва машаққатларга тўла моддийлик дунёсида яшайдиганини ҳисобга олди. Шунинг учун ушбу мўъжизакор қонунчиликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у турли муаммоларни энг тубигача, унга таъсир қиласидиган ва ундан таъсирланадиган нарсаларгача кириб бориб, унга обдан ҳар томонлама чуқур назар ташлайди. Ушбу назари инсон психологиясини билишга, унинг ундовлари, интилишлари ва қизиқишиларини ўрганишга, инсон ҳаёти, турли эҳтиёж ва ўзгаришиларини билишга асосланади. Кейин мана шундай назардан сўнг шундай қонунчилик ишлаб чиқадики, у соғлом жамият ва ислоҳ қилувчи инсонни вужудга келтиришни, инсон манфаатларини яхшилик келтирадиган, ёвузликни йўқ қиласидиган, адолат улашиб, зулмни ўчириб ташлайдиган тўғри тарзда рўёбга чиқаришни таъминловчи қонунчилик бўлади!

Кейин ушбу қонунчиликнинг мўъжизакор яна бир жиҳати унинг диний ва ахлоқий қийматга боғланганлигидадир. Яъни қонунчилик дину ахлоққа хизмат қиласиди, уни ҳимоя этади, уни вайрон қилувчи куролга айланмайди. Шариатнинг бошқа қонунчиликлардан мумтоз жиҳати шундаки, Ислом ўз қонунчилигини ақида устига қурилган ўлчовларга айлантириди, натижада ушбу шариат инсонни Аллоҳдан кўркиб, Аллоҳни севиб ва Аллоҳдан ажр умид қилган ҳолда унга амал қиласидиган ақидавий омил бўлди. Шундай омилки, инсонни қонунга амал қилишга мажбурловчи доимий кучдан беҳожат қилди. Бильякс, уни яширину ошкора равишда Аллоҳнинг ҳокимиятига бўйсунадиган ва бу дунёдаги хукмдорнинг жазосидан қутулишни ўзи учун ўлжа ёки ютуқ деб билмайдиган инсонга айлантириди, чунки бундай инсон Аллоҳ уни кузатиб турганини,

Аллоҳнинг жазоси ҳам бу дунёда, ҳам у дунёда борлигини билади.

Дарҳақиқат, Ислом ҳазорати бўйича ишлаб чиқилган ва инсонга жон бағишивчи ишончларга асосланган ушбу қийматлар мажмуаси кристаллашди ҳамда жамиятга пойдевор бўлган муносабатлар илдизига мустаҳкам жойлашди. Шунинг учун Уммат ва жамиятни муҳофаза қилиш мана шу қийматларни муҳофаза қилиш ва қўриқлашга, унга қарши бўлган ва уни бузадиган нарсаларни олдини олишга боғлиқ. Яъни Умматнинг ўйғониши ва тараққий топиши, унинг эзгулиги ва ўзини назорат қилиши, бошқа умматлар олдида энг юқори мартабани қўлга киритиб, ҳимоя ва мудофаа этувчи мустаҳкам зирҳли қўргонга айланиши маъруфга буюриб, мункарнинг барча туридан қайтаришнинг фарзлигига боғлиқ қилиб қўйилди.

Шунингдек, Умматдаги ушбу қийматлар ва уларнинг улуғлигини тушунишдаги бузилиш Умматнинг қулаши ва парчаланишига ҳамда ушбу мустаҳкам қўргоннинг ларзага келишига боғлиқ бўлди. Ҳатто Уммат – исломий қонунчилик тўхтатилиб, бир четга чиқарилган пайтда – ўз душманлари учун қуролга айланиб, мустамлакачилик ва тобеликка маҳкум бўлиб қолди. Буларнинг барчасига қарамай, Ислом ақидасининг кучлилиги ва Ислом шариатининг пухталиги ва соғломлиги Умматни ўз ҳазорати ёрдамида тойилишлар, ҳалокатлар, салибчилару мўғуллар юришлари, Умматни тинимсиз йўқ қилишга уринишлар олдида мустаҳкам туришга қодир қилди. Умматни йўқ қилишга уринишлар узоқ асрлаб ва замонлаб, гоҳ шиддатли, гоҳ енгил давом этди ҳамда инсониятнинг ушбу раббоний тузумни гоҳ яхши ва гоҳ ёмон татбиқ қилиши баробарида бўлди. Бас, Ислом Умматининг тараққиётга эришиб, ўзининг собиқ ўрнига қайта кўтарилишининг ягона шарти унинг Ислом ҳазорати ва асослари дараҳтини обдан суғоришига ўч бўлиши керак. Токи, Уммат ҳамма ёқни ўз соясига оладиган ва ям-яшил серяпроқ ҳолатга келиб, тушунчалари қайтадан ғоят тиник равищда кристаллашсин, ушбу қийматларни ва ўйғонишдаги унинг ролини пухта тушунсан. Қийматларни унга таназзул даврида илашиб қолган кирликлардан тозалаб, ўзидағи ҳар бир фикрни ваҳий билан боғлаб, унга кириб қолган бошқа ҳазоратларнинг ёт тушунча ва қийматларидан покласин. Ислом Уммати буларни қанчалик чиройли уддасидан чиқса, шунчалик ривожланишга ва олий даражалар бўйлаб кўтарилишга қодир Умматга айланади! □

## **УЛАМОЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ РОЛНИ ЎЙНАЙДИЛАРМИ? (3)**

**Абдураҳмон Омирий – Яман**

**Иzz ибн Абдуссалом ва Нажмиддин Айюб ўртасида:**

Аббосийлар хукмронлиги даврида Арак мамлукларининг Ислом давлатига таъсири катта бўлган эди. Уларнинг таъсири кенгайиб, Мисрда Нажмиддин Айюб хукмронлиги даврида амирлик даражасигача кўтарилишиди.. Шайх Иzz ибн Абдуссалом ўшанда бош қози бўлган эди. У киши (роҳимаҳуллоҳ) шариат қонун қоидаларини қатъий амалга ошириб, суд ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишга киришди ва бу ишда бирорта ҳам маломатчининг маломатидан қўрқмади. У амирлар масаласини кўтариб, бунинг моҳиятини ўрганиб чиқди ва кейин кўйидаги ҳукмни чиқарди. Бу ҳақда Сабкий бундай дейди: Шайхнинг айтишича, у турклардан бўлган бир гурух амирлар билан бирга бўлганида улар Шайхга мамлукларнинг озод бўлганини исботламагани ва мамлуклар қул ҳукмida бўлиб, байтулмол ихтиёрида эканлиги ҳақида айтишди... Бу амирларга етиб боргач, бу борадаги ихтилофлари кучайиб, иш қизиди. Шайх уларнинг олди-сотдиси ва никоҳи жоиз эмаслигига қарор қилди. Бу билан уларнинг манфаатлари бузилди. Уларнинг орасида салтанат ноиби ҳам бор эди. У ҳам ғазабланди... Ҳаммалари йиғилиб, шайхнинг олдига элчи юборишиди.

Шайх уларга – биз сизлар учун кенгаш чакирамиз ва сизларни байтулмол фойдасига сотувга қўямиз ва шаръий йўл билан озод бўласизлар, деди. Шунда улар масалани султонга кўтаришди, султон шайхга элчи юборган эди, у сўзидан қайтмади. Шунда султондан қаттиқ оҳангда сўзлар келди, унинг хulosаси шундан иборат эдики, шайх бу ишларга аралашмасин, чунки бу ишларнинг унга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шайхнинг жаҳли чиқиб, эҳтиёжини эшакка юклаб, оиласини бошқа эшакка миндириб, Қоҳирадан Шомга қараб йўл олди. Лекин Шайх 10 км. юрмасдан катта сондаги мусулмонлар унинг ортидан эргашишди. Масалага бефарқ қарамаган ҳеч бир аёл, ўғил, эркак, айникса, олимлар, солиҳлар, савдогарлар ва шунга ўхшашлар қолмади, барчаси кетидан эргашишди. Бу хабар султонга етиб келди ва унга: «У кетса, салтанатингиз унинг олдига боради» дейишиди. Натижада у қайтарилди ва у билан амирларнинг қуллиги эълон қилинишга келишилди. Салтанат ноиби ундан хушмуомалалик қилишни сўради, лекин бу фойда бермагач, ноиб жаҳли чиқиб,

бундай деди: Биз подшоҳ бўлсак, қандай қилиб бу шайх қичкириб бизни сотади? Мен мана шу қиличим билан унинг бошини оламан. Сўнг жамоатга қўшилиб, шайхнинг уйига келди, қўлида эса яланғочланган қиличи бор эди. Улар келиб, эшикни тақиллатгач, шайхнинг ўғли чиқди...

Шайхнинг ўғли султон ноибининг ахволини кўргач, ичкарига кириб отасига ҳолатни тушунтириди. Шайх эса бунга на аҳамият берди ва на ўзгарди, балки ўғлига: Эй ўғлим, сенинг отанг Аллоҳ йўлида ўлдирилиши учун арзимайди деди ва худди султон ноибининг бошига Аллоҳнинг қазоси тушгандек чиқди. Унинг нигоҳи ноибга тушгач, ноибининг қўлидан қиличи тушиб, бўғимлари қалтираб кетди. Ноиб йиғлаб юборди ва шайхдан у учун дуо қилишини сўради. Кейин бундай деди: эй саййидим сиз нима қилсангиз ҳам яхшидир, деди. Шунда шайх сизларни Байтулмолнинг қуллари, дея савдога эълон қилиб сотаман, деди. Ноиб: пулини нимага сарфлайсиз деб сўради. Шайх, мусулмонлар манфаати йўлига, деди. Ноиб, ким олади? – деди. Шайх, мен деб жавоб берди. Унинг истаги бажарилди ва у амирларни бирма-бир чақириб, уларнинг нархини оширди, пулини олиб яхши ишларга сарфлади. Ундан олдин бундай қилинганини ҳеч ким эшитмаган. Аллоҳ уни Ўз раҳматига олсин ва ундан рози бўлсин.

**Иzz ибн Абдуссалом ва Солих Исмоил ўртасида:** Икки акаука Шом султони Солих Исмоил ва Миср султони Солих Нажмиддин Айюб ўртасида уруш ва фитнадан дарак берувчи ихтилоф кучайди ва низо келиб чиқди. Исмоил Нажмиддин Айюбдан кўрқиб Ислом душманлари бўлмиш салибчилардан ёрдам сўради ва улар билан биргаликда акасини ўлдиришга тил бириктириди. Мақризий ривоятига кўра бунинг эвазига Сайдо шаҳрини салибчиларга берди. Исмоил хиёнат қилишда давом этар экан, уларга Дамашққа киришлари ва уруш қуроллари сотиб олишларига рухсат берди. Лекин бу мункар иш мусулмонлар ва уламоларнинг норозилигини уйғотди. Натижада Иzz ибн Абдуссалом хиёнат ва хоинларга қарши қўзгалиб, салибчиларга қурол сотиш ҳаромлигига фатво берди. Жума куни Дамашқдаги ўзи расмий имом хатиби бўлган Умавий масжиди минбарига чиқиб, фатвони эълон қилди ва ўша пайтдаги султонни инкор этишини таъкидлади. Сўнгра: «Аллоҳим бу Умматга шундай ақл бергинки, унда дўстларинг иззат-икромда бўлсин, душманларинг хор бўлсин, унда сенга

итоат қилинсинг ва сенга маъсият қилишдан қайтсан» деб дуо қилди. Мусулмонлар эса унинг дуосига омин деб, баралла қичқиришар эди. Султон Дамашқдан ташқарида бўлгани учун ушбу хутбада иштирок этмади. Унинг одамлари бу ҳақда унга билдиргач, шайхни жума хатиблигидан бўшатиш ва уни шериги Шайх ибн Хожиб Моликий билан бирга қамашларини буюрди. Чунки у ҳам султонга ёқмайдиган мана шу ишда иштирок этган эди.

Шайх тарафдорлари унга юртни тарк этишни ва ўзини султон қўлидан қутқаришни маслаҳат беришди, улар унга қочиш йўлини ҳам тайёрлаб қўйган эдилар. Лекин у буни рад этди, улар қанча ундашмасин, у ўз сўзида қолди. Улар шайхни қайтара олмагач, султон ва унинг одамлари уни топа олмайдиган хавфсиз жойга яширинишини таклиф қилишди, лекин у бу таклифни ҳам рад этди. У бундай деди: «Аллоҳга қасамки, мен қочмайман ва яширинмайман, аксинча, биз жиҳоднинг бошида турибмиз ва ҳали ҳеч нарса қилганимиз йўқ. Мен бу йўлга ташланган нарсаларни кўтаришга ўзимни тайёрлаб қўйдим, Аллоҳ Таоло сабр қилувчиларнинг амалини зое қилмайди». И smoил Дамашққа келгач, иккиси қўйиб юборилди. Лекин Изз ибн Абдуссаломга уйида ўтиришига, фатво бермаслиги, ҳеч ким билан учрашмаслиги борасида буйруқ берилди. Шунда шайх имомга эргашиб жума намози ўқишига, агар муҳтоҷ бўлса табиб ва сартарошдан фойдаланишишга ва ҳаммомга киришига рухсат сўраган эди, унга рухсат берилди. Орадан кунлар ўтиб, Шайх уй қамогида фатво беришдан, биродарлари ёки шогирдларидан бирортаси билан алоқа қилишдан тўсилди. Севимли машғулоти ва муқаддас иши бўлган маъруфга буориш ва мункардан қайтариш ишига путур етди. У Мисрга бориш ниятида Дамашқдан ҳижрат қилишни сўради. Музокаралар ва текширувлардан сўнг озод қилинди, шундан сўнг у Дамашққа ва у ердан Қуддусга кетди. Малик Носир Довуд дарҳол уни кутиб олди, йўлини кесиб уни олиб кетди ва бир муддат Наблусда яшаб, у ерда ҳам қийналганидан кейин Байтул Мақдисга бориб, бир муддат турди. Сўнгра Солих Исмоил, Ҳимс шоҳи Малик Мансур ва Франк қироллари ўз аскарлари ва қўшиллари билан Миср ерларини кўзлаб, Қуддусга келишди.

Солих Исмоил маҳсус ходимларидан бирини ўзининг рўмолчаси билан шайх ҳузурига юбориб, унга тайинлади: «Менинг рўмолчамни шайхга бер ва унга қаттиқ илтифот

кўрсатиб, пастроқ тушишини сўра. Сўнгра энг яхши ҳолатда ўз лавозимига қайтаришингни айт, агар рози бўлса, уни менинг олдимга олиб бор. Агар рози бўлмаса, уни ҳибсга олиб, менинг чодирим ёнидаги чодирга қамаб қўй» деди. Ходим шайх билан учрашгач, уни авраб, юмшатишга ҳаракат қилди... У шайхга «Агар султонга бўйсунсангиз ва унинг қўлини ўпсангиз мансабингизга қайтишдан ҳеч нарса тўса олмайди», деди. Шунда шайх унга айтдики, Аллоҳга қасамки, эй бечора, мен унинг қўлини ўпишни эмас, балки у менинг қўлимни ўпишини ҳам хоҳламайман... Эй ходим, сен бир водийда, мен бошқа бир водийдаман. Аллоҳ сизларни азоблаган нарсадан мени сақлагани учун Унга ҳамдлар бўлсин. Ходим бундай деди: эй шайх, менга султон нимани талаб қиласа рози бўлишингиз юкланган, бўлмаса... Шунда шайх, истаганингни қил, деди. Шундан сўнг элчи уни ҳибсга олиб, султоннинг чодири ёнидаги чодирга қамаб қўйди. Шайх қамоқда ётар экан, Куръон ўқир, султон эса уни эшитар эди. Бир куни султон Франк қироллариға: Бу шайхни эшитяпсизларми, у Куръон ўқияпти деган эди, улар ҳа деб жавоб беришди. Султон деди: Бу мусулмонларнинг энг буюк руҳонийсидир. Мен уни олдинроқ сизларга мусулмонларнинг қальъаларини топширишимга қарши чиққани учун қамаган ҳамда Дамашқдаги масжид имомлиги ва мансабидан туширган эдим. Сўнг уни юртдан чиқариб юбордим, у Қуддусга келди, мен уни яна сизлар учун қайта қамадим!! Шунда Франк қироллари: «Агар у бизнинг руҳонийимиз бўлганида, унинг оёқларини ювиб, сувини ичар эдик», дейишли. (Аҳмад Бокасирнинг Воисломоҳ китоби, 100-саҳифа. Сабкийнинг Табақот китобига мурожаат қилинг).

### **Нававий ва Зоҳир Бейбарс ўртасида:**

Зоҳир Бейбарс мўғулларга қарши жанг қилиш учун Шомга чиқар экан, уларнинг устидан фалаба қозониш учун фуқаролар молидан олиш жоизлиги борасида уламолардан фатво сўради. Натижада Шом фақиҳлари бунга ижозат бериб, унга мактуб йўллашди. Шунда у, уламолардан ҳеч ким қолмадими, деб сўраган эди, унга, шайх Мухйиддин Нававий қолди, деб жавоб беришди. Шунда уни чақирирган эди, у келди. Зоҳир Бейбарс унга фуқаҳолар билан бирга ўз хитобингизни ёзиб беринг деган эди у киши рад этди. Бейбарс, рад этишингизнинг сабаби нимада? – деди. Шайх «мен биламанки, сен Бендақор амири қўлидаги қул бўлиб, молинг йўқ эди. Сўнгра Аллоҳ сенга иноят бераб, подшоҳ қилди. Эшитишимча, сенинг хузурингда мингта

кул мавжуд бўлиб, ҳар бирининг олтиндан улуши бор экан. Бундан ташқари, икки юзта чўринг бўлиб, ҳар бирининг қимматбаҳо тақинчоқлари бор экан. Агар сен буларнинг ҳаммасини инфоқ қилсанг ва мамлукларингда мол мулк ўрнига буюмлар қолса, чўриларингда эса тақинчоқлар ўрнига кийимлари қолса, фуқароларнинг молидан олишга фатво бераман», деди. Зоҳир унинг сўзларидан газабланиб, менинг юртим (яъни Дамашқ)дан чиқиб кет, деди. Имом Нававий эса бош устига дея Наво деган жойга чиқиб кетди. Шунда фақиҳлар «Бу буюк уламоларимиздан, солиҳларимиздан ва биз ибрат оладиган кишилардан бири, уни Дамашққа қайтаринг», дейишиди. Унга қайтиш учун рухсат берилган эди, шайх рад этди ва «У ерда Зоҳир бор экан, у ерга кирмайман», деди. Шу воқедан бир ой ўтиб, у вафот этди. (Уламолар хулқидан китоби, тўққизинчи жилд).

### **Ибн Таймия ва Ғозон ўртасида:**

698 ҳижрий сана охириларида мўғул хони Ғозон ва унинг қўшини Эрондан Ҳалабга қараб бостириб кетаётгани тўғрисида хабарлар тарқади. 699 ҳижрий сана 27 робиулаввал ойи Салима водийсида Ғозон хон қўшинлари билан Носир ибн Қалаун қўшинлари тўқнашди. Шиддатли жангдан сўнг Носир қўшини мағлубиятга учраб, аскарлари ва шаҳзодалар қочиб кетди. Дамашқ зодагонлари эса Носир йўлидан Мисрга кетишиди, ҳатто Дамашқ ҳукмдор, амир ва зодагонлардан бўшаб қолди. Лекин шайхулислом Ибн Таймия одамлар билан бирга қолди. Шайхулислом юртда қолган зодагонларни йиғиб, улар билан ишни ўз зиммасига олишга ва Ғозон хон билан учрашиш учун Шом элчилари бошлигида боришга рози бўлди. Улар Ғозон хон билан Банак шаҳрида учрашиши ва ўртада шиддатли муҳокама бўлди. Болисий айтади: Шайх Ибн Таймия Ғозон хонга таржимон орқали деди: «Сен мусулмонман деяпсанми, эшитишимизча қози, имом, шайх ва муazzинларинг бор экан. Ундей бўлса, нима учун юртимизга келиб, уни босиб олдинг? Сенинг отанг ва бобонг кофир эди, лекин улар биз билан аҳд қилганларидан кейин Ислом юртларига бостириб киришмаган. Сен аҳд қилиб, уни буздинг», сўз бериб, унга вафо қилмадинг», деди.

Ибн Таймия билан Ғозон ўртасида кўп ишлар бўлиб ўтди ва Ибн Таймия барчасини Аллоҳ учун қилди. Сўнгра Ғозон элчиларга таом олиб келтирди ва Ибн Таймиядан бошқа барчаси ундан едилар. Шунда унга нима учун емаяпсиз деб

сўрашган эди, шайх «қандай қилиб таомингиздан ейман, уларнинг ҳаммаси одамларнинг кўйларидан ўғирлаб, дараҳтларидан кесиб пиширган нарсалар бўлса?», деди. Фозон унинг гапларини диққат билан эшитиб турарди... Сўнгра у қалбига кириб келган ҳайбат ва ишқ шиддатидан бундай деди: Бу шайх ким? Ахир унга ўхшаган событ қалбли кишини кўрмаганман, унинг сўзлари қалбимга таъсир қилди. Мен ўзимни ҳеч кимга ундан кўра итоаткорроқ кўрмаганман... Шунда унга шайхнинг кимлиги, илми ва амали ҳақида хабар беришди. Фозон эса шайхдан унга дуо қилишини сўради. Шайх ўрнидан туриб, бундай дуо қилди: Аллоҳим, агар бу банданг сенинг сўзинг олий бўлиши ва бутун дининг сеники бўлиши учун жанг қилаётган бўлса, унга нусрат бер ва уни қўллаб-куватла ва уни юртлар ва ҳалқларни қўлга киритишига ёрдам бер. Агар у ўзини кўрсатиш ва обрў эътибор қозониш учун кўтарилиб, дунёни ва ўз сўзини олий бўлишини ҳамда Ислом ва мусулмонларни хор бўлишини истаса, уни пастга тушир, уни йўқ қил ва илдизини кесиб ташла. Фозон эса шайхнинг дуоларига қўлини кўтарганча омин деб турар эди. Болисий айтади: Шунда биз ибн Таймияни ўлдиришга буюрса, қони бизга булғанади, деб кийимларимизни йифишири бошладик. Биз Фозоннинг олдидан чиққанимиздан кейин, бош қози Нажмиддин ва бошқалар «Бизни ҳам ўзингни ҳам ҳалок қилай дединг, бундан кейин сен билан бирга кетмаймиз», дедилар. Шунда шайх «Аллоҳга қасамки, мен ҳам сизлар билан бирга кетмайман», деди. Болисий айтади: Шундай қилиб, улар бир гурух бўлиб йўлга чиқди, шайх эса бир гурух билан орқада қолди. Сарой аъёнлари, амирлар ва Фозоннинг дўстлари унинг сўзига қулоқ солиб, Шомга кетаётганларида ундан дуо сўраб ҳузурига келишди. Аллоҳга қасамки, у Шомга уч юзта отлик билан етиб келди. Шайх билан бирга бўлган гурух ичидаги мен ҳам бор эдим. Аммо у билан бирга кетишдан бош тортган гурухга келсак, йўлда уларга мўғуллар ҳужум қилиб, бор йўғини тортиб олишибди. (Захабийнинг Суннат манҳажи китоби муҳтасар шарҳи, 332-саҳифа).

Ҳа, бу маломатчининг маломатидан кўркмайдиган уламоларнинг кўзларни ёшга ва қалбни қонга тўлдирадиган сўз ва амалда тутган даҳшатли позициялари ҳақидаги ажойиб ва таъсирчан ҳикояларидан парчалардир. Улардан бири ўлимга тайёр бўлса, бошқаси мол дунёни инкор қиласи, яна бири

халифага қўрқмасдан ҳақ сўзни айтиш учун пайт пойласа, бошқаси халифани қўрқитади, улар учрашганда Аллоҳ унинг ичига солган қўрқувдан вахимага тушади. Яна бири фоний дунёни эмас, балки охиратни умид қилган ҳолда, Аллоҳдан қўрқиб қозиликдан бош тортади. Бошқаси хоинларга қарши жанг қилиб, улар билан муомалада бўлаётгандарни инкор қиласди. Яна бири шараф, эҳсон ва пул эвазига узр сўрашдан бош тортади. Кофир душманлари эса «Агар бу каби инсон бизда бўлса, оёқларини ювган сувни ичар эдик» деб мақташади. Улардан яна бири ҳукмдорларда пул бўлгани учун фуқаролардан пул йиғишини рад этади. Ҳа бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин... Уламоларнинг роли шундай бўлган эди: Аллоҳнинг розилиги ва Уммат уйғониши учун қўрқмасдан Ҳақ сўзни айтиш, ҳақни ўрнатиш ва ботилни бутун жасорат билан бекор қилиш.

Улар шариат ва воқелик фақихи эдилар, шунинг учун уларнинг давлати бўлмиш Халифалик давлати тик турди, Уммати тўғри бўлди, даъвати тарқалди, жумладан уларнинг фиқхи Умматнинг сиёсий воқелигида ҳатто атрофидаги оламнинг сиёсий, фикрий, иқтисодий, руҳий ва бошқа воқелигида ҳам кенг тарқалди. Улар ўз амирлари ва ҳукмдорларининг воқеси ҳамда кирим ва чиқимларини билар эдилар. Улар мусулмонларга атрофидаги душманларининг сиёсий воқесини, шунингдек, уларнинг режалари, йўналишлари, фитналари, ёлғонлари ва хийлаларини ўргатар эди. Бу эса уларни душманларига қарши туриш ва курашишда Умматнинг олдинги сафида турадиган қилди. Шунинг учун аввалги уламолар Қуръон ва суннатнинг фақат ибодатлар ва муомалаларга алоқадор фиқхига эътибор бериб, бошқарувни ҳокимларга ташлаб қўймадилар. Балки улар ҳокимларга насиҳат қилиб, ҳақиқатга ундадилар. Шунингдек, улар дунё, аёл ва марта ба ортидан мол дунёга берилмадилар. Балки, уларнинг ҳар бири ўз кафандарини қўлига кўтариб, Аллоҳ, охират ва жаннатдан бошқа нарса ҳақида ўйламадилар. Уларнинг шиори «Бас, қиладиган ҳукмингни қилавер, сен фақат мана шу дунёдагина ҳукм қилурсан» деган шиор бўлган эди. Ҳа, шунчалик кўп ва шу даражада ёппа равища бўлган ҳодисалар фақат бугунги кунимиз содир бўлмаяпти. Уламоларимиз бугун Аллоҳ Таоло рози бўладиган шаръий сиёсат билан ҳукмдорларни ва Умматни йўлга солишдаги ўзларининг улуғ ролларини унудиб қўйиши.

Уламоларнинг сиёсатдан узоқлашиб, фақат ибодат ва муомалалар билан чекланиб қолишларининг сабаблари куйидагиларда яққол кўриниб турибди:

– Нотўғри хулосалардан келиб чиккан шубҳаларга асосланган фикхий асослар.

– Аҳкомларни воқеликка умуман туширмаслик.

– Тазииклар баъзи уламоларни фитнадан узоқ бўлиш баҳонаси билан сиёсатдан кетишга мажбур қилди. Ваҳоланки фитна Аллоҳнинг динидан узоқлашиш ва ҳақиқатни гапирмасликдир. Фитна – аслида у Аллоҳнинг динидан қайтиш ва ўша дин билан ҳукм юритмаслик – динни ҳаёт, давлат ва сиёсатдан ажратиш натижасида юзага келади. Бу эса шариатга ҳарис бўлмаган амирларга муҳит яратади ҳамда уларни динда тажовуз қилишда, ҳақ-хуқуқларни инкор этишда, чет элга қарам бўлишда, одамларни қатл қилишда ҳаром ишлар ва жиноятларни содир этишда чегарадан чиқишга ундейди. Агар бугунги уламоларимиз кечаги уламолардек бўлганида қуйидаги оятларни татбиқ қилган бўлур эдилар:

﴿بَلْ نَقْذِفُ بِالْحُقْقِ عَلَى الْبَطْلِ فَيَدْمَعُهُ وَفَإِذَا هُوَ رَاهِقٌ وَلَكُمُ الْوَيْلُ مِمَّا تَصْفُونَ﴾

«Йўқ, (Биз ундаи айбу нуқсондан покдирмиз), **Биз Ҳақ Куръонни ботил-жасолатнинг устига отурмиз, бас (ҳақиқат ботилни) эзиб-янчиб, бандоғоҳ (ботил) йўқ бўлур. Сизлар учун эса** (муширклар, Аллоҳни «хотин, боласи бор», деб нолойиқ сифатлар билан) **сифатлаганларингиз сабабли ҳалокат бўлур»**

[Анбиё 18]

﴿الَّذِينَ أَخْرِجُوا مِن دِيْرِهِم بِغَيْرِ حَقٍ إِلَّا أَن يَئْتُلُوا رَبُّنَا اللَّهُ وَأَوْلَادَ دَفْعُ اللَّهِ الْأَنَاسَ بَعْضُهُمْ بِعَضِ لَهُدِمَتْ صَوَامِعُ وَبَيْعَ وَصَلَوَاتُ وَمَسَاجِدُ يُذْكُرُ فِيهَا أَسْمُ اللَّهِ كَثِيرًا وَلَيَنْصُرَنَّ اللَّهُ مَن يَنْصُرُهُ إِنَّ اللَّهَ لَقَوِيٌّ عَزِيزٌ﴾

«Улар ўз диёрларидан фақатгина «Бизнинг Парвардигоримиз (ягона) Аллоҳдир», деганлари учун қувилган зотлардир. Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмас экан, шубҳасиз Аллоҳ номи кўп зикр қилинадиган (роҳибларнинг) узлатгоҳлари, (насронийларнинг) бутхоналари, (яҳудийларнинг) ибодатхоналари ва (мусулмонларнинг) масжидлари вайрон қилинган бўлур эди. Албатта Аллоҳ Ўзига (яъни динига) ёрдам берадиган зотларни голиб қилур. Шубҳасиз Аллоҳ кучли, қудратлидир»

[Хаж 40]

Ибн Таймия сиёсий воқенинг билимдони бўлиб, султонларга уруш бошлаш ва тўхтатиш тўғрисида фатволар берар, юрт ва мулкни ҳимоя қилиш учун уларнинг ўрнига бошқаларни тиклаш билан таҳдид қиласр эди. Бинобарин, даъват аҳлининг бугун Халифаликни тиклаш ва ноҳақ ҳукмдорларни четлатиш ўйлида қилаётган ишлари бундан бошқа нарса эмас. Маълумки, сиёсий воқелик ҳукмдорнинг ҳукмдор сифатидаги барча ишлари унинг мансабга ўтиришидан бошлаб тайинланишигача бўлган ишларига тааллуқлидир. Уммат қандай қонун асосида бошқарилади, унинг манбаси, у билан боғлиқ амаллар, ҳукмдорнинг хукуматга етиш усули қандай, ҳукмдорга нималар алоқадор, у дуч келадиган тинчлик, уруш, шартномалар, сулҳлар, ярашувлар қандай бўлиши керак, шунингдек, пул, даромад ва сарфлаш сиёсати билан боғлиқ бўлган нарсалар салтанат ишлари ва уларга хос ҳукмлар буларнинг барчаси ҳукмдорнинг ишларига алоқадордир. Агар олимнинг шариат хақидаги билимида бу сиёсий масалалар бўйича ҳеч қандай ҳукми бўлмаса, бу давлат илмонийдир. Яъни унда дин давлатдан ва шариат сиёсатдан ажратилгандир.

Бугунги ёмон уламолар залолат, куфр, бидъатга ҳамда Аллоҳ ҳаром қилганни ҳалол қилишга, Аллоҳ ҳалол қилганни ҳаром қилишга чақирмоқдалар. Бу кабилар тоғут ҳукмдорларнинг ёрдамчилари бўлиб, уларга Ислом шариатидан оғишларини осонлаштирумоядлар. Чунки улар ўз чегараларидан ошиб кетганлардир, олимнинг чегараси эса Пайғамбаримиз ﷺ олиб келган нарсага эргашишdir. Росууллоҳ ﷺ айтадилар:

«إِنَّ أَحَوْفَ مَا أَحَوْفَ عَلَىٰ أَمْتَي الْأَئِمَّةِ الْمُضْلِّيْنَ»

**«Умматим борасида энг кўп қўрқадиганим адаштирувчи имомлардир».** Абу Довуд ривояти. Табароний Сафиур Авсатда бу ҳадисни саҳих деган. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ шундай дейди:

«يَكُونُ فِي أَخْرِ الزَّمَانِ أُمَّرَاءُ ظُلْمَةٍ وَوَزَارَاءُ فَسْقَةٍ وَقَضَاءُ خُونَةٍ وَفَقَهَاءُ كَذْبَةٍ. فَمَنْ أَدْرَكَ ذَلِكَ الزَّمَانَ مِنْكُمْ فَلَا يَكُونُ لَهُمْ جَابِيًّا وَلَا عَرِيفًا وَلَا شَرِطِيًّا»

**«Охири замонда золим амирлар, фосиқ вазирлар, хоин қозилар ва ёлғончи фақиҳлар бўлади. Сизлардан ким шу замонда яшаса, уларга солиқ йиғувчи, нозир ва миршаб бўлмасин».** Ҳузайфа улар ҳақида шундай деган эди: «Фитна ўринларидан эҳтиёт бўлинг». Шунда, у қандай ўрин экан, деб сўрашган эди. У «Амирларнинг эшигидир, сизлардан бирингиз

у ерга кириб, унинг ёлғонини тасдиқлайсиз ва унда бўлмаган сифатлар билан мақтайсиз», деб жавоб берди. Ибн Жавзий айтади: «Охират уламоси султонларни ёқтирмайди ва уларга аралашмайди». Зайёд ибн Хадир айтади: Менга Умар  шундай деган эди: «Исломни ким вайрон қиласди биласанми? Мен, йўқ дедим. Шунда у, олимнинг тойилиши, мунофиқнинг китоб борасида тортишиши ва адаштирувчи имом-раҳбарларнинг хукм юритиши». Дорамий ривояти.

Бу бугунги уламолар воқеси, улар Аллоҳдан қўрқишни йўқотиб, унинг ўрнини султондан қўрқиши билан алмаштирилар. Ҳадисларда ва аввалги ривоятларда айтилганидек, ёлғон гапириш, соҳталаштириш, чалғитиш, Аллоҳга тухмат қилиш, хиёнат қилиш, холисларга тухмат қилиш, яхудий ва насронийлар билан аралashiш, уларга эргашиш, улар билан дўстлашиш, Ғарбга малайлик қилиш, дунё, пул, шон-шуҳрат ва нафсга берилиш, юртни сотиш, ҳаромни ҳалол, ҳалолни ҳаром қилиш, ботилни чиройли қилиб кўрсатиш, буларнинг барчаси улардан содир бўлмоқда. Шунинг учун ҳакни айтсалар мункарга амал қиласидар... Бундай малай уламоларнинг борлиги бало ва фалокат белгисидир. Бунинг сабаби қуйидагича:

— Улар фитна чиқаришмоқда ёки фитна қархисида салбий роль ўйнашмоқда. Чунки улар Аллоҳ Таоло розилигидан ёки жамият манфаатидан кўра ўзларининг манфаатини ўйладилар.

— Уларнинг борлиги халқ етакчилигини ҳалокат ва вайронагарчиликка олиб келадиган етакчиликка айлантиради. Чунки улар покиза ва тақводор уламолар ўрнини эгаллаб оладилар.

— Уларнинг борлиги Умматни жаҳолат ва нодонликка етаклайди. Нодонлик фикрлашдаги заифликдир. Бу нарса Умматни дунё ҳаётининг барча жабҳалари ва охиратдаги мұваффақиятсизлик ва таназзулга олиб келади.

— Улар бор экан, Халифаликни тиклашдек фарзлар тожига эътибор йўқолади. Улар бор экан, Умматни жиҳодга ундаш, Исломни ёйиш орқали уни мустаҳкамлаш ҳамда оламни куфр ва чириган капиталистик ҳазоратдан Ислом адолати ва раҳматига олиб чиқиш бўлмайди.

### **Уламоларга мурожаат:**

Эй муҳтарам, тақводор, покиза, ихлосли ва содик уламолар, эй маломатчининг маломатидан қўрқмайдиган, Ислом байроғи ва унинг буюк меросини ўз зиммасига олган уламолар, эй мусулмонларни ва дин асосини ҳимоя қиласидиган уламолар. Эй

имл ва амал омонатини ўз зиммасига олганлар. Эй Росулуллоҳ минбарида туриб, диндан гапираётган ва мусулмонларга насиҳат қилаётган уламолар. Эй Аллоҳни ўзига гувоҳ ва кафил қилаётган уламолар. Эй Пайғамбарлар меросхўрлари, Пайғамбарлар фақат лойиқ кимсаларгагина омонат қолдирган, сизлар уни оқлашингиз лозим. Эй уламолар, бугун сизга барча муҳтож, сизлар билан қалблар хотиржам бўлиб, ақллар тўғри йўл топади. Эй Аллоҳ Таоло аҳли зикр деб атаган уламолар, мусулмонлар сизлардан катта кичик нарсалар ҳақида сўрайдилар... Сизлар ўз динини дунё эвазига сотган, Аллоҳнинг сўзларини ўзгартирган ва Унинг динини сохталаштирган Бану Исроил роҳиблари ва руҳонийлари каби бўлиб қолишдан эҳтиёт бўлинг... Бас, ёмон тафсир қилиб ёки нотўғри фатво беришдан, золим ҳукмдорларни рози қилишдан ҳамда Парвардигорингиз ва динингиз зиёнига малайлик қилишдан уялиб, лоқайд бўлишдан сақланинг. Агар шундай қилмасангиз дунёда голиб бўлишингиз мумкин, аммо бокийлик ва абадийлик ҳовлиси бўлган охират борасида ютқазасиз. Сизлар ўзгартириш ва даражама даражалик қонунидан эҳтиёт бўлинг, чунки бунда мусибат келади. Озорларга сабр қилинг, чунки у сизлардан олдинги Пайғамбарлар, саҳобалар, тобеинлар ва шаҳидлар суннатидир. Умматингизни саботга чорланг, гайратлантиринг, ёрдам беринг, уни Исломни тиклашга ва Халифалик давлатини тиклашга унданг. Шунда сизлар ушбу Умматнинг ишончини қозонасиз, чунки Халифалик Роббингиз ваъдаси ва Пайғамбарингиз хушхабаридир.

**Эй тақвадор уламолар,** Аллоҳ Таоло ушбу буюк иш яъни динни тарқатиш ва Умматни Аллоҳ рози бўладиган томонга буриш ишини сизларга юклиди. Бу ишнинг савоби буюк, ва жазоси қаттиқдир. Аллоҳ Таоло ушбу омонатни сизларга топшириди. У Уммат биноси бўлмиш Ислом бўлиб, катта имтиҳондир. Аллоҳга тақво қилиш устига қурилмаган бино тезда қулайди. Аллоҳ сизларга топшириган Уммат ишини зое қилманг, вазифангизни ўз вақтида бажаринг. Ажалга амал билан шошилинг, чунки ажалдан кейин амал йўқ.

Сиз Умматнинг дини борасидаги ғамхўр раҳбарисиз, шундай экан, ҳақни тикланг! Сиз тойилманг, акс ҳолда Уммат ҳам тойилади. Нафс-ҳаво билан иш тутманг ва ғазаб билан қарор қабул қилманг, чунки ғазаб ҳақни кетказади. Охират ишини дунё ишидан афзал билинг, Аллоҳга тақво қилинг, тақво эса

сақланиш билан бўлади. Ким Аллоҳдан қўрқса, Аллоҳ уни сақлайди. Сизлар белгиланган ажал, юрилган йўл, олинган тариқат, хавфсиз амал ва тоза-хавфсиз булоқ учун амал қилинг. Чунки у ҳақиқат булоги ва буюк позиция бўлиб, унинг қаршисида Аллоҳдан эмас ҳукмдорларнинг зулмидан қўрқадиган уламоларнинг ҳужжати фойда бермайди... Зеро, Аллоҳдан эмас ҳукмдорларнинг зулмидан қўрқадиган уламолар ҳақни очиқ айтмоқдан ва буюк позицияни эгаллашдан бош тортган уламолардир... Аллоҳ Таоло айтади:

﴿هَذَا يَوْمُ الْقِصْلَةِ جَمِيعَنَّكُمْ وَالْأَوَّلَيْنَ﴾

«**Бу (ҳақ билан ботил) ажратиладиган Кундир!** (Эй бу Кунни ёлгон дегувчи кимсалар, мана) **Биз сизларни ҳам, аввалги** (ўз пайғамбарларини ёлғончи қилган)ларни ҳам жамладик» [Мурсалат 38] Эй тойилган, пушаймон чеккан уламолар, бу кунда ҳар бир нафс ўзи касб қилган нарсаси билан мукофотланади, Аллоҳ тез хисоб-китоб қилгувчи зотдир.

**Эй уламолар, Аллоҳдан қўрқинг.** Албатта ҳаёт боқий эмас, хитоб хатарли ҳамда дунё ва унда бўлган нарсалар ҳалок бўлгувчидир, охират эса барқарордир. Эй бечора уламолар тажовузкорлар йўлидан юриб, Аллоҳга йўлиқманг. Чунки қиёмат кунининг эгаси бандаларни манзиллари билан эмас, балки амаллари билан мукофотлайди. Аллоҳ сизларни ўзининг китобида огоҳлантирган. Эй уламолар, эҳтиёт бўлинг, чунки Аллоҳ сизларни бекорга яратмади ва ўз ҳолингизга ташлаб қўймайди. У сизларни қилган амалларингиздан сўрайди. Шунинг учун нима деб жавоб бериш ҳақида ўйланг. Қиёмат кунида банда тўрт нарсадан сўралмагунча бир қадам ҳам жилмайди; Илмини нимага ишлатгани, умрини нимага сарфлагани, молни қаердан топгани ва нимага сарфлагани, танасини нимага ишлатгани. Эй буюк уламолар сўроқларга жавоб берадиган кунга тайёрланинг. Чунки бу қиёмат кунидаги буюк ишдир, қиёматки, унда эмизувчи ўз эмизганидан бош тортади, унда одамлар караҳт бўлади. Чунки Аллоҳнинг азоби қаттиқдир. Агар яхшилик қилсангиз сизлар учун яхшилик бўлади, агар ёмонлик қилсангиз, насибангиз ва номаи аъмолингизда ёмонлик бўлади. Сизлар ўшанда яралмаганимизда ва бу дунёга келмаганимизда яхши бўлар эди дейсизлар. Лекин унда надомат фойда бермайди ва керак бўлганда афсусланиш ишламайди.

Эй ушбу динни ҳимоя қилиб, етказувчи уламолар, Аллоҳ учун ислоҳдан кўра яхшироқ ҳамда фасод ва маъсиятдан нафратлироқ амал йўқ. Шундай экан, Умматингиз ва ҳукмдорларингиз борасидаги вожиб вазифангизни бажаринг. Улар динни тарқатишлари ва ўз ҳаётларида уни рисолат сифатида қабул қилишлари ва қўриқчи бўлмиш ўз давлатларини тиклаш орқали Исломни ўрнатишлари учун уларни Роббилари рози бўладиган ҳамда дунё ва охиратда фойда келтирадиган нарса билан тарбиялаш сизга буюрилгандир. Пайғамбаримиз айтганлар:

«إِلَّا سَلَامٌ وَالسُّلْطَانُ أَحَوَانِ تَوَأْمُ، لَا يَصْلُحُ وَاحِدٌ مِنْهُمَا إِلَّا بِصَاحِبِهِ. فَإِلَّا سَلَامٌ أُسْنُ وَالسُّلْطَانُ حَارِسٌ، وَمَا لَا أُسْنَ لَهُ مُنْهِدٌ وَمَا لَا حَارِسَ لَهُ ضَائِعٌ»

«Ислом ва султон эгизакдир, улар бир-бирини ислоҳ қиласи. Чунки Ислом асос бўлса, султон қўриқчидир. Асоси бўлмаган нарса вайрон бўлувчи, қўриқчиси бўлмаган нарса зое кетувчидир». Бу бизнинг бугунги аҳволимиз, унда Ислом ақида ва ҳаёт низоми сифатида мавжуд эмас... Бугунги ҳолат шундан иборатки, мусулмонларнинг қўриқчиси яъни Исломни татбиқ қиласидаган давлати йўқ. Эй уламолар, динга ёрдам беринг ва унинг давлатини тикланг. Чунки давлат бўлса, Ислом татбиқ қилинади, ҳаётда рисолат сифатида ёйлади, дин илдизи ҳимоя қилинади, босиб олинган мусулмонлар ерлари қайтарилади ҳамда фасод, куфр ва фиск-фужур йўқолади... Эй Росулуллоҳнинг дўстлари ва ёрдамчилари астойдил бўлинг, ҳақиқий тавба қилинг, ўзингизни Аллоҳга шаҳид бўлиб йўлиқишишга тайёрланг. Чунки охират ҳаётидан бошқаси бекор, Росулуллоҳ дан, саҳобалардан, тобеинлардан ва ҳақконий уламолардан ўrnak олинг. Аллоҳ сизларни ўзи сақласин ва ҳақда событ қилсин. Уммат фақат сиз орқали азиз бўлади. Шунинг учун эҳтиёт бўлинг, чунки ахволларни ўзгартирадиган ҳамда тирикни ўликдан ва ўликни тириқдан чиқарадиган зот сизларни бошқасига алмаштириб қўймасин.

«وَاللهُ غَالِبٌ عَلَىٰ أَمْرِهِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ»

«Аллоҳ Ўз ишида голибдирир (яъни, Уни Ўзи хоҳлаган ишини қилишдан ҳеч ким ман қила олмайди), лекин одамларнинг кўплари (буни) билмайдилар» [Юсуф 21] □

## «Исроиллик» ёзувчи фаластиналыктарнинг «исроиллик»лардан устунлигини эътироф этди

Гидеон Леви «исроиллик» журналист, сўл қанот сионистларидан. У нафакат фаластиналык халқ борлигини эътироф этди, балки уларнинг «исроиллик»лардан устун эканлигини тан олиб, бундай деди: «Афтидан, фаластиналыктарнинг зуваласи бошқа инсонлардан ўзгача. Ерларини босиб олдик, ёшлари орасига қўшиқчи-раққоса, фоҳиша ва гиёҳванд қизларни жойлаштиридик, бир неча йил ўтади, сўнг ватан ва тупроқларини унутишади, дедик... Қарасак, ёш авлодлари «Қўзғолон 87»ни бошлишади... Уларни қамоқларга ташладик, у ерда яхшилаб тарбиялаймиз дедик... Йиллар ўтгач эса, дарс олишган бўлса керак деб ўйлагандик қайтадан қуролли қўзғолон 2000ни қайта бошлаб, хўлу қуруқни баравар ёқишид... Уларни вайрон қиласиз, йиллаб қамалда ушлаб турамиз, дедик. Қарасак, ақл бовар қилмайдиган ракеталар ишлаб чиқариб, шунча қамал ва вайронагарчиликка қарамай уйларимизга зарба беришяпти. Кейин баланд тикансимли девор ўйлаб топдик... Аммо улар бизга ер остидан ва тоннеллардан етиб келиб, охирги урушда бизни катта фалокатга дучор қилишиди. Биз уларга ақлимиз билан уруш қилиб кўрдик. Улар бўлса Исроилнинг «Амос» сунъий йўлдошини эгаллаб олиб, Исроилдаги ҳар бир хонадонга қўрқув солдилар. Масалан, фаластиналык ёшларнинг «Channel 2» каналимизни қўлга олишганда бўлгани каби. Хуллас, биз тарихда гувоҳ бўлинган энг мураккаб халққа рўпара келган кўринамиз, уларнинг ҳақ-хуқуқларини тан олиш ва босқинчиликка барҳам беришдан ўзга ечим қолмади...».

**Ал-Ваъй:** ҳақиқатда, сенлар тарихда гувоҳ бўлинган энг мураккаб халққа рўпара келишдинг. Аммо ечим сен айтгандек эмас. Йўқ, ечим бутун вужудларингни супуриб ташлаш ва вазиятни сенлар келиб, тупроғимизни босиб олишларингдан аввалги ҳолига қайтаришдан иборат. Бунинг йўли Аллоҳнинг изни ила вақти бўлган рошид Халифаликдир, бундан бошқа йўли йўқ.

### Президент мисрликлардан «фарзанд кўришни бас қилиш»ни талаб қилди!

Сисий пойтахт Қохирада бўлиб ўтган аҳоли, саломатлик ва ривожланишга бағишиланган халқаро конференция чоғида

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубхасыз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>«Терроризм билан ахоли сонининг ўсиши энг катта таҳдиддир..., ахоли сонининг ўсиши юрт дуч келәётган энг хавфли таҳдиддир», деди. Сисий айни нутқининг ўзида соғлиқни сақлаш вазири Холид Абдулғаффорнинг «фарзанд кўриш мавзусида давлатнинг роли фақат йўлланма беришдан иборат бўлиши керак», дегани учун танқид қилди ва «агар эркинликни тартибга солиштириб турилмаса, ҳалокатга олиб келади» деди. Айни сўзларига Сисий Хитой давлатининг оиласарга битта фарзанддан ортиқ фарзанд кўрмаслик сиёсати кўллаганини, бу сиёсати билан «ахоли сони ўсишини назорат қилиш»га муваффақ бўлганини ҳужжат қилди. Аммо бу сиёсати хозирда Хитой давлатчилигига даҳшатли фожия олиб келганини, натижада бундай сиёсатни тўхтатиб, аввалги сиёсатга қайтишга мажбур бўлганини Сисий била туриб, ўзини билмасликка олди. Сўнг «Тугилиш озлигидан азият чекаётган мамлакатларни қонуний миграцияни ташкиллаштириш»га чақирди. Лекин бу миграция унинг иқтисодий сиёсати муваффақиятсизликка учрагани ҳамда ёшлар ўз касб-хунарларидан айрилганликлари ва мутахассисликларидан фойдалана олмаганликлари туфайли ватанин тарк этишга мажбур бўлаётганликларининг ифодаси эканидан атайлаб кўз юмди.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Сисий ахоли сони ўсишининг терроризм хавфидан ҳам ёмон даҳшат қилиб кўрсатиш билан ўзининг сиёсий омадсизлигини яширишга уриняпти. Чунки унинг муваффақиятсиз сиёсати Миср бошдан кечираётган кучли иқтисодий кризиснинг келиб чиқишида ҳал қилувчи роль ўйнади. Унинг муваффақиятсиз сиёсати, шунингдек, иқтисодий ресурслардан оқилона фойдалана олмасликда, маъмуриятнинг коррупциялашишида, хавфсизлик аппарати томонидан ҳибсга олиш, қийноқларга солиш ва мажбуран яшириш каби жиноятлар содир этилишида яққол кўринмоқда. Шубҳасиз, ҳақиқий ечим Сисийни кетишида ва ўрнига шаръий ҳақиқий иқтисодий низомни татбиқ қиладиган ва шу орқали инсонларнинг нафақат асосий, балки етарли эҳтиёжларини таъминлайдиган Ислом ҳокимиятини барпо этишдадир.</p>		
<p style="text-align: center;"><b>Нур партияси сайловда Сисийни қўллаб-қувватлашини билдириди</b></p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخْوَ الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зудм килмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Мисрдаги салафий «Нур» партияси 2024 йилда бўлиб ўтадиган сайловларда давлат тўнтариши етакчиси Абдулфаттоҳ Сисийнинг номзоди янги муддатга қўрсатилишини қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Партия етакчилиги томонидан берилган баёнотда айтилишича, бош котибият ва вилоятлар котибиятлари билан бир қатор маслаҳат йигинлари ўтказилиб, олий кенгашнинг овоз бериш йигини якунига етганидан сўнг, бошқа номзодларга қарши Сисийни қўллаб-қувватлаш қарори қабул қилинган. Партияning даъво қилишича, партия кадрлари орасида давлатнинг турли институтларини бошқариш ва уларни мустаҳкамлашга, шунингдек, Миср ва бутун минтақа дуч келаётган хавф-хатар ва муаммолар қўламига мос равиша ҳамкорлик қилиш сари етаклашга қодир етакчилик зарурлигига бўлган кучли ишонч мавжудлиги, Сисийни қўллаб-қувватлашга унданган. Партия ўз аъзолари ва бутун мисрликларни сайловларда қатнашишга, бунёдкорликка интилишга ҳамда салбийлик ва умидсизликдан эҳтиёт бўлишга чақирди. Баёнотда қўшимча қилинишича, партия иш хужжатини тақдим этиш билан Сисийни қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшган. Бу хужжат партияning келгуси босқичдаги устувор ишлар бўйича қўз-қарашларини ўз ичига олади. Партияning баёноти ижтимоий тармоқларда унга қарши кенг норозиликларни келтириб чиқарди ва фаоллар уни иккюзламачиликда айблашди. Фаолларнинг айтилишича, мархум президент Муҳаммад Мурсий бошқарувини бузишга, диний ва фикхий масалаларда унга туҳмат қилишга уринган партия бугун ўзини исломчи сифатида қўрсатмаган ҳамда Нур партиясининг ҳеч қандай талабини бажармайдиган Сисийни бор кучи билан қўллаб-қувватламоқда. Миср Миллий сайлов комиссияси президентлик сайловлари учун номзод қўрсатиш жараёнини жорий ой 5 октябрда бошлашга қарор қилди. Мамлакат ичкарисида овоз беришнинг биринчи босқичи жорий йилнинг 10 декабряда З кун давомида ўтказилади.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Биз Нур партияси етакчиларига Ресулуллоҳ нинг сўзларини айтамиз: Анас ибн Молик رضي الله عنه رضي الله عنه нинг бундай деганларини ривоят қилади:</p> <p>«الْعُلَمَاءُ أَمْنَاءُ الرُّسُلِ عَلَىٰ عِبَادِ اللَّهِ مَا لَمْ يُحَالِطُوا السُّلْطَانَ، فَإِذَا حَالَطُوا السُّلْطَانَ فَقَدْ خَانُوا الرُّسُلَ فَأَخْذَرُوهُمْ، وَاعْتَرُوهُمْ»</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұмінлар ҳеч шак-шубҳасыз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>«Уламолар, модомики, саройга аралашмаган әканлар, Аллоҳнинг бандалари устидаги пайғамбарларнинг омонаттгүй вакиллариidir. Аммо саройга аралашсалар пайғамбарларга хиёнат қиласылар. Бас, улардан эҳтиёт бўлинглар ва улардан узоқ туринглар».</p> <p>Муоз ибн Жабал <small>رض</small> хам Росууллоҳ <small>صلی اللہ علیہ وسالہ وآلہ وسالہ</small>нинг бундай деганларини ривоят қиласи:</p> <p>«مَا مِنْ عَالَمٍ أَتَى صَاحِبَ سُلْطَانٍ طَوْعًا، إِلَّا كَانَ شَرِيكُهُ فِي كُلِّ لَوْنٍ يُعَذَّبُ بِهِ فِي نَارِ جَهَنَّمِ»</p> <p>«Бирор олим ўз ихтиёри билан сарой сохибига яқин бўлса, ҳар жиҳатдан унинг шеригига айланади. Шу орқали дўзах оловида азобланади». (Ушбу икки ҳадисни Ҳоким ўзининг «Тарих»ида ишлаб чиққан). □</p>		
<p><b>Ал-Ваъй</b></p>		

## ҚУРЪОНИ ҚАРИМ СУХБАТИДА

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قَدْ نَعْلَمُ إِنَّهُوَ لَيَحْرُكُ الَّذِي يَقُولُونَ فَإِنَّهُمْ لَا يُكَذِّبُونَكَ وَلَكِنَّ الظَّالِمِينَ بِإِيمَانِهِ يَجْحَدُونَ ﴿١﴾ وَلَقَدْ كُذِّبَتْ رُسُلٌ مِّن قَبْلِكَ فَصَبَرُوا عَلَىٰ مَا كُذِّبُوا وَأُوذُوا حَتَّىٰ أَتَتْهُمْ نَصْرٌنَا وَلَا مُبْدِلَ لِكَلْمَتِ اللَّهِ وَلَقَدْ جَاءَكَ مِن شَيْءِ الْمُرْسَلِينَ ﴿٢﴾ وَإِنْ كَانَ كَبِيرٌ عَلَيْكَ إِعْرَاضُهُمْ فَإِنْ أُسْتَطِعْتُ أَنْ تَبْتَغِي نَفْقَةً فِي الْأَرْضِ أَوْ سُلَّمًا فِي السَّمَاءِ فَتَأْتِيهِمْ بِإِيمَانٍ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَجَعَهُمْ عَلَى الْهُدَىٰ فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ الْجَاهِلِينَ ﴿٣﴾ إِنَّمَا يَسْتَجِيبُ الَّذِينَ يَسْمَعُونَ وَالْمُؤْمِنُ يَعْثِمُ اللَّهُ ثُمَّ إِلَيْهِ يُرْجَعُونَ﴾

«(Эй Мұхаммад), уларнинг гаплари шак-шубҳасиз сизни маҳзун қилишини билурмиз. Зотан, улар сизни ёлғончи қилмайдилар, балки бу золимлар Аллоҳнинг оятларини инкор қиласылар. Маълумки, сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам ёлғончи қилингандар. Бас, то уларга Бизнинг ёрдамимиз келгүнича ёлғончи қилингандарни ва озорланғандарига сабр қилғандар. Аллоҳнинг («Пайғамбарларимни Ўзим құллагайман») деган сүзларини ўзгартира олгувчи бирон кимса йүқдір. Ахир сизга (эй Мұхаммад), ўтган пайғамбарларнинг айрим хабарлари келған-ку! Агар сизга уларнинг юз ўғиришлари оғир ботиб (сабр қила олмасанғиз), у ҳолда ерга (кириб кетадиган) бирон тешик ёки осмонга (чиқиб кетадиган) бирон нарвон истаб, уларга оят-мұъжиза (топиб) келтиришга қодир бўлсанғиз (шундай қиласеринг). Агар Аллоҳ хоҳлаганда албатта уларни ҳидоят устида бирлаштирган бўлур эди-ку! Бас, ҳаргиз жоҳиллардан бўлманг! Албатта, эшина оладиган зотларгина (сизнинг даъватингизни) қабул қилурлар. Ўликларни (кофирларни) эса Аллоҳ тирилтирур. Сўнгра Ўзига қайтарилурлар»

[Анъом 33-36]

Шайх Мутавалли Шаъровий (роҳимаҳуллоҳ) бу оятларнинг тафсирида бундай дейди:

Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло бу оядда кофирларнинг охиратда Аллоҳнинг ҳузурида туришини баён қилди. Шундан кейин, сўз Аллоҳ Таолонинг хабарини бу кофирларга етказишда

қийналаётган Ресуллар گа қаратылмоқда. Ресуллар گа маҳзун эди, чунки қавми имон ҳаловатини тотмаяпты. Зоро, Аллоҳ Ресуллар گа хақида:

﴿لَعْدُ جَاءَكُمْ رَسُولٌ مِّنْ أَنفُسِكُمْ عَرِيزٌ عَلَيْهِ مَا عَيْثُمْ حَرِيصٌ عَلَيْكُمْ بِالْمُؤْمِنِينَ رَءُوفٌ رَّحِيمٌ﴾

«(Эй инсонлар), ахир сезларга ўзларингиздан бўлган, сезларнинг кулфат-машиқат чекишингиздан қийналувчи, сезларнинг (тўғри йўл-ҳақ динга келишингизга) ҳарис-ташна бўлган ва барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган бир пайгамбар келди-ку!» [Тавба 128]

дейди. Ресуллар گа барча инсонларнинг мўмин бўлишига ҳарис бўлиб, баъзи инсонларнинг имон даъватига қарши чиқаётганидан қийналар эди... Ресуллар گа ўзининг вазифаси гарчи фақат етказиб қўйиш бўлсада ҳамда agar Аллоҳ одамларнинг барчасини мўмин қилишни хоҳласа, битта оят-мўжиза нозил қилиб барчасини мўмин қилиб қўйишини билса-да, кофиirlарни имонга киришларини хоҳлар эди.

﴿أَعْلَمُ بِخَمْسَةِ نَفْسَكَ أَلَا يَكُونُوا مُؤْمِنِينَ ۝ إِنَّ نَشَانًا نُنَزِّلُ عَلَيْهِم مِّنَ السَّمَاءِ ۝ إِنَّهُ فَظِيلٌ أَعْنَقُهُمْ لَهَا خَضِيعَنَ﴾

«(Эй Муҳаммад), эҳтимол сиз (макка мушиклари) мўмин бўлмаганлари учун ўзингизни ҳалок қилгувчи дурсиз. (Ундоқ қилманг, чунки) Агар Биз (уларнинг мўмин бўлишларини) хоҳласак уларга осмондан оят-мўжиза нозил қилиб шу билан бўйинлари эгилиб қолард» [Шуаро 3-4]

Лекин Ҳақ Субҳанаҳу ва Таоло бўйинларнинг эгилишини эмас, балки қалбларнинг эгилишини хоҳлади. Аллоҳ Таоло одамлар ўз Холиқига мұхабbatни мустаҳкамлаш учун ўз ихтиёри ва хоҳиши билан келишларини хоҳлади. Шунинг учун Ҳақ Таоло айтади:

﴿فَقَدْ نَعْلَمُ إِنَّهُ وَلَيَحْرُزُكَ الَّذِي يَقُولُونَ﴾

(Дарҳақиқат, Биз уларнинг гаплари шак-шубҳасиз сезни маҳзун қилишини билурмиз). Шуни яхши билишимиз керакки, қалимасидан кейин келган нарса албатта рўёбга чиқадиган иш бўлади. Агар у мозий (үтган замон) феъли олдида келса, бундай ҳолатда у рўёбга чиқиб бўлган иш бўлади. Агар у музорий (келаси замон) феъли олдида келса, тақлил (гоҳида маъносида) учун ёки таксир (кўпинча маъносида) учун келади.

Агар омил билан маъмул ўртасида сабаб алоқаси бўлса, таксир учун бўлади.

Агар ишнинг зоҳири очик боғланмаган бўлса тақлил учун бўлади. Таксирга далолат қиласиган алоқага мисол: **قد ينْجَحُ الْمَجْدُ** яъни тиришқоқ муваффакият қозонади деганда тиришқоқлик билан муваффакият ўртасида сабабият боғланиши бор. Тўғри, баъзиде кутилмаган бир ҳодиса рўй бериб, муваффакиятга эриша олмаслиги мумкин. Масалан, имтиҳон куни ухлаб қолиши мумкин. Лекин соғ бўлиш эҳтимоли касал бўлиш эҳтимолидан кучлироқ, шунинг учун бу таксирга мисол бўлади. Тақлилга мисол эса **قد ينْجَحُ الْكَسْوَلُ** баъзиде дангаса муваффакиятга эришади деганда дангаса тасодифан, мантиқий сабабсиз муваффакиятга эришиши мумкин. Масалан у имтиҳон кечаси бир қанча дарсларни ўқыйди, кейин имтиҳон бўлади ва ўтиб кетади. Демак **قد يَكْلِمَ مَنْ** мозий феъли олдига келса, таҳқик учун бўлади. Агар у музорий феъли олдида келса-ю, мантиқий сабаби бўлса, таксир учун, мантиқий сабаби бўлмаса, тақлил учун бўлади. Лекин барчамиз биламизки, Аллоҳнинг илми азалий илмдир ва Аллоҳнинг илмидан четга чиқадиган ҳеч қандай куч ва иш йўқ. Демак бу ердаги **قد يَرْتَجِعُ** гарчи музорий феълидан олдин келган бўлса ҳам таҳқик учундир. Чунки Ҳақ Таоло бизга бундай иш бўлишини азалдан билишини етказишни хоҳлади. Феълнинг тасвирини тасаввур қилишимиз учун музорий феъли билан келди:

**﴿قَدْ نَعَمْ إِنَّهُ وَلَيَحْرُنَّكَ الَّذِي يَقُولُونَ﴾**

*(Дарҳақиқат, Биз уларнинг гаплари шак-шубҳасиз сизни маҳзун қилишини билурмиз).* Маҳзунлик бу нафснинг шодлик оқимидан чиқиб кетишидир. Агар инсоннинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасини бажарса, у жуда курсанд бўлади. Агар бирор аъзонинг ишига халал берадиган иш содир бўлса, бу маҳзунликни пайдо қиласи. Дарҳақиқат Росууллоҳ ﷺнинг истаги у кишининг сўзларини эшитаётганларнинг барчаси мўмин бўлиши эди. Лекин баъзилар имонга қарши чиқса, баъзилар у кишини сехргар ёки мажнун шоир деб айблашди. Шунинг учун Ҳақ Таоло Ўз Росулини

**﴿قَدْ نَعَمْ إِنَّهُ وَلَيَحْرُنَّكَ الَّذِي يَقُولُونَ﴾**

*(Дарҳақиқат, Биз уларнинг гаплари шак-шубҳасиз сизни маҳзун қилишини билурмиз),* деб юпатмоқда. Бошқача айтганда, Эй Мухаммад сиз уларнинг сўзлари сизга алоқадор эмаслигини билишингиз керак. Чунки сиз – уларнинг ижмосига

күра ростгүй ва ишончлisisiz. Улар Мен сиз орқали уларга юборган оятларимни ёлғон демоқда, чунки сизнинг улар билан бўлган ўтмишингиз ростгүйлик ва омонатдир демоқда. Чунки уларнинг орасидаги кофир Росууллоҳо ﷺдан бошқа ҳеч кимга ўз мол мулкини ва қимматбаҳо буюмларини ишониб топширмаган эди. Инсон ўзини қизиктирган нарсада ўзини алдамайди. Гёё Аллоҳнинг Ўзи Росулидан юкни фориг қилмоқчи бўляпти. Чунки ким пайғамбарни ҳақорат қилса, уни юборган зотга, яъни Аллоҳ Таолони ҳақорат қилган бўлади.

Шунинг учун Аллоҳ Таоло айтяптиki,

﴿قَدْ نَعْلَمُ إِنَّهُ وَلَيَحْرُنُكَ الَّذِي يَقُولُونَ فَإِنَّهُمْ لَا يُكَذِّبُونَكَ وَلَكِنَّ الظَّالِمِينَ إِبَاتَ اللَّهُ بِجَحَدِهِنَّ﴾

(Эй Мұхаммад), уларнинг гаплари шак-шубҳасиз сизни маҳзун қилишини билурмиз. Зотан, улар сизни ёлгончи қилмайдилар, балки бу золимлар Аллоҳнинг оятларини инкор қиласидилар). Аллоҳ Таоло бизга Росули ўз Умматининг ҳақ даъватга ижобат қилишига иштиёқманд бўлганликларини баён қиласидилар. Токи мўминларда Ҳақ Субҳанаҳу ва Таолонинг ўз росули ҳақидаги сўзи тасдиқлансин:

﴿لَقَدْ جَاءَكُمْ رَسُولٌ مِّنْ أَنفُسِكُمْ عَزِيزٌ عَلَيْهِ مَا عَنِتُّمْ حَرِيصٌ عَلَيْكُمْ بِالْمُؤْمِنِينَ رَءُوفٌ رَّحِيمٌ﴾

(Эй инсонлар), ахир сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларнинг кулфат-машаққат чекишингиздан қийналувчи, сизларнинг (тўғри йўл-ҳақ динга келишингизга) ҳарис-ташина бўлган ва барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган бирор пайғамбар келди-ку!»).

Ҳарислик Росууллоҳо ﷺ ўз қавмидан бирор кишини ҳам у кишининг манҳажи ва динидан четга чиқишини истамасликларидадир. Лекин Аллоҳ Таоло ким Росууллоҳнинг олдиларига келмасликка қодир бўла туриб ихтиёрий равишда келишини билиш учун ҳамда ким келишга қодир бўла туриб келмаслигини билиш учун дин масаласини ихтиёрий қилиб кўйди. Бу коинотда Ҳақ Таолонинг борлик қонунлари бўлиб, уни барча маҳлуқлари устида жорий қиласиди. Баъзida сўраб қолишади: Нима учун Аллоҳ Таоло бу дунёда кофирга жой қолдирди? Нима учун Ҳақ Таоло дунёда ёмонликка жой қолдирди, уни доно хандаса билан бошқармайдими? Биз айтамизки, агар ёмонлик одамларни қўрқитадиган заарли

таъсирга эга бўлмаганида, улар ҳақиқатнинг ширинлигини билмас эдилар. Демак, ёмонлик ва куфрнинг борлиги ҳамда куфрнинг зулм ва зўравонлик жиҳатидан одамларга таъсири одамларни имонга чорлайди ва яхшилик бўлиши керак деган нарсага чорлайди. Агар борлиқда ёмонлик учун жой бўлмаса, унда одамларни яхшиликка нима тортади. Шунинг учун имонга қарши бўлган кимсаларни мўминларни гижгижлаш, уларга заар өтказиш ва газаблантиришини кўргандагина имон мўминларга таъсир кўрсатаётганини кўрасиз. Аммо, агар дунё бир хил бўлиб қотиб қолса, мусулмонлар қалбида Ислом амри совиб қолар эди. Шунинг учун мўминларни доим гайратда эканлигини кўрамиз, чунки бу ерда кофирлар бор. Шунинг учун Аллоҳ Таоло Ўз Росулига:

﴿قَدْ نَعِمْ إِنَّهُ لَيَحْزُنُكَ الَّذِي يَقُولُونَ﴾

((Эй Муҳаммад), уларнинг гаплари шак-шубҳасиз сизни маҳзун қилишини билурмиз) демоқда. Гўё Аллоҳ Таоло бизга борлиқда мўмин ва кофир бўлишини хоҳлаганини өтказяпти.

Шунинг учун эй мусулмон ер юзида қандай қилиб кофирлар бўлади деб ҳайрон бўлсангиз, билингки улар Аллоҳнинг бандалари, Аллоҳ улар куфрни ихтиёр қилишларини хоҳлади, лекин улар Аллоҳнинг мажбурали орқали куфрни ихтиёр қилишмади. Сайидимиз Росууллоҳ ﷺ одамлар имон келтирмаганидан ғамгин бўлмоқда, шунинг учун Аллоҳ Таоло у кишини улар айтаётган куфр сўзлари ва айбловларидан қайфураётганини билиб, унга тасалли бермоқда. Чунки улар Росууллоҳ ﷺ ни сеҳргар, мажнун, ёлғончи, коҳин, шоир деб айблаётган эди. Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло эса улар айтаётган гапларни ва ўша гаплар Росууллоҳ ﷺ ни маҳзун қилаётганини билар эди. Шунинг учун Ҳак Таоло бу маҳзунликни Росууллоҳ ﷺ дан қўтаришни хоҳлади. Сўнг, эй Аллоҳнинг Росули улар сизни ёлғончи дейишишмоқда, сиз уларнинг олдида ростгўй ва ишончли ўринда эканингизни биласиз, уларнинг бирортаси сизни ёлғончи қила олмайди, лекин улар Аллоҳнинг оятларини инкор қилишмоқда, деб тасалли бермоқда. Бундан ортиқ тасалли бўлмаса керак.

Бизга маълумки, мушрикларнинг Росууллоҳ ﷺ ҳақида айтаётган гаплари қабул қилиб бўлмас гаплардир. Чунки улар балофатли, фасоҳатли ва баёнга уста халқ бўла туриб қандай қилиб, Куръон шеър дейишиади. Ваҳоланки, улар билимли кишилар бўлиб, шеърни, унинг сажаини, назмни ва насрни

билишар эди. Шундай экан, Құръон услубини шеърият билан аралаштириб юборишлари ақлга түғри келадими? Таъкидлаш лозимки, бу мумкин эмас. Дарҳақиқат улар пайғамбар ﷺни сехргар дейишиди, ундай бўлса, нима учун имон келтирганларни сехрлади-ю, қолганларни сехрламади? Агар сехргар бўлганида уларни сехрлаган бўлар эди. Уларнинг сехрланмай қолиши буни инкор этади. Улар у кишини ёлғончи дейишиди, лекин бу гаплари билан ўзларини ёлғончи қилишиди. Чунки улар у кишини ростгўй ва ишончли деб билишарди. Мана Ахнас ибн Шариқ ва Абу Жаҳл ўртасида бўлиб ўтган сұхбатга қулоқ солинг. Ахнас, эй Абулҳакам Мұхаммаддан эшитаётган нарсанг ҳақида фикринг қандай? – деб сўради. Абу Жаҳл, нимани ҳам эшитардим? – деб жавоб берди. Бу ерда биз Абу Жаҳлдан нафрат ва ҳасад ҳақидаги сўзларни ҳамда Мұхаммад ﷺнинг нуроний рисолатидан йироқ бўлган мавзуларни эшитяпмиз. Мана, у яна нима деган: Биз Бану Абдуманноф билан обрў талашишда рақобатчи эдик. Улар таом беришарди, биз ҳам таом берардик. Улар ёрдам беришарди, биз ҳам ёрдам берардик. Улар беришарди, биз ҳам берардик. Биз мутлақо бир хил эдик. Гёё икки чопқир от каби бир-бириմиздан ўзиб кетмасдик, баравар эдик. Улар, бизда пайғамбар бор, унга осмондан ваҳий келади, дейишиди. Биз унга ўхшаганига қачон эришамиз?! Аллоҳга қасамки, унга ҳеч қачон имон келтирмаймиз ва тасдиқламаймиз ҳам. Шунда Ахнас туриб, унинг олдидан чиқиб кетди. Демак у мансаб ва ҳокимият устидаги ҳасад масаласи эди. Шунинг учун Аллоҳ Таоло уларни рад этар экан, бундай дейди:

﴿أَهُمْ يَقْسِمُونَ رَحْمَتَ رَبِّكَ لَهُنْ قَسْمَنَا بَيْنَهُمْ مَعِيشَتَهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَرَفَعْنَا بَعْضَهُمْ فَوْقَ بَعْضٍ دَرَجَاتٍ لِتَتَّخَذَ بَعْضُهُمْ سُخْرِيَّاً وَرَحْمَتُ رَبِّكَ خَيْرٌ مِمَّا يَجْمَعُونَ﴾

«(Эй Мұхаммад), *Парвардигорингизнинг раҳмати* (бўлмиши пайғамбарлик)ни ўшалар *тақсимлайдиларми?*! (Йўқ, асло ундоқ эмас!) Уларнинг ҳаёти дунёдаги *машамтирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталарида* Биз Ўзимиз *тақсимлаганмиз* ва баъзилари баъзиларини қўл остига олиб (ишлатиши) учун айримларини айримларидан баланд дараҷа-мартабаларга кўтариб қўйганмиз. *Парвардигорингизнинг раҳмати-пайғамбарлик* эса улар тўплайдиган нарса (мол-дунё)ларидан яхшироқдир. (Бас, Биз бу улуғ неъматни фақат Ўзимиз танлаган кишиларгагина ато этурмиз)» [Зухруф 32]

Ха, Аллоҳ Таоло ўз Росулиға тасалли бериб, айтади:

﴿فَدْ نَعْلَمُ إِنَّهُ لَيَحْرُكُ الَّذِي يَقُولُونَ فَإِنَّهُمْ لَا يُكَذِّبُونَكَ وَلَكِنَّ الظَّالِمِينَ إِلَيْكَ أَكْثَرٌ مِّنْ أَنْ يَجْعَلُونَ﴾

((Эй Мұхаммад), уларнинг гаплари шак-шубҳасиз сизни маҳзун қилишини билурмиз. Зотан, улар сизни ёлғончи қилмайдилар, балки бу золимлар Аллоҳнинг оятыни инкор қиласылар). Улар золимдирлар. Чунки зулм ҳақни унга лойиқ бўлмаганга ўтказишидир. Зулмнинг энг ёмон тури эса ширкдир. Чунки ёлғиз Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таологияна ибодатга лойиқ зотдир. Энг енгил зулм (адолатсизлик) эса шахсни қўлга киритган ёки унга берилган ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бошқасига беришидир ва бу одамлар орасида мавжуд. Мушриклар илоҳий зот ҳуқуқини бут ва санамлар каби бунга лойиқ бўлмаганларга бердилар. Аммо мўминлар илоҳий зотнинг ибодатдаги ҳақини тан олишган. Бу ерда зулмнинг бошқа тури бўлиб, мен ўша зулм ҳақида гапирмоқчиман, у ҳам бўлса, инсон ўз исмига зулм қилишидир. Масалан инсон отаси унга Маҳдий (тўғри йўлдаги инсон) исмини қўйган бўлсада, ўзига ва бошқаларга зарар етказиш билан дунёни фасодга тўлдиради. Бундай инсонга айтамизки, сен отангнинг сен ҳақидаги умидини ҳурмат қилишинг керак, шунинг учун исминнинг зулм қиласа. Ислом билан исмланаётган ўртасида адолат бўлиши керак. Шунинг учун сенинг ҳаёт йўлинг сенга отанг қўйган исм билан мос келиши керак, деймиз. Аммо унинг отаси унга Маҳдий деб исм қўйиб, ҳидоят ва дин ҳақида ҳеч нарса ўргатмаса, сўнг у дунёда ўзи ва бошқаларни баҳтсиз қиласа ва шундан кейин ҳидоят топса, бу йигит ҳидоятдан таълим олиб, исми мусаммосига айланган бўлади.

Ўттизинчи йилларда Қоҳирага борганимизда, «Эҳтиёт бўлинг, Имодуддин кўчасига қадам босманг, чунки ҳамма офат шу қўчададир» деган огоҳлантиришни эшитгандик. Кўчанинг номи Имодуддин (дин таянчи) бўлгани, бироқ у офатлар макони эканлиги мени ҳайратга солган эди. Ўшанда мен бу ҳақда, ширкдан кейинги энг ёмон зулм бу исмнинг ўз жисмига тескари қўйилганлиги, бу кўча Имодуддин деб аталиби-ю, лекин уни Инодуддин (динга душмани)га айлантиришди деб байт айтган эдим.

Ҳаётда исмлар ўз эгасига зулм қиласиган ҳолатлар кўп учрайди, лекин энг катта ва хунук зулм бу Аллоҳга ширк келтиришидир

﴿وَلَكُنَ الظَّلَمِيْنَ بِإِيْمَانِ اللَّهِ يَجْحَدُوْنَ﴾

*(Балки бу золимлар Аллоҳнинг оятларини инкор қиласылар).* Инкор – бу тилнинг такаббурлиги ва унинг ҳақ калимани айтишни истамаслигидир. Агар мушриклар ўзлари билан холи қолганларида Мұхаммад ﷺ нинг масаласи ва рисолат масаласини кўздан кечирсалар, уларнинг қалблари Росууллоҳнинг ростгўйлигига, пайғамбарлигига ва манҳаж фақат ҳидоят учун келганига ишонч ҳосил қилганини кўрар эдилар. Лекин уларнинг тиллари буни тан олишга қодир эмас. Шунинг учун илохий манҳаж амр қиласы, агар бирортангиз бирор масалани у ҳақми ёки ботилми деб муҳокама қилмоқчи бўлса, уни оломон ичидаги муҳокама қилишингиз тўғри эмас. Балки ундаги ҳақни ботилдан фарқлаш учун уни қалбингида муҳокама қилинг. Шунинг учун Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿قُلْ إِنَّمَا أَعِظُّكُمْ بِوَاحِدَةٍ أَنْ تَقُومُوا لِلَّهِ مُشْتَقِّي وَفُرَادَى ثُمَّ تَقَعَّدُوْرُوا مَا بِصَاحِبِّكُمْ مِنْ جِنَّةٍ إِنْ هُوَ إِلَّا نَذِيرٌ لَكُمْ بَيْنَ يَدَيْ عَذَابٍ شَدِيدٍ﴾

«(Эй Мұхаммад, мушрикларга) айтинг: «Мен сизларга фақат биргина нарсани тавсия қилурман: Аллоҳ учун жуфт-жуфт, ёлғиз-ёлғиз ҳолингизда туриб, сўнгра соҳибингизда (яъни Мұхаммадда) ҳеч қандай жиннилик-мажнунлик йўқлигини, фақат қаттиқ азоб олдидан сизларга (юборилган) бир огоҳлантиргувчи (пайғамбар) эканлигини тафаккур қилинглар» [Сабаъ 46]

Ушбу оядда Аллоҳ Таоло бизга оқ-қорани қандай ажратишни ўргатаётгандай. Яъни ё ўзимиз якка холатда муҳокама қиласиз, ёки икки киши муҳокама қиласиз. Бу билан бири иккинчисининг фикрига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Лекин учинчи шахс бўлмайди. Чунки у ўзининг мағлубиятини кўриб, жанжал ва такаббурлик қилиши мумкин.

Ҳақ Таоло Росууллоҳ ﷺ ни мажнунликда (Аллоҳ сақласин) айблаганларни мана шу нарсага насиҳат қилди. Чунки жиннилик-мажнунлик – бу хатти-харакатларни тадбирсиз ва оқибатини ўйламасдан бажаришингизdir. Бундай хатти-харакат эгасининг ҳикматидан холи бўлади. Аммо ақлли одам харакатларини ҳикмат билан тартиблаштиради, ўлчайди, ўрганади. Унинг ақли ва донолиги қилган ишини яхши деб хулоса чиқаради. У одамларга уйғунлик ва юксак ахлоқий меъёрлар билан муносабатда бўлади. Шундай экан, мушриклардан бирортаси Росууллоҳ ﷺ га нисбатан хатти-

харакатларда тартиб йүқлигига далолат қиласынан бирор йүлни күрганми? Йүқ албатта. Шунинг учун Ҳақ Таоло айтади:

﴿نَّ وَالْقَلْمَ وَمَا يَسْطُرُونَ ﴿١﴾ مَا أَنْتَ بِنِعْمَةِ رَبِّكَ بِمَجْنُونٍ ﴿٢﴾ وَإِنَّ لَكَ لَأَجْرًا غَيْرَ مَمْنُونٍ ﴿٣﴾ وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ حُلُقٍ عَظِيمٍ﴾

**«Нун. Қалам ва (у билан фаришталар) битадиган битикларга қасамки, (эй Мұхаммад), сиз Парвардигорингизнинг марҳамати билан мажнун эмасдирсиз. Албатта сиз учун (коғирларнинг бундай озорларига сабр-тоқат қилганингиз сабабли) битмас-туганмас ажер мукофот бордир. Албатта сиз улуг хулқ устидадирсиз»**

[Қалам 1-4]

Шубҳасиз, улуг хулқ мажнунликнинг аксиdir. Лекин ҳар бир қавм ўз пайғамбарига шундай муносабатда бўлиб, уни аҳмоқлик ва мажнунликда айблади. Ботилни аломатларигача қолдирмай ўчириш мақсадида ўз қавмига бирор пайғамбар ҳақ манҳаж билан келса, қавми уни мажнун дея қаршилади. Бизга маълумки, ер юзи қачон фасод билан тўлиб тошиб, мўмин қалб коронгилашгандагина осмон (Аллоҳ ва фаришталари) пайғамбарлик ва мўъжиза билан аралашади. Зоро, мўмин яхшилик хамиртурушига эга бўлиб, яхшиликка ундейди. Агар нафси унга гуноҳ қилишни буюрса ва у буни қилса, унинг маломат қилгувчи нафси унга бунинг учун танбех беради. Аммо агар унинг маломат қилгувчи нафси бўлмаса ва уни маломат қилмаса, унинг ёмонликка буюрувчи нафси ҳукмрон бўлади. Агар жамиятда унга «Ундан қилма...» деб айтадиган ҳеч ким бўлмаса, бутун жамият бузилади. Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿كَانُوا لَا يَنَّاهُونَ عَنْ مُنْكَرٍ فَعَلُوْهُ﴾

**(Улар бир-бирларини қилган нолойиқ ишларидан қайтармас эдилар).** Демак осмон қачон фасод тўлиб тошиб кетса, рисолат, мўъжиза ва манҳаж билан аралашади. Модомики фасод тўлиб тошган экан, бу ерда шу фасоддан фойдаланаётган кишилар бор. Пайғамбар фасоднинг олдини олиш учун келар экан, бу бузғунчиларнинг одамлардан фойдаланиши олдини олади ҳамда улар билан ўша фойдаланиш орасини тўсади. Шунинг учун ҳар бир пайғамбарга бузғунчилар томонидан қаршилик бўлган ва бундай дейишган:

﴿وَمَا نَرَيْكَ أَثَّبَعَكِ إِلَّا الَّذِينَ هُمْ أَرَادُوكَ بَادِئَ الْرَّأْيِ﴾

*(Бизлар сени худди ўзимизга ўхшаган одам, деб биламиз ва сенга фақат ичимиздаги пасткаш (ялангоёқ) кимсалар үйламасдан әргашганини құрмокәдамиз). Ҳар бир пайғамбарға әргашгандар қутқарувлығы мұхтож бўлган мазлумлардир. Золимлар эса пайғамбарға душманлық қилиб, унга қарши курашишади, унинг рисолатини озорлар билан қаршилашади. Агар унинг вазифаси бир қабила учун хос бўлса, озор ўша қабила томонидан келади. Агар унинг вазифаси бундан кенгроқ бўлса, турли хилдаги озорларга йўлиқади. Модомики, Мұҳаммад ﷺ бутун инсониятга келган экан, кўп қийинчиликлар кўради ва уларни кўтаради. Аллоҳ Таоло у кишини шунга тайёрлаган бўлади. Дарҳақиқат, аввалги пайғамбарлар ўз даъватларига яраша азоб чекканлар. Аммо Пайғамбаримиз ﷺ барча инсонларга келган ва у кишидан кейин рисолат келмайди. Шунинг учун бу пайғамбарға ва унинг рисолатига кўп қавмлар қарши чиқишади.*

Шунинг учун Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿وَلَقَدْ كُذِبَتْ رُسُلٌ مِّنْ قَبْلِكَ فَصَبَرُوا عَلَىٰ مَا كُذِبُوا وَأُوذُوا حَتَّىٰ أَتَهُمْ نَصْرًا وَلَا مُبَدِّلٌ لِكَلْمَدَتِ اللَّهِ وَلَقَدْ جَاءَكُمْ مِّنْ نَّبِيِّ الْمُرْسَلِينَ﴾

*(Маълумки, сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам ёлғончи қилингандар. Бас, то уларга Бизнинг ёрдамимиз келгунича ёлғончи қилингандарни ва озорланғандарига сабр қилгандар. Аллоҳнинг («Пайғамбарларимни Ўзим қўллагайман») деган сўзларини ўзгартира олгувчи бирон кимса йўқдир. Ахир сизга (эй Мұҳаммад), ўтган пайғамбарларнинг айrim хабарлари келган-ку!). Агар сиздан аввалги пайғамбарлар ёлғончи қилингандарни ва бунга сабр қилишган бўлса, улар ўз қавмлари ҳамда маълум бир ҳалқ ва маълум бир вақтга пайғамбар бўлишган. Сиз-чи эй пайғамбарлар сўнгиси, сиз барча одамларни замонлар учун пайғамбарсиз. Шунинг учун бу озорларни кўтаринг. Чунки Аллоҳ Таоло сизни ушбу вазифага лойик эканлигинизни билиб танлади. Ҳак Таоло ўз пайғамбарларига нусрат беришга кафил, шунинг учун У ёмонлик ва ботилни ўз пайғамбарлари устидан ғолиб келишига ташлаб қўймайди. Модомики, Аллоҳ Таоло пайғамбар юборган экан, албатта унга нусрат беради. Шунинг учун Аллоҳ Таоло бундай демоқда:*

﴿وَلَقَدْ سَيَّقْتُ لَكِمْنَا لِعِبَادِنَا الْمُرْسَلِينَ ﴿٤٦﴾ إِنَّهُمْ لَهُمُ الْمُنْصُرُونَ ﴿٤٧﴾ وَإِنَّ جُنَاحَنَا لَهُمْ  
الْغَلِيلُونَ﴾

«Шак-шубҳасиз улар құллаб-қувватлангувчилардир ва шак-шубҳасиз Бизнинг қүшинимиз (яни пайғамбарлар ва уларга имон келтирған кишилар) голиб бўлгувчи дирлар», деган сўзимиз ўтган-собит бўлгандир» [Соффат 171-173]

Аллоҳ Таолонинг пайғамбарлари голиб бўлиши ҳақидаги сўзлари собит бўлган экан, Аллоҳнинг сўзларини ҳеч ким ўзгартира олмайди ва ҳеч ким Аллоҳ қўйган асосларни хам ўзгартира олмайди. Бунга Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَلَا مُبَدِّلَ لِكَمْدِتِ اللَّهِ وَلَقَدْ جَاءَكَ مِنْ نَّيَّابِ الْمُرْسَلِينَ﴾

(Аллоҳнинг («Пайғамбарларимни йўзим қўллагайман») деган сўзларини ўзгартира олгувчи бирон кимса йўқдир. Ахир сизга (эй Муҳаммад), ўтган пайғамбарларнинг айрим хабарлари келган-ку!), деган сўзи далилдир. Дарҳақиқат, Ҳақ Субҳанаҳу ва Таоло ўз Пайғамбарига пайғамбарлар қиссаларини айтиб берди ва уларни ўз қавмлари ёлғончи қилганлари ҳақидаги сўз билангина чекланмади. Балки Ҳақ Таоло ўз Росулига Куръони каримда зикр қилинган ҳар бир пайғамбарга нима бўлгани ва уларнинг ҳар бири душманлари қаршисида сабот билан турганини зикр қилди. Сўнг ҳақ калимаси доим ғалаба қилганини баён қилди. Ҳақ Таоло пайғамбарлар ҳақидаги баъзи қиссаларни зикр қилар экан,

﴿مِنْهُمْ مَنْ قَصَصْنَا عَلَيْكَ وَمِنْهُمْ مَنْ لَمْ نَفْصُصْ عَلَيْكَ﴾

«Улардан Биз сизга ҳикоя қилиб берган кишилар ҳам бор, яна улардан Биз сизга ҳикоя қилмаган кишилар ҳам бордир» [Фоғир 78]

деди. Ҳақ Таоло шундан кейин айтяптиki,

﴿وَإِنْ كَانَ كَبُرَ عَلَيْكَ إِعْرَاضُهُمْ فَإِنْ أَسْتَطَعْتُ أَنْ تَبْتَغِي نَفَقَةً فِي الْأَرْضِ أَوْ سُلَمًا فِي السَّمَاءِ  
فَتَنَزُّلُهُمْ بِإِيمَانٍ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَجَمَعَهُمْ عَلَى الْهُدَى فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ الْجَاهِلِينَ﴾

(Агар сизга уларнинг юз ўғиришлари оғир ботиб (сабр қила олмасангиз), у ҳолда ерга (кириб кетадиган) бирон тешик ёки осмонга (чиқиб кетадиган) бирон нарвон истаб, уларга оят-мўъжиза (топиб) келтиришга қодир бўлсангиз (шундай қилаверинг). Агар Аллоҳ ҳоҳлаганида албатта уларни ҳидоят устида бирлаштирган бўлуп эди-ку! Бас, ҳаргиз

**жеоҳиллардан бўлманг!).** Яъни айтяптики, Эй Муҳаммад сизни Аллоҳ юборди, сиздаги манҳаж сиз олиб келган нарсанинг тўғрилигига далолат қилувчи мўъжизадир. Агар сизга уларнинг юз ўгиришлари оғир ботса, у холда ерга кириб кетадиган бирор тешик ёки осмонга чиқиб кетадиган бирон нарвон истаб, уларга оят-мўъжиза топиб келтиришга қодир бўлсангиз шундай қиласверинг. Лекин сиз бундай қила олмайсиз, чунки қудратингиз етмайди. Мушриқ ва мунофиқлар яқинда азобга дучор бўладилар, чунки сиз эй Росулуллоҳ, уларнинг вақтингчалик ҳукмронлик асосини йўқ қилиш ва имон адолатини ўрнатиш учун келдингиз. Шунинг учун улар сизни хақоратлаш ва азоблашга ҳаракат қиляпти. Дарҳақиқат, кофирлар Росулуллоҳ дан ерга кириб, у ердан булоқ чиқаришини ва осмонга чиқиб, уларни ҳалок қилиш учун осмонни бўлак-бўлак қилиб туширишини талаб қилишган эди. Лекин бу ишлар Росулуллоҳ нинг имкониятидаги нарса эмас эди. Шунинг учун Ҳақ Таоло у кишининг қайғу эшикларини беркитадиган ва уларнинг юз ўгирганликлари сабабли у кишида пайдо бўлган афсусланишни бартараф этадиган сўзларни айтди. Шунингдек, масхаралаш ва қарши чиқиш ҳар бир пайғамбарга нисбатан табиий масала эканини айтар экан, эй Муҳаммад сиз бунга лойиқсиз, чунки сизнинг вазифангиз барча пайғамбарларнидан улуғроқдир, дейди. Эътибор берадиган бўлсак, бу ерда Ҳақ Субҳанаҳу ва Таоло (ن)нинг жавобини ҳазф қилган (ўчирган). Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِنْ أَسْتَطَعْتُ أَنْ تَبْتَغِي نَفَقًا فِي الْأَرْضِ أَوْ سُلْمًا فِي السَّمَاءِ فَتَأْتِيَهُمْ بِأَيِّهِ﴾

**(У ҳолда ерга (кириб кетадиган) бирон тешик ёки осмонга (чиқиб кетадиган) бирон нарвон истаб, уларга оят-мўъжиза (топиб) келтиришга қодир бўлсангиз).** Ҳақ Таоло шуни қиласверинг демади, гўё масала Пайғамбарни тинчлантириш учун бўлганидек. Чунки бундай ҳолатда жавоб маълум, пайғамбар бирортасини имон келтиришга мажбурлай олмайди. Бу қавмнинг юз ўгиришлари вожибул вужуд (Аллоҳ)нинг истагидир, уларни синаш учун шундай қилди. Агар Аллоҳ уларни мажбуран бўйсундиришни истаганда эди, албатта шундай қилган бўлур эди, чунки ҳеч ким Аллоҳнинг истагини қайтара олмайди. Коинотнинг барчаси Аллоҳга итоат қилади. Куёш, Ой, Юлдузлар, ҳаво, сув, тоғлар ва Ер барчаси шу жумладан инсонга бўйсундирилган ҳайвонлар ҳам Аллоҳга итоат қилади. Лекин Аллоҳ Таоло инсонни муҳаббат билан

келиши учун ихтиёр берган. Биз биламизки, Ҳақ Таоло инсоннинг нарсаларни ўз кучи (махорати) билан бўйсундирмаганини, балки уларни яратган ва уларни инсонга бўйсундирган зот Ҳақ Таолонинг ўзи эканлигини исботлаш учун бўйсундириладиган баъзи нарсаларни бўйсунмаган ҳолда қолдирди. Шунинг учун улкан түяни ёш бола етаклаб кетаётганини ва ҳар қандай эркак қанчалик кучли бўлмасин, кичкина илондан қўрқаётгани ва ундан эҳтиёт бўлаётганини кўрамиз. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿أَوْ لَمْ يَرَوْا أَنَّا خَلَقْنَا لَهُمْ مِمَّا عَمِلْتُ أَيْدِيهِنَا أَنْعَمْنَا فَهُمْ لَهَا مَلِكُونَ وَذَلِكُنَّهَا لَهُمْ فِيهَا رَكُوبُهُمْ وَمِنْهَا يَأْكُلُونَ﴾

*«Ахир улар Биз учун Ўз (қудрат) қўлимиз билан қилган нарсаларни – чорва ҳайвонларини яратиб қўйганимизни – қўрмадиларми?! Мана улар ўша (ҳайвон)ларга эгадирлар. Биз ўша (ҳайвон)ларни уларга бўйсундириб қўйганимиз. Ана уларнинг минадиган нарсалари ҳам ўша (ҳайвон)ларданdir, ейдиган (таом)лари ҳам ўшаларданdir»* [Ясин 71-72]

Агар Аллоҳ уларни бўйсундириб қўймаганида ҳеч ким уларга яқинлаша олмас эди. Мен бир мисолни доим келтираман, яъни бирор, Аллоҳ пашшани нима учун яратган деса, тасаввуф аҳлидан бир киши, золим-зўравонларни хор қилиш учун яратди, чунки уларнинг ҳокимияти ҳар қанча кучли бўлмасин шу ҳашоратларчалик бўлолмайди, деган экан.

Ҳақ Таоло инсонга ҳукмронлик қадр қимматини берди, шунингдек, уни яратган олдида камтар бўлишга ўргатди. Сўнг Аллоҳ Таоло бундай дейдики,

﴿وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَجَمِعَهُمْ عَلَى الْهُدَىٰ فَلَا تَكُونُنَّ مِنَ الْجَاهِلِينَ﴾

*(Агар Аллоҳ хоҳлаганида албатта уларни ҳидоят устида бирлаштирган бўлур эдику! Бас, ҳаргиз жоҳиллардан бўлманг!).* Бошқача айтганда, Аллоҳ Таоло хоҳлаганида, барча одамларни мўмин қилган бўлар эди. Баъзида айтишади: нима учун Аллоҳ ўз Росулига

﴿فَلَا تَكُونُنَّ مِنَ الْجَاهِلِينَ﴾

*(Ҳаргиз жоҳиллардан бўлманг)* деяпти? Бунинг жавоби шуки, Аллоҳ Таоло ўз Росулига буни айтар экан, У буни Росулуллоҳда жоҳиллик бўлади деган гумонда айтмаяпти, чунки Росулуллоҳ жаҳолатдан маъсумдирлар. Лекин Аллоҳнинг ушбу каломида Росулуллоҳ ﷺнинг бу турдаги

жохиллардан бўлишдан бутунлай поклигини исботлаш мавжуд.  
Аллоҳ Таоло шундан кейин

﴿إِنَّمَا يَسْتَحِيْبُ الَّذِينَ يَسْمَعُونَ وَالْمُؤْمِنَ يَبْعَثُهُمُ اللَّهُ شَمَاء إِلَيْهِ يُرْجَعُوْنَ﴾

*(Албатта, эшига оладиган зотларгина (сизнинг даъватингизни) қабул қилурлар. Ўликларни (кофирларни) эса Аллоҳ тирилтирур. Сўнгра Ўзига қайтарилурлар) дейди.*

(Постыгип) калимасининг маъноси буюрувчининг амри ва қайтарувчининг нахийсига итоат қиласидир. Бу ерда (лаستجابة) билан (لاستجابة) ўртасида фарқ бор, чунки сизнинг талабингизга сиз ундан талаб қилаётган кишининг жавоб бериши ва уни сизга рўёбга чиқаришидир. (لاستجابة) эса сиз сўраган киши сиз айтаётган нарсани гарчи рад қилиб бўлсада сизга жавоб қилишидир. Баъзида жавоб сиз сўраганингизга тескари бўлиши мумкин. Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿إِنَّمَا يَسْتَحِيْبُ الَّذِينَ يَسْمَعُونَ﴾

*(Албатта, эшига оладиган зотларгина (сизнинг даъватингизни) қабул қилурлар). Яъни Ҳақ Таолонинг нидосини қабул қилаётганлар қулоқлари билан тинглаб, қалблари билан имон келтирганлардир. Чунки зоҳирда тинглаш, ботинда чекиниш бўлган ҳамда зоҳирда итоат, ботинда шу итоатга муҳаббат бўлган тинглаш ўртасида фарқ бор. Бизга маълумки, эшитилган нарсани қабул қилиш бир нарса ва инсоннинг эшитилган нарсага муносабати бошқа нарса. Яхши тинглаш муҳаббат туйғуси билан уйғуналашиб, инсон эшитган нарсаларни амалга ошириш учун қўшилса, мана шу имон талаб қилган нарсадир. Мўминлар Аллоҳнинг сўзларини муҳаббат туйғуси билан эшитадиган кишилардир. Улар сўзларни бир қулоғидан эшитиб, бошқасидан чиқариб юборадиган, уларни ҳаётда татбиқ қилмайдиган кишилардан фарқ қиласидар. Шундай қилиб, Аллоҳ Таоло инсонда уни имонга ёки куфрга йўналтирувчи қилиб яратганини кўрамиз. Масалан мўминнинг қулоғи тинглайди, қалби тасдиқлайди, ақли эса текширади ва у имон келтиради. Аммо кофирнинг қулоғи эшитади, қалби инкор қиласиди, ақли эса куфр сабабларини излаб, ўшангагина ҳаракат қиласиди. Шунинг учун унинг хис органлари ўз вазифаларини уйғун ҳолда бажармайди. Эшитиб, қабул қилмаётганлар гўё ўликлардир. Демак масала эшитишгагина чекланган эмас экан, балки туйғу билан эшитиш*

ва эшитилған нарсага бўйсуниш талаб қилинади. Қулок солмаган ва итоат қилмаган кимсани тўғрилашга Аллоҳ ожиз деб ўйламанг, чунки ҳеч нарса ва ҳеч бир мавжудот Аллоҳга тенг келолмайди. Чунки Аллоҳ Таоло ўликни тирилтирувчидир. Модомики ўликни тирилтирувчи экан, мажбуран имон келтиришни талаб қилмайди, балки ихтиёрий имон ва қаноатни талаб қилади. Агар Аллоҳ Таоло хоҳласа, уларга осмондан бир оят-мўжиза нозил қилади, шунда улар бўйсунган ҳолда эгиладилар. Лекин Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло қолипларни эмас, қалбларни талаб қилади. Демак имон ҳақиригини қабул қилаётганлар ҳақиқий тириклардир. Қабул қилмаётганлар эса ўлик ҳукмидадирлар. Улар ҳаёти тугаб ўлганларидан кейин Аллоҳ уларни дунё ҳаётида қилган ишлари ҳақида сўраш учун қайта тирилтиради. Қачон Аллоҳга қайтсалар ҳисоб-китоб қилинадилар. Бизга маълумки, қайтиш жойи охири ва доим Аллоҳгадир. Ким Аллоҳга қайтса-ю, амали гўзал бўлса, мукофоти ҳам гўзал бўлади ва уни завқу-шавқ билан қабул қилади. Аммо кимки Аллоҳнинг қаҳрига учраса, аламли азобга гирифтор бўлади. □

## ҚУРЬОННИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА (1)

- Абу Шурайх Хузоий رض айтади: Росулуллоҳ олдимизга чиқиб бундай дедилар:  
 «أَبْشِرُوا وَأَبْشِرُوا، أَئِنَّ تَشْهَدُونَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَئِنَّ رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالُوا: نَعَمْ، قَالَ: فَإِنَّ هَذَا الْقُرْآنَ سَبَبٌ، طَرْفُهُ بِيَدِ اللَّهِ، وَطَرْفُهُ بِأَيْدِيكُمْ فَتَمَسَّكُوا بِهِ، فَإِنَّكُمْ لَنْ تَضْلُلُوا وَلَنْ تَهْلِكُوا بَعْدَهُ أَبَدًا»

«Хурсанд бўлинглар, хурсанд бўлинглар! Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига ва мен Аллоҳнинг Росули эканимга гувоҳлик бераётган сизлар эмасмисиз? деган эдилар, биз «худди шундай» дедик. Шунда ул зот – Албатта бу Қуръон бир сабабдир, унинг бир тарафи Аллоҳнинг қўлида, иккинчи тарафи сизнинг қўлингизда. Шундай экан, уни маҳкам тутинглар. Маҳкам тутсангиз, ҳеч қачон адашмайсиз ва ҳалок бўлмайсиз». Ибн Ҳиббон ўзининг саҳих тўпламида, Ибн Абу Шайба ва Табаронийлар Кабирда, Байҳақий эса «Иймон шўйбалари»да чиқарган: саҳих ҳадис.

- Имрон ибн Ҳусайн رض ривоят қилишича, у бир кишининг олдидан ўтаётиб, унинг одамларга Қуръон ўқиб бериб, сўнг эвазига улардан пул сўраётганини кўриб қолади... Бу ҳолдан ҳайратланиб, «кинна лиллаҳи ва инна илайхи рожиун!», дейди. Сўнг бундай дейди: Мен Росулуллоҳ رضнинг бундай дегани эшитганман:  
 «مَنْ قَرَأَ الْقُرْآنَ فَلْيَسْأَلْ اللَّهَ بِهِ، فَإِنَّهُ سَيَّجِيُّ أَفْوَامَ يَقْرَءُونَ الْقُرْآنَ يَسْأَلُونَ بِهِ النَّاسَ»  
 «Ким Қуръон ўқиса, ўқигани учун Аллоҳдан эваз сўрасин. Чунки шундай қавмлар келадики, Қуръон ўкиб, ўқиганлари учун одамлардан эваз сўрашади». Термизий ҳамда Табароний Кабирда, Байҳақий «Иймон шўйба»ларида чиқарган: ҳасан ҳадис.

• Жобир ибн Абдуллоҳ айтади: Биз Қуръон ўқиётган эдик ва бизнинг орамизда аъробий ва ажамлар бор эди, шунда олдимизга Росулуллоҳ чиқиб бундай деди:

«اَفْرُوا فَكُلُّ حَسْنٍ، وَسَيِّجِيءُ اَقْوَمْ يُقْيمُونَهُ كَمَا يُقَامُ الْقِدْحُ يَتَعَجَّلُونَهُ وَلَا يَتَأْجُلُونَهُ»

«Қуръон ўқинглар, чунки ҳар бирингизниң қуръон ўқиши яхшиликdir. Яқинда шундай қавмлар келади, улар худди камонни ўқини түғрилагандек уни түғрилашади (яъни Қуръон ўқишни мақомига келтиришади). Лекин бу билан дунёни охиратдан афзал билишади ва савобни хоҳлашмайди». Абу Довуд ва Аҳмадлар чиқарган, Байҳақий «Иймон шўъба»ларида келтирган: ҳасан ҳадис.

• Абу Хурайра айтади: Росулуллоҳ менга бундай деган:

«أَنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ إِذَا كَانَ يَوْمُ الْقِيَامَةِ نَزَلَ إِلَى الْعِبَادِ لِيَقْضِيَ بَيْنَهُمْ، وَكُلُّ أُمَّةٍ حَاتَّيْهُ.  
فَأَوْلُ مَنْ يَدْعُوهِ رَجُلٌ جَمِيعُ الْقُرْآنَ وَرَجُلٌ يُقْتَلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَرَجُلٌ كَثِيرُ الْمَالِ، فَيَقُولُ  
اللَّهُ لِلْقَارِئِ: أَلَمْ أَعْلَمُكَ مَا أَنْزَلْتُ عَلَيْ رَسُولِي؟ قَالَ: بَلَى يَا رَبِّ، قَالَ: فَمَاذَا أَعْلَمْتَ  
فِيمَا عَلِمْتَ؟ قَالَ: كُنْتُ أَقْوَمُ بِهِ آنَاءَ اللَّيْلِ وَآنَاءَ النَّهَارِ، فَيَقُولُ اللَّهُ لَهُ: كَذَبْتَ، وَتَقُولُ  
الْمَلَائِكَهُ لَهُ: كَذَبْتَ، فَيَقُولُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: أَرَدْتَ أَنْ يُقَالَ: فُلَانٌ قَارِئٌ فَقَدْ قِيلَ.  
وَبُؤْتَى بِصَاحِبِ الْمَالِ فَيَقُولُ: أَلَمْ أُوْسَعْ عَلَيْكَ حَتَّى لَمْ أَدْعُكَ تَخْتَاجَ إِلَى أَحَدٍ؟ قَالَ:  
يَأَيُّهَا: فَمَاذَا عَمِلْتَ فِيمَا آتَيْتَكَ؟ قَالَ: كُنْتُ أَصِلُّ الرَّحْمَ وَأَتَصَدِّقُ، فَيَقُولُ اللَّهُ  
كَذَبْتَ، وَتَقُولُ الْمَلَائِكَهُ كَذَبْتَ، وَيَقُولُ اللَّهُ: بَلْ أَرَدْتَ أَنْ يُقَالَ: فُلَانٌ جَوَادٌ، فَقَدْ قِيلَ  
ذَلِكَ. وَبُؤْتَى بِالرَّجُلِ الَّذِي قُتِلَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَيَقَالُ لَهُ: فِيمَ قُتِلْتَ؟ فَيَقُولُ: أُمْرَتُ  
بِالجَهَادِ فِي سَبِيلِكَ فَقَاتَلْتُ حَتَّى قُتِلْتُ، فَيَقُولُ اللَّهُ: كَذَبْتَ، وَتَقُولُ الْمَلَائِكَهُ لَهُ  
كَذَبْتَ وَيَقُولُ اللَّهُ: بَلْ أَرَدْتَ أَنْ يُقَالَ: فُلَانٌ جَرِيءٌ فَقَدْ قِيلَ ذَلِكَ»

«Қиёмат куни бўлганда Аллоҳ Таоло бандалар ўртасида хукм қилиш учун уларнинг олдига тушади ва ҳар бир Уммат тиз чўкиб туради. Биринчи чақириладиган киши Қуръонни ёд олган, Аллоҳ йўлида ўлдирилган ва моли кўп киши бўлади. Аллоҳ қорига айтади: Мен ўз

Росулимга нозил қилган нарсамни сенга билдирамидими? У эса: Эй Роббим, худди бундай деб жавоб беради. Аллоҳ Таоло, сенга билдирилган нарсалар борасида нима амал қилдинг, деб сўрайди. У, кеча-ю кундуз унга амал қилдим, дейди. Шунда Аллоҳ ва фаришталар унга алдаяпсан, дейди. Сўнг, Аллоҳ, сен одамлар қори дейишларини хоҳладинг, дарҳақиқат одамлар бундай дейишди ҳам, дейди. Сўнг бойлик берилган киши олиб келинади ва Аллоҳ айтадики, сени бирортасига муҳтож бўлмайдиган қилиб ризқингни кенг қилиб қўймаганмидим? У, худди шундай, деб жавоб беради. Аллоҳ, сенга берган нарсам борасида нима амал қилдинг, дейди. У, қариндошлиқ ришталарини боғладим ва садақа қилдим, дейди. Шунда Аллоҳ ва фаришталар алдаяпсан, дейишади. Сўнг, Аллоҳ, сен бу ишни одамлар сени сахий дейишлари учун қилгансан, дарҳақиқат одамлар бундай дейишди ҳам, дейди. Кейин, Аллоҳ йўлида ўлдирилган киши келтирилади. Аллоҳ унга нима учун ўлдирилдинг, дейди. У, сенинг йўлингда жиҳод қилишга буюрилдим ва жиҳод қилиб, ўлдирилдим дейди. Шунда Аллоҳ ва фаришталар унга алдаяпсан, дейишади. Сўнг, Аллоҳ, сен одамлар жасур дейишларини хоҳладинг, дарҳақиқат одамлар бундай дейишди ҳам, дейди». Шундан сўнг Росууллоҳ менинг тиззамга уриб, эй Абу Ҳурайра, бу уч киши қиёмат куни дўзахда ёнадиган Аллоҳ Таолонинг биринчи бандалариdir, деди. Бу сахих ҳадис бўлиб, Термизий, Ҳоким ва Ибн Ҳиббонлар чиқарган.

• Абу Саид Худрий ривоят қилишича, бир киши келиб, менга насиҳат қилинг деди. Шунда у бундай жавоб берди: «Мен сиздан олдин Росууллоҳ дандан сўраган нарсани сўрадингиз. **Мен сени Аллоҳдан қўркишга насиҳат қиласман**, чунки бу ҳар бир нарсанинг бошидир. Яна сен жиҳодни маҳкам тут, чунки у Исломроҳиблигидир. Бундан ташқари, Аллоҳни доим эслаб юр ва Қуръонни тиловат қил, чунки у сенинг осмондаги рухинг ва ердаги зикрингдир». Имом Аҳмад чиқарган: ҳасан ҳадис.



- Абу Молик Ашъарий ривоят қилади: Росууллоҳ марҳамат қиладилар:

«الظَّهُورُ سُطْرُ الْإِيمَانِ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ قَلْأُ الْمِيزَانَ، وَسُبْحَانَ اللَّهُ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ قَلْأُنِ اُوْ قَلْأُ مَا يَنْ إِنَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ، وَالصَّلَاةُ نُورٌ، وَالصَّدَقَةُ بُرْهَانٌ، وَالصَّبْرُ ضِيَاءٌ، وَالْقُرْآنُ حُجَّةٌ لَكَ اُوْ عَلَيْكَ. كُلُّ النَّاسِ يَعْدُو فَيَائِعَ نَفْسَهُ فَمُعْتَقَهَا اُوْ مُوْتَقَهَا»

«Поклик имоннинг ярмидир, Аллохга ҳамд айтмоқ тарозини тўлдиради, Субҳаналлоҳи валҳамдуиллаҳи еру осмон ўртасини тўлдиради, намоз нурдир, садақа бурҳон-хужжатдир, сабр зиёдир, Қуръон ё фойдангизга ёки зарарингизга хужжатдир. Ҳар ким йўлда давом этар экан, ё ўзини (Аллохга сотиб, дўзахдан) кутқаради ёки (шайтонга итоат қилиш билан дўзахга) улоқтиради». Муслим, Ибн Ҳиббон ва Насойи чиқарган. Термизий Куброда келтирган. Ибн Можжа отасидан ривоят қилган.

- Анас ибн Молик رض ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ айтади:

«إِنَّ اللَّهَ أَهْلِينَ مِنَ النَّاسِ، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، مَنْ هُمْ؟ قَالَ: هُمْ أَهْلُ الْقُرْآنِ، أَهْلُ اللَّهِ وَحْاصَتَهُ»

«Одамлар ичиди Аллоҳнинг икки хил дўстлари бор. Шунда, эй Аллоҳнинг Росули улар кимлар деб сўрашди. Росууллоҳ ﷺ, улар Қуръон ахли ва Аллоҳнинг маҳсус дўстлари деди». Ибн Можжа, Аҳмад, Дорамий чиқарган. Таёлисий Мұснадда келтирган: сахиҳ ҳадис.

- Абу Умома Боҳилий رض ривоят қилади: Мен Росууллоҳ ﷺни бундай деб айтиётганини эшигтанман:

«اَقْرُوْا الْقُرْآنَ فَإِنَّهُ يَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ شَفِيعًا لِأَصْحَابِهِ، اَقْرُوْوَا الرَّهْوَانِ الْبَقَرَةَ، وَسُورَةً آلِ عِمَرَانَ، فَإِنَّهُمَا تَأْتِيَانِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ كَانُهُمَا غَمَامَتَانِ، اُوْ كَانُهُمَا غَيَّاْيَتَانِ، اُوْ كَانُهُمَا فِرْقَانِ مِنْ طَيِّرِ صَوَافَّ، تُحَاجَّانِ عَنْ أَصْحَابِهِمَا، اَقْرُوْوَا سُورَةَ الْبَقَرَةِ، فَإِنَّ اَحْدَهَا بَرَكَةٌ، وَتَرَكَهَا حَسْرَةٌ، وَلَا تَسْتَطِعُهَا الْبَطَلَةُ»

«Қуръон ўқинглар, чунки у қиёмат куни ўз эгасини шафоат қилган ҳолда келади. Икки нур бўлмиш Бақара ва Оли Имрон сураларини ўқинглар, чунки улар қиёмат

куни гўё икки булат бўлиб ёки соя бўлиб ёки ўз эгаларини химоя қиладиган қанот қоқувчи қушларнинг тўдаси бўлиб келади. Бақара сурасини ўқинглар, уни олиш барака, тарқ қилиш надоматдир. Ботиллар уни хеч нарса қила олмайди», деди. Муовия айтади: менга етиб келишича ботиллар сеҳргарлардир. Муслим ўз саҳих тўпламида, Аҳмад хамда Байҳақий ўзининг Суғро китобида, Табароний Авсатда чиқарган: саҳих ҳадис.

• Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ «أَحِبُّ أَحْدُكُمْ إِذَا رَجَعَ إِلَى أَهْلِهِ أَنْ يَجِدَ فِيهِ ثَلَاثَ حَلْفَاتٍ (جَمْعٌ حَلْفَةٌ، وَهِيَ الْحَامِلُ مِنَ النُّوقِ، وَهِيَ مِنْ أَعَزِّ أَمْوَالِ الْعَرَبِ) عِظَامٌ سِعَانٌ؟ قُلْنَا: نَعَمْ، قَالَ: فَثَلَاثُ آيَاتٍ يَقْرَأُ هِنَّ أَحَدُكُمْ فِي صَلَاتِهِ، حَيْرٌ لَهُ مِنْ ثَلَاثَ حَلْفَاتٍ حَلْفَاتٍ عِظَامٌ سِعَانٌ»

«Сизлардан бирортангиз уйига қайтса, учта семиз ва суяқдор туяси бўлишини истайдими, деб сўради. Саҳобалар, ҳа, деб жавоб беришиди. Шунда Пайғамбар ﷺ, кишининг ўз намозида уч оятни ўқиши учта семиз суяқдор туядан афзал, деди». Муслим, Ибн Можжа, Аҳмад ва Дорамий чиқарган: саҳих ҳадис.

• Абдуллоҳ ибн Амр رض ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ айтади:

«يُقَالُ لِصَاحِبِ الْقُرْآنِ: إِفْرًا وَارْتِقِ وَرِتَلْ كَمَا كُنْتَ تُرِتَلُ فِي الدُّنْيَا، إِنَّ مَنْزِلَتَكَ عِنْدَ آخِرِ آيَةٍ تَقْرُؤُهَا»

«Соҳиби Қуръонга айтилади худди дунёда тартил қилиб ўқиганингдек тартил билан ўқи. Чунки сенинг мақоминг охирги ўқиган оятингдадир». Термизий ва Абу Довуд чиқарган: саҳих ҳадис. □

## **ХАЛИФА УМАР ИБН АБДУЛАЗИЗ ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР**

**Юсуф Абу Ислом**

Мусулмонларнинг аҳволи ва бошдан кечираётган фожиаларига назар ташлаган киши Умматнинг Халифаликка қанчалик муҳтожлигини тушунади. Чунки Халифалик дин ва дунёни сақлаган эди, яъни унинг адолатидан дарахт ва ҳайвонлар баҳра олган. Мусулмонлар Халифаликнинг рошид ва золим даврларини бошдан кечиргандар. Бугун эса улар зўравон бошқарувнинг оловида куймоқдалар. Улар Аллоҳнинг ваъдаси ва Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифаликнинг қайтиши ҳақидаги Пайғамбаримизнинг хушхабарини интиқлик билан кутмоқдалар.

Аммо Ғарб ҳазоратидан таъсирланган кўплаб мусулмон фарзандларига боқсангиз, Ғарб ҳаётига ўзлари излаётган ўзгартиришнинг ўлчови сифатида қарашаётганини кўрасиз. Шунингдек, уларнинг мусулмон юртлардаги чириган вазиятларга қарши бош кўтариб, демократия, фуқаролик давлати, ҳокимиятни тинч йўл билан ўtkазиш ва бошқа ялтироқ шиорларни кўтараётганини ҳамда бу шиорлар Исломдан қанчалик узоқ эканини тушунмаётганига гувоҳ бўласиз. Бундан ташқари, улар ўн уч асрдан кўпроқ Ислом адолати билан дунёга ҳукмронлик қилган Исломий Уммат Аллоҳнинг ёрдами билан яна бир бор дунё етакчилигига қайтишга қодир экани ва Умматга пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик орқали яна имконият берилиши ва ер юзида халифа бўлиши борасида ваъда берилганини ҳеч ўйлаб кўрмаётганини ҳам биласиз.

Демак, Умматнинг Робби ваъдасига ва пайғамбарининг хушхабарига ва қайта уйғонишга қодирлигига ишончини тиклаш зарур. Шунингдек, Аллоҳ Таолога ва Унинг бу Умматга нусрат беришига бўлган ишончини қайтариш ҳамда яҳшилик қиёматгача бу Умматда бўлиши ва ҳар қандай Халифалик эмас, балки Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик ваъда қилингани ва фарз вақти келгани, уни бажаришда бепарволик қилиш жоиз эмаслиги ҳақидаги ишончини тиклаш зарур. Бундан ташқари, мусулмонлар бўлажак халифанинг сийрати аввалги рошид Халифаларнинг сийрати каби бўлиши, хусусан адолат халифа Умар ибн Абдулазиз роҳимаҳуллоҳнинг сийрати каби бўлишини билишлари керак.

Биз Халифаликка маълум даражада зулмат қоплаган замонда келган Умар ибн Абдулазизнинг сийратини варақлаш билан мусулмонларнинг қалбида қайта умид уйғотмоқчимиз. Шу орқали уларда ўзларининг кўхна мозийларини соғиниб-қумсаб, уни қайтариш учун оёққа туришларини истаймиз. Аллоҳ Таолодан бизни ушбу мақсадимизга муваффақ айлашини ва тез орада Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик билан бизни сийлашини сўраймиз. Албатта Аллоҳ эшитгувчи ва ижобат қилгувчидир.

### **Бешинчи рошид Халифа Умар ибн Абдулазиз**

У Абу Ҳафз Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон ибн Ҳакам Умавий Қурайшийдир. 61 ҳижрий, 681 милодий санада туғилиб, 101 ҳижрий, 720 милодий санада вафот этган. У Умавий халифаларнинг саккизинчиси бўлиб, 61 ҳижрий санада, Мадинаи Мунавварада туғилди ва Умар ибн Ҳаттобнинг оиласидан бўлган тоғалари орасида улғайди. Умар ибн Абдулазиз тоғалари ва Мадинадаги саҳобалар жамиятидан таъсирланди. У илм олишга жуда қизиқарди. 87 ҳижрий санада халифа Валид ибн Абдулмалик уни Мадинаи Мунавварага волий қилиб тайинлади. 91-йилда эса унга Тоиф вилоятини ҳам кўшиб берди. Шу кундан бошлаб бутун Ҳижоз ерига волий бўлди. Сўнг волийликдан олингач, Дамашққа кўчди. Сулаймон ибн Абдулмалик халифа бўлгач, уни ўзига яқин олиб, вазир ва маслаҳатчи қилди. Сўнг уни валиаҳд қилди ва 99-йилда Сулаймон вафот этгач, Умар ибн Абдулазиз халифа бўлди.

Умар ибн Абдулазиз ёшлиқ чоғиданоқ илм олишга қаттиқ қизиқди. У уламолар орасида мутолаа ва музокара қилишни яхши кўрарди. Мадинадаги илм мажлисига ҳам кўп қатнар эди. Мадина ўша пайтда уламолар, фақиҳлар, солиҳлар билан тўлиб тошган илм ва тўғрилик чироғи эди. Ёш бўлишига қарамай, илмга чанқоқ бўлди. Умар ибн Абдулазизнинг онглилигидан биринчи кўзга ташланадиган нарса унинг илмга бўлган қизиқиши ва адабиётга бўлган иштиёқи эди. У ёшлигидаёқ Қуръонни ёд олди, бунда унга қалбининг мусаффолиги, ўткир ёд олиш қобилияти ҳамда илм излашга, ёд олишга тўла фидоийлиги ёрдам берди. У Қуръондан қаттиқ таъсирланди. Ёш бўлишига қарамай, ўлимни эсласа йиғлар эди. Онаси унинг йиглашини кўргач, нима учун йиглаяпсан деб сўради. У – ўлимни эслаб, деб жавоб қилди. Шунда онаси ҳам йиглаган эди.

Умар ибн Абдулазиз тақво ҳукмрон ва илмга бўлган талаб кучли бўлган жамиятда яшади. Дарҳақиқат, Мадинада ҳали ҳам бир неча саҳоба бор эди. Умар ибн Абдулазиз Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толибдан, Соиб ибн Язиддан, Саҳл ибн Саъдан ҳадис ривоят қилган. Саҳл ибн Саъдан Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ ичган косани совға қилиб олган. Бир куни Умар ибн Абдулазиз Анас ибн Моликка имомлик қилган... Ўшанда Анас ибн Молик «бу йигитдан кўра Росууллоҳнинг намозига ўхшаб намоз ўқиган ҳеч кимни кўрмадим», деган.

Умар ибн Абдулазиз Мадинанинг кибор уламолари ва фақиҳлари қўлида тарбияланди. Абдулазиз (Умарнинг отаси) уни Солиҳ ибн Кайсон тарбиясига берди. Солиҳ ибн Кайсон унинг тарбиясига бош қош бўлди. Умар фарз намозларни доим масжиdda ўқишига одатланди. Бир куни Умар жамоатдан кеч қолган эди, Солиҳ ибн Кайсон ундан нима сабабдан ушланиб қолдинг, деб сўради. Шунда у, сочимни тараётган эдим, деди. Солиҳ, менга айтишларича сен намоздан кўра соч тарашни ёқтирап экансан, деди. Солиҳ бу ҳақида Абдулазизга мактуб ёзган эди, у ўғлига одам юбориб, сочини олдириб юборди. Отаси ҳаж қилиб, Мадинага борган эди Солиҳдан ўғли ҳақида сўради, шунда у, «Бу боладан кўра қалбida Аллоҳни буюк деб биладиган ҳеч кимни кўрмадим», деди.

Умар ибн Абдулазиз таъсирланган уламолардан бири Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуддир. Умар уни жуда хурмат қилар, одоб ахлоқи билан юрар ва Мадина амири бўлган пайтларда ҳам унга тез-тез бориб турар эди. Умар ўз шайхига қойил қолганини изҳор қилиб, унинг мажлисларига тез-тез бориб турар экан, «Кўзи кўр Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуднинг мажлисига бориш мен учун минг динордан яхши», деган эди. Ўша пайтда Убайдуллоҳ Мадинанинг муфтийиси ва етти фақиҳнинг бири эди. Имом Зухрий у ҳақда «Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ илм денгизларидан бири эди», деган.

Умар ибн Абдулазиз Мадинага волий бўлгач, «Мадина ўн фақиҳ кенгаши» номли маслаҳат кенгашини тузди. Одамлар Мадинанинг янги амири билан учрашиш учун келгач, Умар улар билан намоз ўқиди ва Мадинанинг ўнта фақиҳини чақирди. Улар (Урва ибн Зубайр, Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба, Абу Бакр ибн Абдурраҳмон ибн Ҳорис ибн Ҳишом, Абу Бакр ибн Сулаймон ибн Абу Ҳайсама, Сулаймон ибн Ясор,

Қосим ибн Мұхаммад, Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар, унинг акаси Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Омир ибн Робиа ва Хорижа ибн Зайд ибн Собитлар) эди. Улар Умарнинг хузурига кириб, ўтиришди. Умар шу ишга муносиб қилгани учун Аллоҳга ҳамду сано айтиб, сўнг бундай деди: «Мен сизлар унга кўра ажр оладиган ва Ҳақнинг ёрдамчиси бўладиган ишга чақирдим. Мен ҳар бир ишда фақат сизнинг фикрингиз ва сизлардан ҳозир бўлганларнинг фикри билангина карор қилмоқчиман. Агар бирор кишининг ҳаддидан ошганини эшитсангиз ёки омилларимдан бири зулм қилганини билсангиз, менга бу ҳақда хабар бермаганни Аллоҳ ишини қийинлаштирасин».

Умар ибн Абдулазизнинг халифалиги бир неча хусусиятлари билан ажраб турар эди, жумладан: адолат ва тенглик. У ўзидан олдинги Умавий халифаларнинг қилган зулмларига чек қўйди, золим волийларни ишдан олиб, жазолади, маслаҳат кенгашини қайта тиклади. Шунинг учун қўпчилик уламолар уни бешинчи рошид халифа деб аташди. Бундан ташқари, у шаръий илмларга эътибор бериб, Пайғамбаримиз ҳадиси шарифларини девон қилишга буюрди.

Умар ибн Абдулазизнинг Халифалик даври икки йил, беш ой ва тўрт кун давом этди. У 101 ҳижрий санада заҳарланиб ўлдирилди. Ундан кейин Язид ибн Абдурмалик халифа бўлди. Малик ибн Динор у ҳақда бундай деган эди: «Одамлар мени зоҳид дейишади, аммо зоҳид Умар ибн Абдулазиз бўлади. Чунки унга дунё берилганда у дунёни тарқ этди».

Ривоят қилинишича, Умар ибн Абдулазизнинг вилоятларидан биридаги омилларидан бири унга шаҳарнинг вайронагарчиликка учраётганидан шикоят қилиб, уни мустаҳкамлаш учун пул сўраб хат ёzádi. Шунда Умар унга бундай мактуб ёzádi: «Ёзган мактубингизни тушундим. Агар менинг мактубимни ўқисангиз, шаҳрингизни адолат билан сақланг, унинг йўлларини зулмдан тозаланг, чунки мана шу уни вайрон бўлишидан сақлайди».

Зоҳид ва волийларни насиҳат қилгувчи халифа Умар ибн Абдулазиз бу кисқа сўзлар билан волийларни адолат қилиш ва зулмни тарқ этишга чақирап эди. У бундай деган эди: «Подшоҳ қўшин билан, қўшин пул билан, пул давлат билан, давлат фуқаролар билан, фуқаролар адолат билан бўлади. Барча амирлар учун пулдан кўра адолат афзалдир, ҳатто Мадинанинг ўзи учун ҳам».



Умар ибн Абдулазизга айтишдики, эй амирул мўминин, кўлингизда мол давлат бўла туриб, уйингизда ўзингиз ва оилангиз учун зарур нарсаларни кўрмаяпмиз дейишди. Шунда у бундай деди: «Кўчиб кетадиганимиз бир ҳовлиниңг уйлари безалмайди. Бизнинг энг яхши нарсаларимизни олиб кетадиган ҳовлимиз бор, биз яқинда у ерга кетамиз».

Тафаккурга чорловчи яна бир ҳолат, Умарга Халифалик келганида ўзини қандай тутди? Қаттиқ хурсанд бўлдими?

Қачонки Умар ибн Абдулазизга халифа бўлганлиги ҳақидаги хабар келгач, юраги тўлиб йиглади. Уламолар уни биринчи сафга ўтқизишиб, минбарга чиқаришганда қалтиради, титрарди. Уни одамлар олдига ўтқазиб қўйишгач, йифидан гапира олмади. Сўнг: «Байъатингиз ўзингизда қолсин, мен Халифаликни истамайман», деди. Шунда одамлар ҳам йиглади ва «биз сиздан бошқасини истамаймиз», дейишди. Ўшанда халифа сўз бошлаб, уларга ўлимни ва Аллоҳга йўлиқишини эслатди. Ўтганларнинг борадиган жойини эслатганда масжиддаги барча одамлар йиглади.

Мўминлар амирининг Халифаликка киришганда қилган биринчи ишини ўқиганимизда, суякларимиз қалтирайди ва Халифаликка мажбур келтирилган киши билан, Халифаликка қизиқиб келган кимса ўртасидаги фарқни билиб оламиз.

Умар ибн Абдулазиз Дамашқда одамлар орасидаги бир кулбага жойлашди, бу билан мискин ва бева-бечораларга яқин бўлишни мақсад қилди. Кейин ўз рафиқаси Фотимани ҳам олиб келди. Яъни халифанинг қизи, халифанинг синглиси ва халифанинг (ўзининг) рафиқасига бундай деди: «Эй Фотима, дарҳақиқат, мен Мұхаммад ﷺ Уммати ишига раҳбар бўлдим... Сизларга маълум, мен Умар ҳукм юритаётган харита шарқдан Синдан Фарбдаги Работгача, шимолдан Туркистондан жанубдаги Африка жанубигача чўзилади... Бас, агар Аллоҳ ва охират ҳовлисини истасанг тақинчоқ ва тиллаларингни байтул молга топшир. Агар дунёни истасанг, сенга дунёнинг энг яхши матоларидан олиб бераман отангникига кет». Шунда Фотима: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, ҳаётим ҳам ўлимим ҳам сиз билан», деди. Сўнгра тилла ва тақинчоқларини берди, халифа Умар уларни мусулмонлар хазинасига кўшиб қўйди.

Умар ибн Абдулазиз камбағал ҳолда ҳаёт кечирди. У арпа нонини ёкка ботириб ер ва эрталаб кўпинча бир ҳовуч майиз билан нонушта қилар эди. У фарзандларига «бу жаҳаннам оловидан яхши...», дер эди.

Бир куни у Байтулмолни зиёрат қилиб борганди димоғига ширин хид урилди ва дарҳол бурнини тўсиб олди. Унга, сизга нима бўлди? – деб сўрашган эди, у «Аллоҳ Таоло қиёмат куни нега Байтулмолдаги мусулмонларнинг шириналаридан ҳидладинг деб сўраб қолишидан қўрқаман», деб жавоб қилди... Ҳа, унинг тақвоси шу даражада юксак, мустаҳкам ва чукур эди!

Умар ибн Абдулазиз вафот этганда одамлар унинг аёли Фотимага унинг сифатларидан айтиб беришни сўрашади ва аёли бундай дейди: «Аллоҳга қасамки, у тунда ухламасди. Аллоҳга қасамки, бир куни тунда унинг олдига борсам, ёмғирга ботган чумчукдек йиғлаб титраётганини қўрдим. Эй мўминлар амири, сизга нима бўлди десам, бундай деганди: «Менга нима бўларди! Мен Мухаммад нинг Уммати ишига раҳбар бўлдим. Уларнинг орасида ожиз, ҳолсиз, машаққат чеккан камбағал, оч мискин, бевалари бор. Шундай бўлгач, қандай йиғламайин, ахир Аллоҳ яқинда қиёмат кунида мендан уларнинг барчаси ҳақида сўрайди-ку, қандай жавоб бераман?!».

Халифа Сулаймон Умар билан бирга Будий деган жойга боришади, у ерни чақмоқ ва момақалдироқлардан иборат булат қоплади... Шунда Сулаймон ва у билан бирга бўлганлар қўрқиб кетишиди. Умар эса «бу неъматнинг овози, агар азоб овози келса нима қиласизлар?!», деди. Шунда Сулаймон, мана бу юз минг дирҳамни олгин-да, уни садақа қилиб юбор, деди. Умар, эй мўминлар амири, бундан ҳам яхшироқ нарса бор, деди. «Нима у», деб сўради Сулаймон. Умар, шикоятлар йўллагану, лекин сизга шикоятлари етиб бормаган кишилар бор, деди. Шунда Сулаймон ўтириб, шикоятларни ҳал қилди.

Умар ибн Абдулазиз мўминлар амирлигига ўтирганда биринчи қилган иши улуғ уламолардан унга панд насиҳат қилишларини сўраш ва ушбу вазифа уни Роббисининг ишидан буриб қўймаслиги учун насиҳат олиш бўлди. Хўш, бу соҳада у нима қилди?...

Ҳасан Басрийга насиҳат сўраб мактуб йўллади ва бундай жавоб олди:

«Эй мўминлар амири, одил имомнинг мисоли фарзандларига нисбатан ғамхўр ота кабидир. Ёшликларида улар учун саъй-харакат қиладиган, улғайганларида таълим берадиган, ҳаётлик чоғида уларга ёзиб бериб, ўлганидан кейин ҳам уларга бир нарсалар қолдирадиган ота кабидир. Одил имом, эй мўминлар

амири, мисоли фарзандига меҳрибон солиҳа онага ўхшайди. Яъни унга қийналиб ҳомиладор бўладиган ва уни қийналиб тугадиган, уни гўдаклигидан тарбия қиласидиган, боласи ухламаса, бедор бўладиган, ором олса, ором оладиган, гоҳида эмизиб, гоҳида сутдан ажратадиган, унинг сиҳат-саломатлигидан қувонадиган ва шикоятларидан ачинадиган меҳрибон онадир. Одил имом, эй мўминлар амири, етимлар васийсиdir, мискинларни ҳомийси, болалигидан тарбиячисидир. Одил имом, эй мўминлар амири, аъзолар ўртасидаги юракка ўхшайди, юрак яхши бўлса аъзолар ҳам яхши бўлади, у бузилса, бошқа аъзолар ҳам бузилади. Одил имом, эй мўминлар амири, Аллоҳ билан бандалари ўртасида туроди, Аллоҳнинг сўзларини эшитиб, бандаларга эшиттиради. Аллоҳга юзланади ва уларга ҳам Аллоҳга юзлантиради, уларни бошқариб, Аллоҳ томон етаклайди. Шундай экан, эй мўминлар амири, сизга Аллоҳ берган нарсада хўжайини омонат қилиб қўйган ҳамда болалари ва оиласи учун сақлашни сўраган, лекин у хўжайининг омонат қолдирган оиласини исроф қилган, уларни қашшоқ қилган ва мол мулкини бўлиб ташлаган кимсага ўхшаманг».

### **Халифа Умар ибн Абдулазизнинг волий ва амирларни танлашдаги ўлчови:**

Умар ибн Абдулазиз  халифа бўлгач, келиб, дарвозабонни рад этди ва «Сен керак эмассан», деди. У нега, деган эди. Умар бундай деди: «Мен сени Валид ибн Абдулмалик даврида одамлар қуёшда ишлаганида чодир соясида беркинганингни кўрганман. Аллоҳга қасамки, сен менга ҳеч қачон дарвозабон бўлмайсан. Эй заҳматкаш инсон, кел, сен менинг дарвозабоним бўл, чунки мен сени кўп Куръон ўқиётганингни ва фақат Аллоҳ кўрадиган жойда зухо намози ўқиганингни кўрганман».

Умар одамларни тақвоси билан ўлчар эди... Унга учта ёш йигит келган эди, биринчисига, кимнинг ўғлисан, деди. У – мен Валидинг даврида амир бўлган кишининг ўғлиман, деди. Умар, ўзинг ҳам, отанг ҳам бундан узоқроқ юрсин, чунки отанг одамларни саваларди. Иккинчисига, сен кимнинг ўғлисан деган эди, у, Кўфа волийсининг ўғлиман, деди. Умар, мени ўзинг ва отангдан узоқроқ ушла, деди. Учинчисига, сен кимнинг ўғлисан, деб сўраган эди, у қуйидаги сўзларни айтди: Мен Қатода ибн Нўймоннинг, яъни Уҳуд жангидаги кўзи зарб еб, чаккасига оқиб тушган, кейин Муҳаммад  кўзини жойига

қайтариб, иккинчи кўзидан ҳам равшанроқ кўзга айлантирган инсоннинг ўғлиман. Йигит худди шу айтганларининг мазмунида шеър ўқиди. Бундан Умар ибн Абдулазиз йиглади ва у ҳам шеър айтди. Шеърида йигитдаги гўзал ахлоқни мисоли табиий сутга ўхшатди, яъни ҳали косага қуилиб, сўнг ичилиб, бавлга айлантирилмаган тоза сутга...

Сўнг деди: Ким фаҳрланишни истаса, сен каби фаҳрлансин. Зеро, сенинг насабинг олий, ўзинг қаҳрамон ва тақво эгасисан...

**Халифа Умар ибн Абдулазизнинг ўз омилларидан бирини Байтулмолдан бир динорни йўқотиб қўйгани учун муҳосаба қилиш:**

– Росулуллоҳ ﷺ

«رَبُّ مُتَخَوَّضٍ فِي مَا لِلَّهِ فِيمَا شَاءَتْ نَفْسُهُ لَهُ الْأَنْزَالُ غَدَّاً»

«Аллоҳнинг молини нафси истагандек тасарруф қиласиган баъзи кишилар борки, улар учун эртага жаҳаннам бордир», деганлар.

– Ваҳб ибн Мунаббиҳ Яманда Байтулмолга омонатчи эди. Ваҳб Умар ибн Абдулазизга хат ёзиб, «Мен мусулмонларнинг Байтулмолидан бир динор йўқотиб қўйдим», деди.

Шунда Умар ﷺ унга бундай деб мактуб ёзди: «Мен сени дининг ва омонатинг борасида айбламайман, лекин эътиборсизлик ва исрофгарчиликда айблайман. Мен мусулмонларнинг моллари устида хужжатлашаман. Бас, зиммангда қасам ичмоқ бор». Ваҳбга йўқотган молни қайташга буюрди ва у ўз молидан қайтарди.

Умар унга гўё бу динорни эътиборсизлик ва бепарволик қилмасдан зое кетказганинг ҳақида барча мусулмонларга Аллоҳни ўртага қўйиб қасам ичасан деди... Ибн Жавзий, Умар ибн Абдулазиз сийрати ва сифатлари китоби, 105-саҳифа.

– Ато Хурросоний айтади: Умар ибн Абдулазиз хизматкорига сув иситиб беришини буюрган эди, у бориб умумий ошхонадаги қозонда сув иситди. Шунда Умар унга бир дирҳам олиб ошхонага қўйишга буюрди.

– Ваҳб ибн Вирд айтади: Умар ибн Абдулазиз мискин, бечора ва мусофиirlарни таомлантириш учун ҳовли олди ва ҳовли эгаларига келиб, сизлар бу ҳовлидан овқатланманглар, чунки у мискин ва бечоралар учун, деди. Бир куни чўрини қўлида сути бор идиш билан кўриб қолди. Умар унга бу нима деган эди, чўри жавоб қилди: Маълумингизки, аёлингиз

ҳомиладор ва сут ичкиси келибди. Аёл киши ҳомиладор бўлиб, бир нарса егиси келса ва емаса, қорнидагиси тушиб қолиш хавфи бор. Шунинг учун бу сутни шу ҳовлидан олдим, деди. Шунда Умар чўрининг қўлидан ушлаб, хотини томон борди ва баланд овоз билан «агар унинг қорнидагини мана шу мискинлар ва бечораларнинг таоми олиб қолса, Аллоҳ уни тушириб юбораверсин» деди. Сўнг хотинининг олдига кирган эди хотини унга, сизга нима бўлди, деди. Шунда Умар, хизматкор ўйлаяптики, қорнингдагини мискин ва бечораларнинг таоми олиб қолади деб. Агар шу олиб қолса, Аллоҳ уни тушириб юбораверсин, деди. Шунда хотини чўрига –холинггавой бўлсин, уни қайтар, мен уни ичмайман, деди. Чўри уни қайтариб ўрнига қўйди.

### **Халифанинг шахсий мақсадлари учун давлат маркабларидан фойдаланиш:**

Умар ибн Абдулазиз  асални яхши кўрап эди. Бир куни уйидагилардан асал сўради. Лекин уйида асал йўқ эди. Сўнг асал келтиришган эди, ундан еб асални ёқтириди ва оиласидан уни қаердан олдингиз деб сўради. Шунда хотини, мен чўримга икки динор бериб, сарой хачирида асалга юборган эдим, у асал олиб келди, деди. Умарга тўла асал қуйилган ўша идишни олиб келишди. Умар уни қимматроққа сотиб, аёлига пулини қайтариб берди ва ортиб қолган пулни мусулмонлар ҳазинасига қўйиб, «мусулмонларнинг хачири Умарнинг истаги учун хизмат қилибди», деди.

### **Умар ибн Абдулазизнинг эҳтиёжмандларга нисбатан тутган ажойиб позицияси:**

Умар ибн Абдулазиз нинг саховатпешалигини кўрсатган кўплаб позициялар бўлганки, уларда бири муҳтоjlар воситачисиз ёки дарвозабоннинг рухсатини кутмасдан, тўғридан-тўғри мўминлар амирининг эшигини қоққанлар. Бу вазиятларда Умар ибн Абдулазизнинг раҳм шафқати ва буюклиги яққол намоён бўлган. Кўйида ушбу позициялардан айримларини келтириб ўтамиз:

- Мўминлар амири жанозага келар экан, муҳтоj киши ундан эҳтиёжини сўрайди:**

Омир ибн Убайдадан ривоят қилинишича, Умар ибн Абдулазиз томонидан биринчи инкор қилинган нарса шундай бўлган эди. Бир куни у жанозага чиққанди, унга халифалар жанозага чиққанда ўтирадиган бурд олиб келишди. Лекин Умар уни улоқтириб оёғи билан тепди ва ерга ўтириди.

Одамлар бу нима, дейиши. Шунда бир киши келиб, эй мўминлар амири, муҳтожлигим кучайиб, фақирлик мени тугатди. Аллоҳга қасамки, у сиздан мана шу ҳолатим ҳақида сўрайди, деди... Умар ибн Абдулазизнинг қўлида таянадиган таёқ бор эди. У, айтганларингни яна такрорла деди. Киши яна такрорлади: Эй мўминлар амири, эҳтиёжим кучайиб, қашшоқлик мени тугатди. Аллоҳга қасамки, У сендан шу ҳолатимиз ҳақида сўрайди, деди. Шунда Умар йиғлади ва унинг кўз ёшлари таёқдан оқиб тушди... Кейин унга, оиласиз қай аҳволда деб сўради. У – мен, хотиним ва уч болам бор, деди. Шунда Умар, биз сиз ва оиласиз учун ўн динор ажратамиз ҳамда ўз молимдан икки юз, Аллоҳнинг молидан уч юз, жами беш юз амр қиласиз, сизга белгиланган пул чиқмасдан туриб, буларни олишиниз мумкин, деди.

#### **Яна бир бошқа позицияси:**

- **Қизлари бор бир ота мўминлар амирига йиғлади:**

Мусо ибн Муғаййир айтади: Риёҳ ибн Убайд Боҳилийни бундай деганини эшитганман: Умар ибн Абдулазиз хузурида эдим, бир аъробий келиб, эй мўминлар амири, мени сизга муҳтожлик олиб келди, фақирлик мени тугатди, Аллоҳга қасамки, У сиздан қиёмат куни бу ҳақда сўрайди, деди. Шунда Умар, ҳолимгавой бўлсин, айтганларингизни яна бир қайтаринг, деди. У яна қайтарди. Шунда Умар бошини эгиб, йиғлади ва кўз ёшлари ерга тушиб, ерни намлади. Кейин бошини кўтариб, қарамоғингизда неча киши? – деб сўради. У, мен ва саккизта қизим бор, деди. Умар унга уч юз, қизларига юздан белгилади. Кейин, бу юзни мусулмонлар пулидан эмас, ўзимнинг пулимдан бердим, бориб ушбу белгиланган мол чиққунига ва уларни олгунингизга қадар буни уларга сарфлаб туринг, деди.

#### **Яна бир бошқа позицияси:**

- **Қора Фартуна ва қисқа девор:**

Умар ибн Абдулазиз РАнинг чопари йўлга чиқса, одамлардан унга келган бирорта мактубни қайтармас ва бу унинг даврида урфга айланган эди. Бир сафар чопар Мисрдан йўлга чиқди. Шунда Зу Асбаҳ деган кишининг чўриси Қора Фартуна исмли аёл чопарга мактуб берди. Мактубда ўша аёлнинг девори пастлиги, ундан ўғрилар кириб товуқларини ўғирлаётгани ҳақида ёзилган эди. Умар ибн Абдулазиз унга шундай мактуб йўллади: «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим, мўминлар амири Абдуллоҳдан Зу Асбаҳнинг чўриси Қора

Фартунаға. Мен сизнинг деворингиз пастлиги, ундан ўғрилар ошиб ўтиб, товуқларингизни ўғирлаётгани ҳақидаги мактубингизни олдим. Шунинг учун Айюб ибн Шурах билга (У Умар ибн Абдулазизнинг Мисрдаги омили эди) мактуб йўллаб, уни сиз учун девор қуриб беришга буюрдим. Аллоҳнинг изни илиа бу девор сизни қўрқан нарсангиздан химоя қиласди».

Умар ибн Абдулазиз Айюб ибн Шурах билга бундай деб мактуб ёзди: «Мўминлар амири Умар Абдуллоҳдан Ибн Шурах билга. Зул Асбаҳнинг чўриси Қора Фартуна менга девори қисқалиги, у ердан товуғини ўғирлаб кетаётгани ва унга қўргон қилиб беришинг тўғрисида мактуб ёзди. Агар ушбу мактубим қўлингга етиб борса, отингга минда, бориб, унга қўргон қуриб бер». Айюбга мактуб етиб боргач, отига миниб, Жизага борди ва Фартунани сўраб топди. У бир бечора қора аёл экан. Унга амирул мўминин ёзган нарсани билдириб, қўргон тиклаб берди.

Сизга юқорида Умар ибн Абдулазизнинг таржимаи ҳолидан айтиб берганларимиз денгиздан бир томчи, холос. Биз шу орқали сизни ваъда қилинган Халифаликка ундаймиз, шояд, уни барпо этиш учун химматингиз ошса. Шояд, сиз мусулмонлар ўз динингизни қўллаб-куватлаш учун уйғонсангиз ва Халифаликни қайта барпо этиш учун ҳаракат қилаётганлар билан бирга фаолият қилсангиз. Шоядки, куч ва қудрат эгалари бу сўзларни ўқиб, пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифаликнинг барпо бўлиши тўғрисидаги Аллоҳнинг ваъдаси ва Росууллоҳ нинг хушхабарини рӯёбга чиқаришимиз учун уларда Ислом ҳамияти қўзғалиб, бу даъватга ёрдам берсалар, ажаб эмас.

Эй Аллоҳим, мусулмонларнинг қалбларини бизнинг даъватимизга очиб бер ва Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифаликни тиклагунишимизча куч ва қувват аҳлининг қалбини даъватимизга очиб бер. □

# «ИСРОИЛЛИК» ЭКСТРЕМИСТЛАРНИНГ ҚУДДУСДАГИ НАСРОНИЙЛАР ВА ЧЕРКОВЛАРИГА ҚАРШИ ҲУЖУМЛАРИ КУЧАЙМОҚДА... ЧЕРКОВГА ТУПУРИШ ВА УНИ ТАҲҚИРЛАШ

Янги тарқалган видеороликда ўнлаб «исроиллик» диндор экстремист яхудийларнинг ишғол остидаги Қуддусда насронийларга ва черковларига провокацион суратда тупурғанликлари акс этган. Бундай тупуриб таҳқирлаш Қуддус шахрида ва бошқа ҳудудларда, жумладан Ҳайфада кўп учрамоқда. Сўнгги пайтда Ҳайфада яхудийлар томонидан бир неча черковларнинг оёқ-ости қилиниши кузатилган. «Исройл»да чиқадиган «Гаарец» газетасининг душанба кечқурунги сонида айтилишича, бу ҳодисалар икки кун олдин яхудийларнинг «Арш байрами» чогида юз берган. Экстремист диндор яхудийлардан катта қисми Қуддусдаги эски шаҳарга етиб келиб, талмудий ибодатларини адо этиш учун «Буроқ девори»га боришган. Ўша ерга ўтәётиб, насронийларни кўриб қолишган ва тупуришни бошлишган, кўпчилиги насронийларнинг олдига-ерга тупуришган. Насронийлар ва уларнинг муқаддас нарсаларига тупуриш «яхудийларнинг қадимдан қолган муборак одатидир», деди кўчманчи яхудий Элиш Яред. У Рамаллоҳ шарқидаги Бурқа қишлоғилик шаҳид Қусай Маатоннинг ўтган йили 4 августда ўлдириш жиноятида гумон қилингандардан бири. Кнессетда «Оцма Иегудит» (яхудий кучи) партиясидан депутат Лимур Син Хар Милехнинг матбуот котиби бўлган бу Яред ўзининг провокацияли постида бундай қўшимча қиласди: «Фарб сақофати таъсирида яхудийлар учун насронийлик нимани англатишини мумкин унутгандирмиз. Аммо шуни ёдда тутишимиз керакки, салиб юришлари, инквизиция кийноқлари, қонли фитналар ва оммавий кирғинлар даврида сургунда яшаган миллионлаб яхудийлар ўша воқеаларин ҳеч қачон унутмайди».

**Ал-Ваъй:** Эй яхудий боласи, сен айтган «салиб юришлари, инквизиция кийноқлари, қонли фитналар ва оммавий кирғинлар»дан қочиб, мусулмон юртларга келганингда мусулмонлар сенларга нима тақдим этганини унутдингми?!... Сенлар ёлғончи, хиёнаткор ва қўрқоқ қавмсан. Бир кун келадики, у кунда сенлар асло қочиб қутула олишмайсан. □

Иброний тилда чикадиган «Гаарец» газетасида машхур сионист ёзувчи Ари Шавитнинг маколаси чоп этилди. У мақоласини бундай сўзлар билан бошлаган: «Афтидан, биз қайтиши имконсиз даражага етдик. Энди эҳтимол Истроил ишғолни ҳам тўхтата олмайди, аҳоли пунктлари қурилишини ҳам тўхтатолмайди ва тинчлик ҳам ўрната олмайди... Сионизмни ислоҳ қилишнинг ҳам, демократияни кутқаришнинг ҳам, бу давлатда одамлар хавфсизлигини таъминлашнинг ҳам иложи йўқ кўринади». Яна қўшимча қилди: «Вазият шу ахволда экан, бу юртда яшашнинг ҳам қизиги йўқ, «Гаарец»га бир нарса ёзишнинг ҳам гашти йўқ. Рогель Алъфернинг икки йил аввал қилган таклифини амалга ошириш керак, яъни юртни тарқ этиш. Агар «исроиллик» ва «яхудий» бўлиш паспортда муҳим омил бўлмаса, агар ҳар бир (Истроил) фуқароси нафақат техник маънода, балки психологияк маънода ҳам чет эл паспортига эга бўлса, у ҳолда иш тугади».

Журналист куйидагиларни таъкидлади: «Фаластинга келишгандан бери «исроилликлар» билишадики, улар сионистлар ҳаракати томонидан ўйлаб топилган ёлғоннинг курбонига айланишган, бу ҳаракат тарих давомида яхудий ҳарактеридан уларни алдашда фойдаланиб келди ҳамда Гитлернинг Холокост деб аталган нарсасини бўрттириб кўрсатиш орқали Фаластин яхудийларга «ваъда қилинган ер»dir, Ақсо масжиди остида ибодатхона бор, деган нарсага бутун дунёни ишонтиришга муваффак бўлди... Шу тариқа бўри қўзичоққа айланди-қолди, у америкалик ва европалик солик тўловчиларнинг пулини еб, охири ядрорий ваҳшийга айланди». Журналист гарблик ва яхудий археологларнинг ва улардан энг машхури Тель-Авив университетидан Израиль Финкельштейннинг хулосаларини келтирди. Уларга кўра, ибодатхона ёлғон бўлиб, ҳаётда бўлмаган афсонавий ҳикоядир. Барча қазишма ишлари бу нарса минглаб йиллар илгари бутунлай йўқ бўлиб кетганлигини исботлади. Журналист кўплаб яхудий манбаларини ва гарблик археолог олимларнинг хулосаларини келтирди. Улардан бири 1968 йилда археология фанлари доктори британиялик олима Кэтлин Кенъон хулосасидир. Кетлин ўшандা Қуддус шаҳридаги Британия археология мактабининг қазиш ишлари бўйича директори бўлиб ишлаган пайтда шаҳарда кўп қазилма ишлари олиб борган, сўнг «Истроил»нинг Ақсо масжиди остида Сулаймон маъбади борлиги тўғрисидаги даъволярининг афсоналигини фош этгани сабабли Фаластиндан кувиб чиқарилган. Яъни бу аёл Сулаймон маъбадининг ҳатто излари ҳам йўқ, «исроилликлар»нинг «Сулаймоннинг отхонаси» деган нарсаларининг Сулаймонга ҳеч қандай алоқаси йўқ, зотан бундай отхонанинг ўзи бўлган эмас, балки Фаластиннинг бир неча худудида иншо этилган саройларнинг меъморий моделлари бор холос, деган қарор чиқарган. Ваҳоланки бу олима таврот ривоятларида айтилганларга аниқлик киритиш учун Фаластин тадқиқот жамғармаси уюшмасидан келган. Чунки у Британияда ўн тўққизинчи аср ўрталарида «Яқин Шарқ» тарихи ҳақида катта фаоллик кўрсатган... Журналист Ари куйидагиларни таъкидлади: «Мана шу лъяннати ёлғон «исроилликлар»ни тинч қўймай таъқиб қилиб, ҳар куни юзларига тарсаки бўлиб тушяпти, бу зарба қудуслик, халиллик, наблуслик кишининг пичоғи билан ёки жаммоинликнинг тоши ёхуд яфвалик, хайфалик ва аккалик автобус ҳайдовчининг тоши билан урилмоқда. «Истроилликлар» Фаластинда ўзлари учун ҳеч қандай келажак йўклигини яхши билишади. Чунки Фаластин улар алдаётганидек ҳалқиз ер эмас. □